

ОЗОДЛИК ҚАЙТУСИ

XX аср бошида Туркистонни чулғаб олган даҳшатли мусибатлар шафқатсиз вақтнинг бағридан тарих саҳна-сига отилиб чиққан мисли кўрилмаган алғов-далғовли, ҳар эврилишда минглаб бегуноҳ ва маъсум иймонларни заволга буркаган анчайин фасодли, анчайин ҳалокатли кечмишлар жараёни бу ўлканинг бошига битган “Энг қора, энг кир” кунларидан-да ўзининг фожеалар кўла-ми, қурбонлар салмоғи билан бир неча бор устун тура-ди. Одам Ато замонидан бошлаб ҳали ер юзида одам бо-лалари орасида бунчалик хунрезлик, бунчалар кулфат-лар воқелиги содир бўлмаганди. Бу давр шунчалар чигал ва зиддиятларга тўлиб тошганки, агар биз ҳозирги ав-лод 70-80 йилча олисида турган ўша даврга назар ташла-ганимизда, ёки фалакнинг гардиши билан ўша давр во-қеаларининг марказига тушиб қолсак, худди “Иван Ва-сильевич ўз касбини ўзгартиради” фильмидаги сингари дафъатан бўлаётган жараёнларга баҳо беришимиз бир қадар қийин бўларди.

Туркистонда ўша пайт қанчалик қиёмат-қойим кўпмасин, ҳар ҳолда ўзининг салоҳияти, зийрак ва те-ран ақл заковати билан кечаётган воқеаларни атрофли-ча тушунган, муқаррар бўлган “қизил ҳалокат”дан ўз халқини сақлаб қолмоқчи бўлган бир гуруҳ юртнинг асл фарзандлри мавжуд эди. Ва уларнинг қисқа бир уйғо-нишлари меваси ўлароқ, вужудга келган улкан миллий уйғониш ҳаракати мазкур тарихга нисбатан суюкли шо-иримиз Ойбекнинг “Наъматак” шеърисидаги ваҳший ва кўрқинчли қоялар бағрида оппоқ оташин қуёшга бир сават оқ гул кўтариб турган, қуёшга интилаётган маъ-сум наъматак тимсолини эслатади.

Тонг юлдузи сингари чин маънода маданиятимиз, адабиётимиз осмонида порлоқ юлдуз бўлган ҳассос шо-иримиз Чўлпоннинг “Наъматак” сингари қизғин, шу билан бирга ҳалокатли умри, фаолияти афсуски, ўша мудҳиш “инқилоб” даврига тўғри келди. Бир қадар гарб маданияти ва ғояларини англаган Чўлпон ўзининг шар-қона тоза қалби виждони билан Туркистонда ҳуррият бўлишини истар эди. Жадидларнинг Чор Россияси мус-тамлакасида озод бўлишга интилувлари ва бу йўлда бошланган курашлардан фойдаланиб дунёнинг тўртдан бир қисми бу хазиначиларни қўлга киритишга босқинчи-ларнинг янги меросхўрлари бўлишлари лозим эди. Бир-роқ ваҳший, золим, қонхўр бўлган большевиклар ҳар қандай йўл билан жадидларга ёрдам беришга, улар би-лан ҳамкорлик қилишга ўзларига нисбатан ишонч пай-до қилишга ва шу йўл билан Туркистонни асл мулклар-ининг янада ажралмас қисмига айлантиришга интил-дилар. Большевиклар усталик билан сиёсат юргиздилар-ки, ҳатто ўша даврнинг мана мен деган Бехбудий, Фай-зулла Хўжаев, Фитрат сингари ақл ва қалб кўзи очик бўлган зиёлилари ҳам большевиклар сеҳрига алданиб қолдилар.

Ҳожи Муин ёзади: “Бехбудий афанди бир неча йил-лар фикрий инқилобга учраб эътиқодсизланиб юрган

бўлса-да, лекин сўнгра кўп мутолаа соясида ва ҳар бир диний фалсафий масалаларни текшириш натижасида эътиқодини тасҳиқ ва тадриж этди. Тараддуд шубҳала-ридан чиқиб диндор ва маҳкам эътиқодли бўлди”. Кўри-ниб турибдики, замонанинг эътиқодда энг етакчиси бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийдек зиёлиси ҳам комму-нистлар оғусига алданиб бўлган. Бу фикримизга Бехбу-дийнинг ўша вақтлардаги мақолалари мисол бўла олади. Чўлпон ҳам инқилобга катта умидлар билан қаради. Ле-кин унинг ўйлари аста секин пучга чиқа бошлади. Нега-ки, ҳокимиятга эришган коммунистлар бутун Туркис-тон бўйлаб қатлиомни бошлаб юборди. Миллий озод-ликка интиланларнинг ҳар қанақа кўриниши қақшат-гич зарбага учрай бошлади. 1918 йилда қонга ботирил-ган “Кўқон мухторияти” бунга яққол далилдир. “Кўқон мухторияти”нинг барча ташкилотлари таъқиб остига олинди. Мухторият маркази бўлмиш Кўқон шаҳри ваҳ-ший арман дашноқлари қўлига бериб қўйилди. Улар бир неча кунлар мобайнида шаҳарни талаб, кўнгиллари ту-саган ифлосликларнинг барчасини амалга оширди. Чўлпон ҳам бу бўлаётган воқеалар замирида нималар ётганини англамай қолмас эди. Бироқ, вақт ўтган, ком-мунизмнинг қонли панжаси Туркистонни бўғизламоққа тушган эди. Уларнинг ҳақиқий башараларини англаган Бехбудий сингари зиёлилар эса йўқ қилина бошланган-ди. Шундай бир шароитда Чўлпон изтиробли ҳолатлар-ни, руҳий азоблар даврини бошидан ўтказа бошлайди. Унинг 1922 йил Тошкентда ёзган “Кишан” шеърини ана шу ички емирилиш ва ички нурашларнинг бир кўри-ниши тарзида қабул қилишимиз мумкин. “Кишан” шеъ-ри “Ҳақиқат” журналида чиқмасидан олдин “Инқилоб” журналида ҳам чиққан. Бундан ташқари Чўлпоннинг “Тонг сирлари” тўпламига ҳам ушбу шеър кирган. Аруз вазнида ёзилган бу шеър Чўлпоннинг Туркистон ва унинг тақдири қаршисидagi умидсиз ҳасрати, халқ бошига тушган улкан мусибат ва қуллик тамғаси етказётган аламлар, виждон тўлғонишларидан, кўнгил жароҳатла-ридан сизиб чиқаётган зардоблардир. Шоир ўзининг за-бун ҳолига назар қилиш борасида ўзининг банди экан-лигини чексиз бир ғам билан сўзлайди.

**Кишан, гавдамдаги излар бугун ҳам битгани йўқдир,
Темир бармоқларнинг доғи буткул кетгани йўқдир.**

1922 йилда Чўлпоннинг кишанга қилган ўтлиғ аламли мурожаати аслида Туркистонни талаб, мусулмонларни қирғин қилаётган, Шарқ маданиятининг таянчи бўлиб келган юртни ҳалокат ботқоғига ботираётган рус босқ-инчиларига, коммунистларга қилган хитоби эди. Чор Россияси истибдоди гарчи кулаган бўлсада, Туркистон унга қараганда янада ёвузроқ бўлган коммунистлар ис-канжасида қолган эди.

Шоир кишанга қарата айтган сўзларида узоқ вақт-лардан буён бўйинтуруқ янглиғ халқнинг бўйни ва оёқла-рига солиб қўйилган тутқинлик даҳшатининг давом этаёт-ганлигини, бу қуллик алами 1917 йилдаги хунрезлик-

дан сўнг янги бир босқичга кўтарилгани, жаллодларнинг ўзларига янги ниқоб, кўриниш берганлигини таъкидлайди. Яъни, ҳали зулм асоратларининг сақланиб қолаётгани, мустамлакачиликнинг “доғи” кундан кунга ҳеч бир ўзгаришсиз Туркистон танасини чиришга маҳкум этаётган кишан қанчалик аврамасин шоир, унинг ҳақиқий қиёфасини англаганини, уни энди чин маънода ўз номи билан “Кишан” деб, “Босқинчи” деб атаётганига ишора бу.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 20-йилларга келиб Чўлпон коммунистларнинг маккорликлари Туркистон бошига янги қуллик салтанатини ўрнатганини очиқ ойдин кўрганди. Бу ҳолат унинг машҳур “Бузилган ўлкага” (1920) номли шеърисида ҳам “Эй, ҳар турли қулликларни сиздирмаган ҳур ўлка, нега сенинг бўғзингни бўғиб ётар кўланка?” тарзида акс этади.

Чўлпон қанчалар мудҳиш гирдоб бағрига тушиб қолганлигини англаган. Бироқ энди фақат шоирнинг кўксидан андуҳ тўла ҳайқириқларгина отилиб чиқарди.

**На мудҳиш, на сову-қ манҳус, на қизғонмас кучоғинг бор,
Башир тарихининг ҳар саҳфасида қонли доғинг бор.
Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар,
Фақат борлигингдурким, бутун борлиқни захр айлар!**

Эрк, озодлик бўлмаган жойда ақл, юрак ва жон ўлат чангалида тўлғонаётган бемор янглиғ қақшайди. Бутун мавжудлиги ила ҳар учаласида фалажланиб қолади. Қуллик кишининг барча маънавий, руҳий ички бутунликлари суяниб турган қалбий асосларининг хазон бўлиши инсоннинг инсонлик зотиға хос шарафдан тушиб забунлик ва туфроқ билан тенглик, хорлик, йўқлик бағрини қучиш ва онгли мавжудот сифатида энг даҳшатлиси ҳаёт деб аталмиш насибадан тўла маънода истеъфода этишдан маҳрум этилишидир.

Ҳар қанақа кишан ва тутқинлик соғлом ақл ва соф виждонда рутубатли совуқ ҳиссиёт, жирканиш уйғотади.

Шоир кишаннинг бағри ўзи учун қанчалар мудҳиш ва азоблиги кишан қанчалар ўзига ром этувчи бўлмасин, шоир ҳеч қачон унинг бағрини тиламаганлигини, чунки айнан шу кишан инсоният тарихининг жуда кўпгина кунларини ўзининг зулматли қора ёвуз моҳияти билан ёвузлик рангларига бурканганлигини таъкидлайди. Шоир фалокатли дақиқалар оша чор томонга ножот кўзи билан термулди. Лекин қонхўр “ажал қуши” — кишан қузғунларнинг кўзлари очиқ, улар ҳар ёқни шафқатсизлик билан назорат қилмоқдалар.

Чўлпон кишан ва унинг ҳалокатли нигоҳларининг сеҳрига дучор бўлган. У ҳалокат карашма денгизин кўради. Денгиз тўлқини бор эди. Лекин надоматлар бўлсинким, ажал комини сезмасдан, ушбу денгиз бағрида маҳв бўлишини муқаррар қилгучи катта-катта қулоқ отарди. Баъзида ёвузлик денгизи тинчийди. Ажалкор пўртаналари тинади. Ана шунда улкан фалокат манбаи бўлмиш тўлқинлардан қутилишни умид қилиб шоир қирғоққа интилади. Негаки, у бу денгизда сузишдан чарчаган. Нега у ўзининг қиличлари - тўлқинлари билан шоир кўнглининг эрк қушини кўрқитиб уни ўз изми билан бошқариб келган.

**Қилич бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб кетдим,
Фақат ҳар тебранишдан қутилишликни умид этдим.**

Дарҳақиқат, йиллар давомида Россия мустамлакачилари Туркистон халқларини ўлим, қилич, қийноқлар эвазига қуллик ва хорлик мақомида тутиб келдилар. Улар ана шу омилларга таяниб ўлка тақдири устидан ўзлари ҳоҳлаган ҳукми чиқардилар. Ва шу ҳукм шу тақдирга Туркистонни ҳам рози бўлишга мажбур этдилар.

1917 йил Туркистонда ростдан ҳам ўз мустақилликларини қўлга киритиш учун зўр тебраниш бўлган эди. Мустамлакачилар ўзаро низолари туфайли бир-бирларини қирмоққа тушган эдилар. Лекин, афсус, Бехбудий ҳазратларининг таъбири билан айтганда “таажжуб жоҳиллик ва ўзаро нифоқ орасинда ҳуррият”ни Туркистонликлар қўлдан чиқардилар. Давом этиб келаётган қирғин ва қувғинлар янада кучайди. Коммунистлар ўргимчак сингари ўлканинг ҳар бурчига ўз тўрларини маҳкамроқ ташлай бошладилар. Ва бу тўрни узиб ташламоқчи бўлганларни раҳмсизлик билан йўқота бошладилар.

Ана шунда бир муддат туғилган ҳуррият, озодлик умиди юлдузи сўнди. Истиқлол чечаги мустамлакачиларнинг ифлос оёқлари остида пайхон бўлди. Юртнинг боғларига, чамазорларига яна тўнғизлар галаси ёприлдилар. Иймон ва покизалик маскани бўлмиш масжидлар отхоналарга айлантирилди. Асл ўғлонлар қони ариқларда сув ўрнида оқа бошлади.

Мустамлакачиларнинг ҳийласига алданган кўнгишлар хушёр торти ва бир-бирларига, “Кўнгиш, сен мунчалар кишанлар бирлан дўстлашдинг? Нега бунчалар сустлашдинг. Кишан кийма, бўйин эгма”, деб ҳайқира бошладилар. Аммо кеч бўлган эди.

Коммунистлар ўзларига ёрдам берганларни ҳали ҳам “Кўпдан бери мен ўзликдан узилиб, кўплик ичра ботиб кетган танаман”, дея зорланишларига қарамай ҳалок эта бошлади.

Шоир қулликнинг янги мавсуми бошланганлигини гарчи сал илгарироқ ундан қутилиш имкони бўлган бўлса-да, энди бу умид тағ-туғи билан кўпориб ташланганлигини ўқинч билан сўйлади. Бу энди гирдоб издиҳом бағрига тобора чуқурроқ ботиб кетаётган кўнгишнинг ҳақиқий изтироби эди.

**Кишан, гавдамдаги доғинг ҳануз ҳам битгани йўқдир,
Фақат, буткул қутулмоққа умид энди ортиқдир.**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Чўлпон бу шеърни ўзи эътироф этганидек шакл ва мазмун бирлигининг ажойиб намунаси сифатида ижод этган. Шеърда ижтимоий гоё, сиёсий фикр юки оғир бўлса-да, бу юк ажойиб воситалар билан ихчам кўринишда баён этилган.

“Кишан” шеърини коммунистик гоё билан заҳарлашни бошлаган XX аср бошидаги Туркистон ижтимоий фикрини, онгини уйғотишга қаратилан бир бонг дейишимиз мумкин.

Ғайрат МАЖИДОВ





Озода ТЎРАҚУЛОВА



БОЛАЛИГИМ ЁМҒИРЛАРДА ҚОЛГАН ТИЁҲ

Оҳ, ҳали ҳам ўша ҳовлидан,
Муҳаббатнинг ҳиди келарми?

Ўшал кунларни-эй бирам қўмсайман,
Ойга ёққан, гўзал, титроқли қишлоқ...
Оқ ёмғирлар исин таниб ўсганим,
Болалик йилларим кетмангиз йироқ.
Бу соғинчим сизга...

Акаларим билан тандир бўйида
Жажжи қўлчаларим тутган кулдан,
Чорбоғ этагида, ҳовуз бўйида,
Сувда ой аксини таниган кеча...
Бу соғинчим сизга...

Уйнинг ортидаги катта ариқда,
Сув сирий айтиб оққан олмалар...
Ҳовли ўртасида марвартак тутдан,
Тергувчи чапани, чаққон болалар,
Бу соғинчим сизга...

Бу соғинчим сизга — юлдуззор тунлар,
Менга турналарнинг кўзин танитган...
Киприклар тўкилган, хаёлларимнинг
Юрагимга борар йўлин ёритган,
Бу соғинчим сизга...

Бу соғинчим сизга — юлдуззор тунлар.

Болалигим ёмғирларда қолган гиёҳ...
Энди сени сўроқлаб ҳам тополмасман,
Болалигим — оқиб кетган ул гулимоҳ,
Кўзларимга олиб сени чополмасман...
Болалигим — юлдузларнинг шивирлари,
Энам эккан райҳонларда қолиб кетди...
Онам айтган эртақларнинг ҳур қизлари,
Болаликни сандиғига солиб кетди...
Аллалари, қувончлари, қўшиқлари,
Жимжимадор, тахтировон, қўшқлари,
Топиб беринг, Она, қайда бешикларим?
Деган савол юрагимга ботиб кетди...
Шундан бери қанча тонглар чопиб ўтди,
Болаликнинг қиқир-қиқир кулгулари
Мени ҳаёт дарёсига отиб кетди...

Кўзингдаги на у дунёми?
Кипригимни чайиб ўтарман.
Юракдаги гул хатлар билан
Бир умрга ғолиб кетарман.
Кўзингдаги надур шабнамми?
Муҳаббатнинг ашқларимикан?
Ма, ол сенга кўнгил тутяпман,
Юрак эриб бошлади бу кун...
Битилмаган нома — кўзларинг,
Дунёларим ўраб қўйяпман.
Менга айтгил, борми сўзларинг?
Сўзларингга маҳтал бўляпман.
Кўзларимга гунчалар ёғдир,
Кўзларингдан элчи бўлсинлар,
Эсдаликка кўзингни қолдир,
Кипригимга совчи бўлсинлар...
Кипригимга совчи бўлсинлар...

Болалигим кўрган ариқлар,
Мени эслаб яшаяпсизми?
Лола унган лойшувоқ томга,
Юрагимни бошляпсизми?

Довуччасин қизганмаган шох,
Жажжи қўлим хотирингдами?
Кувончларин аямаган боғ,
Кулгуларим ёдингиздами?

Дунёсига исмим яширган,
Бақатерак ҳали омонми?
Энг биринчи титроғим кўрган,
Яшил япроқ ҳали ҳам борми?

Қишлоқ, айтгил сен билган уйда,
Қалдирғочлар учиб еларми?

Озода ТЎРАҚУЛОВА — 1974 йилда Фарғона вилоятининг Богдод туманига қарашли “Хитой” қишлоғида туғилган. Тумандаги 22-ўрта мактабда таҳсил олган. Фарғона Давлат Университетининг Ўзбек филологияси факультетини 1996 йилда тамомлаган. “Армонинг келини”, “Ёмғир товуши” шеърӣ китоблар муаллифи. Айни пайтда Озода ТЎРАҚУЛОВА Ўзбекистон телевидениясининг “Ёшлар” телеканалида хизмат қилади.

ИЙҲОМ САНЪАТИ

«Ийҳом» атамаси гумонсиратиш, шубҳага солиш, шубҳалантириш маъноларидоги сўздир. Шоир байтда бир ёки бир неча сўзни икки маънода қўлласса-ю, мисра мазмуни иккала маънога ҳам мувофиқ келса - ийҳом санъатини қўллаган бўлади. Ийҳом санъати моҳиятининг лугатига дахлдорлиги шундаки, ўқувчи: «Шоир ундай демоқчи бўлганми, бундай демоқчи эдими?» дея гумонсирайди, шубҳаланади.

Мавлоно Лутфийнинг қўйидаги байтида «туш» ва «тонг» сўзлари икки маънолидир:

*Кун тушта кўргали сени тушти заволга,
Ой тонгга қолди, кеча боқиб ул жамолга.*

«Туш» сўзининг «туш пайти» ва «туш кўрмоқ» маъноларига мувофиқ келганини биринчи мисранинг икки талқинида кузатайлик:

*Кўёш сени туш чоғи кўриш учун қуйлашиб тушабошлади.
Кўёш сени түшида кўриш учун ботди.*

Иккинчи мисрадаги «тонг» сўзининг «тонг пайти» ва «хайратда қолмоқ» маъноларига келишини мисранинг мазмунидан аниқлайлик:

*Ой кечаси унинг жамолига қарагани билан тонггача қолиб кетди.
Ой кечаси унинг жамолига боқиб хайратда мол қолди.*

Алишер Навоийнинг қўйидаги байтида ҳам ийҳом санъати ўта зукколик билан қўлланилган. Бундай деганимизнинг боиси шуки, бир «Кўй» сўзининг ўзини ҳам тасдиқ, ҳам инкор маъносига ишлата олган:

*Бош кўяй дедим оёғи туфроғига, деди: «Кўй».
Бўса истаб лаъли рангин сўрдум эрса, деди: «Ол».*

Йигит қизга: «Оёгинг изига бош кўяй» деб илтимос қилган. Қиз: «Майли, кўйгин» деган. Иккинчи талқинда эса, қиз йигит илтимосига жавобан: «Кўйма» деган...

Ошиқ севгилисини ўпмоқчи бўлиб лаблари рангини сўраган. Қиз: «Қизил» деган. Иккинчи талқинда, йигит қизни ўпмоқчи бўлиб изн сўраган. Қиз унга рухсат берган...

Ийҳомнинг аввало идрок этиш осон ёки қийинлигига қараб икки хил тасниф қилиш мумкин:

биринчиси, байтдан ийҳом борлигини дарҳол ёки тезроқ илғаб олиш мумкин. Буни тез топиладиган ийҳомлар дейиш мумкин. Ийҳомга юқоридан келтирган иккала мисолимиз тез топиладиган ийҳомлар сирасига киради.

Мавлоно Умар Лутфийдан келтирилган қўйидаги байтда «ой бошинда» сўзлари икки маънода келади: «шу ойнинг дастлабки кунларида» ва «ойжамол гўзалнинг бошида»:

*Мунажжим қошу кўзинг кўргач айтур:
Ким, ушбу ой бошинда фитналар бор.*

Байт мазмуни:

Мунажжим сенинг қошу кўзингга қараб фол кўради: «Бу гўзалнинг бошида фитнали хаёллар бор». Иккинчи мисранинг иккинчи мазмуни: «Ушбу ойнинг дастлабки кунларида фитнали ҳодисалар рўй беради».

Ийҳомларнинг иккинчи нави кечроқ англанидиган, узоқ ўйлаб топиладиган ийҳомлар бўлиб, ўқувчи байтни такрорлайверса ва мазмунини мулоҳаза қилаверса, иккинчи йироқроқ ва таъсирчанроқ маъносини илғаб олиши мумкин.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қўйидаги байтидаги «сўрорим бор» сўзлари ана шундай ийҳом намунаси. Чунки дастлаб биз байтни ўқиганимизда «сўрамоқчи экан» деб ўйлаймиз холос:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди.
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

Кўп ўйлаганимиздан сўнггина «сўрорим бор» сўзлари «сўрамоқчиман» маъносига ҳам кела олишини билиб қоламиз...

Алишер Навоий ийҳомни «хосса маъни» - нозик маъноларни ифодаловчи санъат деб ҳисоблаган:

*Агар хосса мани гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Бу безжиз эмас: ийҳомни тушуниш учун кучли идрок ва ўқимишлилик зарур. Масалан, буни тасаввур этиш учун қуйидаги Эркин Воҳидов байтини мулоҳаза қилайлик:

*Қилгай эрмиш мутриби ишқ ўз мақомини Ироқ,
Шу сабаб оҳанги ушшоқ гиряю афгон эмиш.*

Мазкур байтни ҳар хил тушуниш имкониятларини тишиш белгилари орқали ифодавайлик:

*Қилгай эрмиш мутриби ишқ ўз мақомини «Ироқ»,
Шу сабаб оҳанги «Ушшоқ» «Гиря»ю «Афгон» эмиш.*

Бунга кўра «Ироқ» мақом номи бўлиб, кўштирноққа олинган «Ушшоқ», «Гиря» ва «Афгон» сўзлари қуйи номларидир.

Эркин Воҳидов талқинидаги байтнинг мазмуни: Ишқ чолғучиси Ироққа кўчмоқчи экан. Шунинг учун ошиқлар йиғлаб нолаю фиғон қила бошладилар.

Кейинги, кўштирноқлар қатнашган байтнинг мазмуни: Ишқ чолғучиси «Ироқ» мақомига ўтиб, «Ушшоқ», «Гиря» ва «Афгон» қуйларини чалабошлади.

Ийҳомларни янги-оҳорли ва анъанавий хиллари ҳам бўлади. Шоир илгари ийҳом манбаи бўлмаган сўзлардан фойдаланиб, ийҳомли байт яратса янги-оҳорли ийҳом санъатини қўллаган бўлади. Масалан, «азиз» сўзида «Юсуф ва Зулайҳо» дostonида оҳорли янги ийҳом қўлланилганки, китобхон бу осон сезиладиган ийҳомдан «азизим» маъносини ва Миср Азизи маъносини дарҳол тушуна олади:

*Соҳир эрур рост бу каньони қул,
Айла, азизим, они сан банди гул.*

Иккинчи мазмуни:

Айла, азизим, они сан банди гул.

Анъанавий ийҳомлар номлардан кўриниб турганидек, турли шоирлар бир хил сўзларнинг кўп маънолигидан фойдаланиб ийҳом яратаверадилар. Анъанавий ийҳомларнинг қўйидаги хиллари кузатилади:

Биринчидан, шоирлар ва қуйи номларидан анъанавий ийҳомлар қўллайдилар:

*Ижозат бўлса, эй султони хўбон,
Ўқуйин бу ғазални дар Сифахон.*

Саййид Аҳмаднинг «Таашшуқнома» дostonидан олинган мазкур байтининг-иккинчи мисрасининг икки хил мазмуни:

Бу ғазални Исфохон шаҳрига бориб ўқий.

Бу ғазални «Исфохон» оҳангида қўшиқ қилиб айтай.

Иккинчидан вилоят, мамлакат ва қуйлар асосига яратилган анъанавий ийҳомлар. Мавлоно Лутфийдан олинган қўйидаги байтда Ҳижоз вилояти ва «Ҳижоз» қуйи, Ироқ мамлақати ва «Ироқ» қуйи асосига сўз ўйини қилинган:

*Лутфий, Ҳарида қолмади шеърингга муштари,
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.*

Иккинчи мисранинг иккинчи мазмунига ишора: Азми «Ҳижоз» қилки, мақоминг «Ироқ» эмиш. Учинчидан, анъанавий ийҳомларнинг бир нави «Чин» сўзининг атоқли ва турдош от тарзларида яратилгандир:

*Кўзлари бир ғамза бирла ваҳши кўнғлим қилса сайд,
Фурқатий, ёлғон эмас, гар Чиндин оҳу келтирур.*

Иккинчи мисранинг иккинчи талқини: Фурқатий, ёлғон эмас, гар чиндин оҳу келтирур.

Ийҳомларнинг асосий қисми сўзнинг жинсдошлиги - омонимик хусусиятига асосланади. Билиш жоизки, ийҳом санъатида бир сўз икки маънода келади: тажнисда икки сўз ҳар хил маъноларда шаклдош келади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ



АСРАНГАН ОЛТИН НУЛНУЗУ



Романдан боблар

1

... Отлиқ отнинг жиловини тортиб тўхтати. Оёғини узангига тираб, эгардан кўтарилиб, қўлини пешонасига равоқ қилганча, кун ботган томонга узоқ тикилиб қолди. Унинг қора чўғирма остидаги кўёш нуридан қорайган чўзинчоқ юзи, унга ярашган қалин қора қошларию, мўйлабини тек қотириб қўйган бургутникидек ўткир нигоҳи унча-бунча қийинчиликларни назар-писанд қилмайдиган мард чавандоз йигитлардан эканлигини аён қилиб турарди.

Йигит бораётган йўлининг тўғри-нотўғрилигини аниқлаб олди шекилли, эгарга аста ўтириб, от жиловини кун чиқиш томонга қарата буриб, “чуҳ” деди. Қўнғир-қизил тўриқ от эгасининг хатти-ҳаракатларига тўла ўрганиб қолганлигидан бўлса керак, унинг измига итоаткорона бўйсунган ҳолда оҳиста юриб кетди.

У от тўғри остидаги қумдан уфураётган иссиқ ҳовурга-ю, тушаётган қоронғиликка ҳам парво қилмай, эгарга боғлоқлик эчки терисидан тикилган сув тўла мешни шошилмай ечиб олди-да, мириқиб сув ичди. Мешни қайта эгарга боғлаётиб, беҳос кўзи қибла тарафдаги тепалик ортдан чиқиб келаётган отлиқларга тушди-ю, дарров ўнг қўлини белбоғидаги пичоққа юборди. Сопидан маҳкам ушлади. Чап қўли билан от жиловини силтаб тортиб, “юравер” дегандек, этининг пошнаси билан отининг биқинига секин тешиб қўйди. От лўкиллаганича илдамлади. Отлиқлар уни кўрибоқ, таққа тўхтатишди. Бир неча дақиқа имо-ишора, пичир-пичир қилишиб, режа тузиб олишди шекилли, улардан икки нафари ажраб, ўзи томонга от солди.

Йигит ҳушёр тортиб, уларнинг хатти-ҳаракатини кузата бошлади. Ўзини қанча дадил тутмасин, айти дамда бироз ҳаяжонланаётгани юзидаги ифодалардан сезилиб турарди.

Унинг олдидан кесиб чиққан икки суворий отларининг жиловини тортиб тўхтатишди. Йўловчи йигит пичоқдан қўлини олиб, эгар қошига тикиб қўйган қамчи сопини ушлаб тортаркан, мол терисидан тўқилган қамчининг учи кумни чизиб кетди. Кейин отлиқларга яқинлашиб, салом берди. Улар саломга алик олишмади. Аксинча, бири ўдағайлаб:

— Отинг билан бор-будингни шу ерга ташлаб жўнавор, йўқса ўласан, — деди.

Йўловчи йигит уларнинг турқи-тароватига бир разм солгандаёқ, уларда қурол йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Сўнг бамайлихотирлик билан отини икки отлиқ ўртасига қарата ҳайдади ва қамчи ҳавода муаллақ кўтарилди.

Биринчи отлиқ юзи аралаш тушган қамчи зарбига дош беролмай:

— Войдо! — дея чинқириб юборди.

Остидаги оти хурканидан ўзини ён тарафга ташлаб, чопиб кетди. Эгаси эгардан йиқилиб тушмаслик учун от ёлига маҳкам ёпишиб олди. Иккинчи отлиқ бироз олишгач, бу чайир йигитга бас келолмаслигига кўзи етиб, отини орқага буриб, урра қочди. Бу вақтда орқадаги икки отлиқ ҳам яқинлашиб қолган эди.

Олдида йўргалаб келаётган от бошига тушган қамчи зарбидан жонивор ўзини ўнг келган томонга урди, эгаси бўлса жиловини нуқул рақиб томонга бурмоқчи бўлар, бироқ, кетма-кет тушган қамчи зарбидан эсанкираб, бунинг уддасидан чиқолмасди. Ахийри, у отининг жиловини силтаб биқинига тешиб, кетма-кет қамчи урди. От жон-жаҳди билан чопиб кетди. Йўловчи йигит оти-

нинг жиловини тўртинчи отлиқ тарафга қараб бурди. Бундан қўрқиб кетган — паранжи ёпинган отлиқнинг “урманг” дея чинқириб юборган ингичка товушидан йигитнинг қамчи ушлаган қўли ҳавода муаллақ туриб қолди. Бу пайтда учала отлиқ тўғри келган томонга қочиб, чўкиб бораётган қоронғилик қўйнига сингиб кетишган эди.

— Нега турибсан, бор, тўданга етиб ол! — деди йигит.

От устида дағ-дағ титраётган паранжили аёл жанг майдонида шер каби олишган абжир бу йигитнинг қаршисида одоб билан сўзлаётганидан бироз ҳовури бо-силлиб:

— Уларни мен танимайман, — деди.

— Йўқса улар билан нима қилиб юрибсан? — сўради йигит, унинг овозидан ҳайратлангани яққол сезилиб турар эди.

— Чоржўйдаги ипчи баталёнда ишлаётган акамнинг касаллигини эшитиб, отам билан кўргани кетаётган эдик, — қизнинг овозидаги кўрқин, ҳадиксираш аста-секин йўқолиб, ўрнини хотиржамлик эгаллай борди. — Йўлда ҳалиги қароқчилар ҳужум қилиб, бор-будимизни тортиб олишди. Отамни ўлдиришди. Мени ўзлари билан мажбурлаб олиб кетишаётган эди. Худога минг қатла шукрим, сиз дуч келиб қолдингиз. Сизга мингдан-минг раҳмат!

Шундай дея қиз кўзларига ёш олди, отасиз қолганлигининг алами унинг кўнглини эзаётганлиги шундоққина билиниб турарди.

— Отангни қаерда ўлдиришди? — деб сўради йигит.

— Ҳаммаёқ қум бўлса, билмасам. — деди қиз йиғламираб.

Энди қизнинг елкалари силкиниб-силкиниб кетди. Унинг ўксиб-ўксиб йиғлаётгани тун қоронғусида сезилмасди. Йигит қизни бир пас бўлса-да, қайғудан чалғитиш ниятида:

— Отинг нима? — деб сўради.

— Бибиғул, — жавоб берди қиз йиғи аралаш. Сўнгра-хўрсиниб қўйиб, — Сизники-чи? — деди.

— Худойберган, — деди йигит ўз исмидан фахрланаётгандай, сўнгра қизиқсиниб сўроғида давом этди. — Қаерликсан?

— Хўжейлидан.

— Хўжейлида қариндош-уруғларинг борми?

— Йўқ, Чоржўйдаги акамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Йигит бошқа савол бермади, мешни эгардан ечиб қизга узатди.

— Ма, ичиб ол!

Қиз индамай мешни олиб, кутиллатиб сув ичди. Чанқоғи босилгач, мешни қайтариб узатаркан:

— Раҳмат, Худойберган оға, — дея иссиқдан қовжираб кетган лабларини ялаб қўйди.

Исми жисмига ярашиб тушган Бибиғулнинг сўзи шу қадар самимий ва жозибали эшитилдики, йигит қалбининг алақаери жиз этиб кетди. Энди ҳамроҳига ўғринча разм сола бошлади. Чайқалиб турган паранжи остидан қизнинг юзи ой ёруғида аҳён-аҳёнда кўриниб қоларди.

Тўлин ойдек гўзал кулча юзли бу қизнинг туртиб чиққан кўкраклари эса йўргалаб кетаётган отнинг лўкиллашига мос равишда силкиниб-силкиниб кетарди. Табиат ўзининг бутун гўзаллигини ҳеч аямай унга тортиқ қилгандек эди.

— Энди қаерга бормоқчисан? — сўради қизиқсиниб



Худойберган унга зимдан кўз юбориб.

Қиз елкасини қисиб:

— Билмасам, — деди.

У хижолатдан шолғомдай қизариб кетган эди. Бунини Худойберган сезмади.

— Хоҳласанг мен билан қол. Сени уйга, синглимининг олдига элтиб, акангдан ўзим хабар олиб келаман, — деди Худойберган уни йўқотиб қўйгиси келмай.

Бибигулдан эса садо чиқмади. Фақат енгилгина бош ирғаб қўйди, холос. Худойберган қизнинг уялаётганини пайқаб, бошқа савол беришдан ўзини тийди. Жимлик чўкди. Бу сукунатни қашқирларнинг узоқ-узоқларда ув тортишлари-ю, отларнинг бир пас тўхтаб, қўлоқларининг динг қилганича қоронғулик қўйнига тикилиб туриб, пишқириб қўйишлари бузар эди. Шундай пайтда Худойберган отининг биқинига оҳиста тешиб, жиловини силтаб қўяр, от бўлса эгасига итоат этганча оҳиста юриб кетарди.

Отлиқлар шу тариқа бир-бирларига чурқ этмасдан тонг отгунча йўл босишди. Эсаётган тонгги салқин шабада от эгаридан маҳкам ушлаганича мудраб кетаётган Бибигулнинг паранжисини аҳён-аҳёнда ҳазиллашаётгандай учириб-учириб қўярди. Худойберганнинг унга раҳми келди. Чарчаган, балки кечадан бери туз тотмаганидан қорни оч қолгандир, деб ўйлади. Отининг жиловини тортиб тўхтатди. Бибигул минган от ҳам икки-уч қадам юриб тўхтади-да, орқадаги отга ўтирилди. Мудраб бораётган қиз от тўхташи билан бехос чайқалиб кетиб, уйғониб кетди.

Худойберган қизнинг отдан тушишига ёрдамлашди-да, кейин от эгаридан мешни олиб, унга узатди.

— Бибигул, ма, юзингни ювиб ол.

Юз-қўлини ювиб олган бу икки йўловчи эрталабки намозни ўқиб бўлгач, тамадди қилиб олиш ниятида қумга чўкка тушишди. Худойберган эгар устидаги хуржиндан қотиб қолган бир зогорани олиб тенг иккига бўлди, ярмини Бибигулга узатди. Бибигул ўзига теккан зогора бўлагидан бир бурдасини ушатиб олиб, унинг устига мешдаги сувдан қўйди, ивиб, юмшашини ҳам кутиб турмай оғзига солди. Худойберган ҳам луқмаси устидан яримлаб қолган мешдаги сувдан хўплаб-хўплаб ичди. Юлгунга боғланган отлар янтоқдан узиб олиб қурсиллатиб чайнашарди. Йўловчилар озгина нафас ростлаб, яна йўл ҳозирлигини кўришди. Бу вақтда қуёшнинг қизил заррин шуъласи уфққа таралганди.

— Бибигул, чарчаган бўлсанг яна озгина дам олақолайлик, — деди Худойберган яна унга раҳми келиб.

Тинкаси қуриган қиз жон-жон деб дам олишни хоҳласа-да, кун қизигандан кейин саҳрода йўл юриш қийинлашини билар эди. Шу боис:

— Чарчаганим йўқ, — деди йигитнинг кўнгли учун.

Икковлон яна йўлга тушишди. Шу алфозда бир кечакундуз йўл юришгандан кейингина қишлоққа кириб келишди.

Улар бир ҳовли ёнида отдан тушдилар. Сал нарида икки йигит кўш ҳўкиз билан ер ҳайдамоқда эди. Улардан бири ўртасига туриб олиб, ҳар иккала қўли билан ҳўкизларнинг нўхтасидан ушлаб олиб, ҳайдалган ер билан ҳайдалмаган ер чегарасидан оҳиста етаклаб борар, иккинчиси эса омочнинг измидан чиқиб кетмаслиги учун уни диққат билан кузатиб борарди. Ўқтин-ўқтин измидан чиқиб кетаётган кундани яна ҳайдалган ер билан ҳайдалмаган ер чегарасига тўғрилаб юборарди. Омоч учига кийдирилган темир тиг ер бағрини аёвсиз тилиб борар

эди. Ҳўкиз етаклаган йигит тўхтаб, шеригига қарата:

— Ака, ҳўжамиз келдилар, — деди.

Бу иккала йигит ҳўкизларни ўз ҳолига қолдириб, тезда келиб, ҳўжаси Худойберганнинг қўлини олишди-да, чаққонлик билан отларнинг жиловидан тутишди. Улар нотаниш аёлнинг саломига бош қимирлатиб қўя қолишиб, отларни таблага етаклаб кириб кетишди. Йигитлар қайтиб чиқишганида ҳўжаси юз-қўлини юваётган эди.

— Янгибой жапоқ, картошкани йиғиштириб олдингизларми? — деди у ювинаётиб.

— Ҳовва, Худойберган оға, — деди жуссаси кичик, қўзлари доим кулиб турадиган истараси иссиқ йигит.

Узунчоқ юзли, қорачадан келган новча қотма йигит гапга аралашди:

— Худойберган оға, картошкани йиғиштириб ўрнига гавуш экватирмиз.

Худойберган иккинчи йигитнинг сўзини эътиборсиз қолдириб, уйга кириб кетди. Бундан иккинчи йигит хафа бўлмади. Ҳар замон-ҳар замонда ҳўжасининг берадиган танбеҳларига ўрганиб қолган.

Йигитлар қайтиб келишганида ҳўкизлар ҳайкалдек қотиб туришарди. Улар яна ер ҳайдашга киришиб кетдилар.

Катта айвон томига қурилган дераза ойнасидан ёруғлик ёйиларди. Айвондаги чипта устига ташланган эски кўрпачада Бибигул чой ичиб ўтирарди. У бироздан сўнг:

— Бояги йигитлар кимингиз бўлади? — деб сўради.

Менинг хизматкорларим, дейишга андиша қилган Худойберган:

— Улар шу уйнинг хизматини қилишади, — дея жавоб қайтарди.

— Худойберган оға, Чоржўйга акамни кўргани қачон борасиз? — деди.

Шундай деди-ю, Бибигул уялиб ерга қаради.

— Бибигул, бир-икки кун дам олай, от ҳам дам олсин, кейин йўлга чиқаман, — деди.

Бу жавобдан қаноат ҳосил қилган қиз бош ирғади.

2

Хароба, ташландиқ ҳовли ичкарасидаги хоналарга тўшалган шох-шаббалар устида донг қотиб, пишиллаб ухлаётган ишчиларни оралаб, бирон-бир егулик илинжидаги каламушлар изғишади.

Ухлаётганлар жониворларни пайқашмайди. Фақат биргина хонадаги одамларнинг кўпчилиги мижда қоқишмайди. Улар орасида ёшгина бир йигит оғриқнинг зўридан тишини-тишига босганича, фарқ терга ботиб ётар эди.

— Вой худойим, бунча азоб бермасанг? Мен сенга нима ёмонлик қилган эдим. Шунча қийнамасдан жонимни олиб қўяқолсанг бўлмасмиди? — дея нола қилиб қолди кимдир.

Йигит, бу Адил акамнинг товуши, деган хулосага келди. Шериммат исмли бу йигит Хўжейлида қолган отаси билан ёлғиз синглиси Бибигул тўғрисидаги ўйларидан халос бўлолмай қийналарди. Отам очлиқдан ўлиб, синглим бировлар эшигида чўрилик қилиб юргандир, деган фикрдан чўчиб тушди. Беихтиёр бир қўлини ёстиғи тагидаги кичкина халтага чўзди. Халтадаги нон бўлақлари ўз ўрнида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, хайрият, деб қўйди. Бу нон бўлақларини отаси билан синглисига олиб боришни ўйлаган йигит бироз тинчланди.

У хизмат қилаётган ишчи баталёнида ҳар бир ишчи бошига ҳар кунда юз эллик граммдан нон бериларди. Бу нондан озгинасини очликдан ўлиб кетмаслик учун ўзи еб, қолганини отаси билан синглисига илинадиган Шериммат оқибатда сил касалига чалинганди. У ўз ёшига нисбатан анча кагга кўринарди. Озиб-тўзиб чўп-устихонга айланган, лаблари қовжираган, киртайиб, ичига ботиб кетган кўзлари нурсиз. Хонада кимнингдир мажолсиз “сув-сув” деб инграгани эшитилди. Ҳеч кимдан садо бўлмагач, йигит:

— Ҳозир Адил ака, ҳозир, — деганича базўр эмак-лаб касал олдига борди.

Йигит Адилнинг бошини териси суягига ёпишиб қолган қўли билан кўтармоқчи бўлган эди, кучи етмади. Шунда у Адилнинг бош тарафида турган қоп-қора чедлакка қўлини ботириб, ҳовучига сув олди-да, Адилнинг оғзига томизди. Адил сувни тамшаниб ютаркан:

— Раҳмат, Шериммат, — дея чуқур нафас олди. Юзини қандайдир ҳазин жилмайиш эгаллади. Бу билан у Шеримматга миннатдорчилик изҳор қилмоқда эди. Адилнинг лаблари қимирлади-ю, бироқ Шериммат ҳеч нарса эшитмади. Адил сўнгги нафасини қийналиб олар экан, Шеримматга бир нима демоқчи бўлар, бунга мажולי етмай қийналар эди. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, кўз қорачиқлари кенгайиб кетди ва боши шилқ этиб ён тарафга қийшайиб қолди.

Шериммат Адилнинг очиқ кўзларини беркитди.

Адилнинг кўзлари мангуга юмилди.

— Ҳой, одамлар, — деди-ю, ўзи ҳам майитнинг ёнига ҳушидан кетиб йиқилди.

У шу аҳволда анча алаҳсираб ётди. Ўзига келиб, ёстиғи тагидаги нон халтасини пайпаслади. Халта жойида йўқ эди. Атрофдагилардан суриштирди. Аммо ҳеч ким кўрдим демади. Нони йўқолгани Шеримматга ёмон таъсир қилди. “Отажоним... сингилгинам...” дея пичирлаганича кун бўйи ўзини билмай ётди. Куннинг иккинчи ярмида у жон берди.

Кечки пайт Чоржўйга кириб келган Худойберган ишчи баталёнидан Шериммат исмли йигитни суриштирар эди. Охири у истиқомат қилаётган ҳовли дарагини топди. Шодланиб айтилган ҳовлига кириб келди. Бу пайтда икки навкар Шериммат жасадини баталёнинг тўрт нафар ишчисига кўтартириб олиб кетаётган эди. Йигит навкарлар биридан Шеримматни сўради.

Бундай аҳволга кўникиб кетган навкар йигитга хотир-жамлик билан қаради:

— Сиз унинг кими бўласиз?

— Акаси бўламан, — деди бу гап хаёлига келиб қолганидан қувонган йигит.

— Шериммат бугун бандаликни бажо келтирди, — деди навкар бўйрадаги жасадга ишора қилиб.

Худойберган бир зум довдираганича туриб қолди. У бўлаётган воқеани ўзича тушунишга ҳаракат қилар эди.

— Отингиз нима? — сўради навкар.

У бу сўзни эшитмади.

— Отингиз нима? — дея яна саволини такрорлади навкар

— Худойберган.

— Укангизни ўзингиз кўмасизми, Худойберган? — деди навкар ортиқча юмушдан қутулганидан жонланиб.

— Ҳа, — деди-да, Худойберган Шеримматнинг жасади солинган бўйранинг бир тарафини кўтарганича ишчилар билан қабристон томонга юрди.

Худойберган Шеримматни баҳоли қудрат дафн қил-

ди. Бу вақт ПЗУ деб аталмиш ишчи баталёнидаги ишчилар орасидаги норозиликлар кучайган эди. Ишчи баталёнлари номигагина ўз ихтиёри билан келган ишчи кучлардан тузилган эди. Аслида ҳар бир районга фалон-та ишчи берасан деб мажбурият юкланарди. Партия ячейкалари томонидан тўплангач, ишчи кучлар керакли жойларга жўнатиладди. Шериммат ҳам шу ПЗУнинг қурбони бўлди.

Шеримматнинг дафн маъракасида уни таниганлар иштирок этишди. Шу орада Худойберган эллик чоғли ишчининг қочишга тайёргарлик кўраётганини билиб олди-ю, уларга қўлидан келганича ёрдам беришга қарор қилди. Қоқ тунда ишчиларга бош бўлиб, Жайхун дарёсини кечиб ўтди. Кейин улар ўн икки кун пиёда юришди, жамғарилган озуқалари тугаб қолди. Шунда Худойберган ўз отини сўйиб, эллик кишига бўлиб берди. Бу гўштни улар юлгун чўғида кадоб қилиб тамадди қилишганича бир амаллаб ўз юртлари — Қорақалпоқ ўлкасига соғ-омон етиб келдилар. Улар бир-бири билан қуюқ хайрлашар экан, кимлардир Нукусга, кимлардир Қипчоққа ва яна кимлардир Хўжейлига, хуллас ҳар ким ўз қишлоғига қараб равона бўлди. Ёлғиз қолган Худойберган сўйилган отини эслаб, бироз эзилди, лекин қурбонлиги эвазига шунча одамни тирик сақлаб қолганини ўйларкан:

— Худо йўлига ҳам яхшилик қилиш керак-ку, омон бўлсак от топилар, — деб қўйди ўзига-ўзи.

Унинг уйдан чиқиб кетганига уч ойдан ошган эди.

3

Худойберган Чоржўйга кетганидан кейин Бибигул ҳовлида Зайнаб билан бирга қолди. Зайнаб доимо кулиб турадиган истараси иссиқ, шўх қиз эди. Шериммат эсига тушганида маънос тортиб қоладиган Бибигулни бўйи етиб қолган Зайнаб сочларини ёйганича, ўзини турли кўйга солиб, ноз-карашма билан гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан туртиб зериктирмас эди. Бибигул бўлса Зайнабдан аразлагандек:

— Бир пас тинч қўясанми-йўқми ўзи, — деганича ўзи ҳам кулиб юборар эди.

Эл оғзидаги миш-мишлар Бибигулнинг қайғусига яна қайғу қўшди. Бу Сапарбой ва Кенжабой ҳақида тарқалган гаплар эди.

Ака-ука Сапарбой ва Кенжабой ишчи баталёнида хизмат қилишарди. Бу ердаги шарт-шароитларнинг оғирлиги, одамларга қуллардай муносабатда бўлиниши кўпларни жонидан тўйдириб юборди. Ҳолбуки, газеталар совет мамлакатининг инсонпарварлиги ҳақида тинмай лоф уриб ёзишарди. Ишчи баталёни деб аталмиш дўзахда эса ҳар қандай одам ҳам ваҳшийлашиб, ўз инсонлик қиёфасини йўқотиб қўярди.

Кенжабойнинг акаси Сапарбой қўлда тикилган халтачага қотган нонларни солиб юраркан. Уйга қайтишга рухсат берилгач, иккови пою-пиёда йўлга чиқишади.

Ака-ука кун бўйи Қизилқум саҳросида яёв юришади. Ниҳоят чарчаб, каттакон бир юлгун соясига ўтиришади. Сапарбойнинг халтасидаги қотган нонлардан бироз тамадди қилишади.

Бироқ Сапарбойнинг берган нони Кенжабойнинг ичагига юк ҳам бўлмайди.

— Нонингдан яна бер, — дейди у баднафелик қилиб.

Сапарбой босиқлиқ билан укасига далда бермоқчи бўлади.



— Озига қаноат қилиб йўл юрсак, уйга етиб оламиз, — дейди у насиҳат тариқасида. — Бу нонимизни уйгача етказишимиз керак.

Акасининг оқилона бу маслаҳатини қизганчиликка йўлган Кенжабойнинг дилида шум ният бош кўтаради.

Иккаласи бирпас дам олайлик, дея чўзилишди. Шунда Кенжабой ўрнидан турасола, акасининг кўксига шичоқ санчади. Сўнг халтачани қўлтиғига қисадию, акасининг ўлигини саҳронинг ўртасида, оч кузгунларга қолдирганча йўлга тушади. Шу тариқа уйга етиб келади.

Акасининг ишчи баталёнида касалланиб ўлганлигини айтади. Сапарбойнинг хотини аза очади. Акасининг қирқи ўтар-ўтмас Кенжабой унга:

— Энди ўлган ўлди-кетди, қайтиб келмайди, сен менга тег, турмуш курайлик, — дейди.

Сапарбойнинг хотини уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Лекин Кенжабойга гап таъсир қилмайди, кўзлари ёниб акасининг хотинига тегажоглик қила бошлайди.

Сапарбойнинг хотини икки норасида боласини олиб, уйдан чиқиб кетади.

Орадан анча вақт ўтиб, Сапарбойнинг ишчи баталёнида ўлмаганлиги маълум бўлади. Сўраб-суриштириш бошланади, ҳақиқат аниқланади. Кенжабойнинг қариндошлари бош бўлиб, унинг ўзига яраша жазо беришади.

Бибигул худодан ҳозирги оғир замонда одамларнинг иймон, диёнатини омон сақлашни илтижо қиларди. Аёл қалби замоннинг рижкорлиги, одамларни шафқатсиз махлуқларга айлантириб қўяётганини савқи табиий туйғу-ла англади. “Э, худо, бу кунлар қачон тугаркин”, дея тунларни бедор ўтказарди.

Шундай кунларнинг бирида Худойберган уйга кириб келди. Иккала қиз дастурхон атрофида чой ичиб ўтирар эдилар. Худойберганга биринчи бўлиб кўзи тушган Бибигул ўзи билмаган ҳолда:

— Вой, Худойберган оға, — дея ўрнидан учиб туриб кетди. Сўнг бу қилигидан уялиб, секингина. — Ассалому алайкум, Худойберган оға, — деди.

— Ваалайкум ассалом. Яхши ўтирибсизларми?

— Раҳмат. Ўзингиз яхши бориб келдингизми? Акамдан хабар олодингизми?

Қизнинг сўнги саволидан эсанкираб қолган Худойберганнинг тили базўр калимага келиб:

— Яхши... яхши... — деди.

Бир вақт Зайнабнинг: “Ўл-а, Худойберган оғанинг кучоғига ўзингни отишга оз қолди-я. Агар мен бўлмаганимда...” деган маънодаги қарашини англаган Бибигул, уялганидан баттар қизариб, ерга қаради.

Зайнаб Худойберган билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Бибигулга, бошладимми, дегандай қараш қилди-да:

— Мен ҳозир чой олиб келаман, — дея чиқиб кетди.

— Қиз тушмагур жуда шўх-да, — деди Бибигул ўртадаги ноқулай жимликни бузиш учун.

— Эҳ-э, бу қизнинг бошига нималар тушмаган дейсан. Ёшлигида ота-онасидан етим қолди, — деди-да, Худойберган гапини йўқотиб қўйган одамдек қизга бир пас тикилиб қолди. Бибигул унинг сўзларини диққат билан тинглаб турарди. Шунга қарамай Худойберган Зайнаб ўз бошидан ўтганларини Бибигулга аллақачон айтиб берганлигини сизди-да:

— Ҳозир Зайнабнинг Норимматдан бўлак ҳеч кими йўқ. Нориммат синглисини ўзи тарбиялади, мактабда ўқитди, — дея гапни мухтасар қиларкан, кўзларини юмди.

Унинг бу ҳолатини Бибигул чарчашга йўйди, шунинг учун ҳам акаси тўғрисида сўрашни кейинга қолдирди. Худойберган Зайнаб келтирган чойдан бир пиёла ичгач ташқарига чиқди. У кўча эшиги олдида Нориммат билан Янгибойга тўқнаш келди. Уларга Худойберганнинг келганини Зайнаб етказганди. Йигитлар ҳурмат юзасидан хўжасининг кўча эшигидан чиқишини кутиб туришди. Худойберган ташқарига чиқиши биланоқ олдинма-кетин келиб, кўш-қўллаб қуюқ сўрашишди. Худойберганнинг ҳолатини яхши биладиган йигитлар унинг юзида ҳорғинликдан ҳам кучлироқ қайғу изларини кўришди. Худойберган Янгибойга қўй сўйишни, Норимматга қишлоқ имоми билан қарияларни азага айтишни тайинлади. Ўзига ҳайратланиб тикилиб қолган йигитларга:

— Бибигулнинг акаси Шериммат оламдан ўтибди, — дея изоҳ берди. Худойберган билан бирга иккала йигит юзига фотиҳа тортишди.

Шу зумдаёқ Бибигулнинг: “Войдод, акагинам”, деган еру кўкни тутиб кетган фиғони эшитилди. У ерга ётиб олганича, “Вой акажоним, сен ўлгунча мен ўлиб кетсам бўлмасмиди, эй худо, нега менинг жонимни олиб қўяқолмадинг”, дея уввос соларди. Зайнаб Бибигулни ердан кўтаришга, уни тинчлантиришга уринар, лекин ҳаракатлари зое кетарди. Охири ўзи ҳам Бибигулнинг кучоғига ташланиб, йиғлаб юборди.

Худойберган намли кўзларини артаркан:

— Белингни маҳкам боғла, Бибигул. Бошинг тошдан бўлсин, — деди-да, иккала қизнинг елкасидан кучди.

Қизлар ўзларини Худойберганнинг кучоғига ташлаб, хўнграб-хўнграб йиғлай бошладилар. Қизлар носасидан беихтиёр ўзининг етимлиги ҳам ёдига тушиб кетди. Уйларига беш нафар миршаб келиб, отасини қулоқ сифатида олиб кетганида Худойберган бор-йўғи ўн беш ёшда эди. Унинг ҳам бошидан не-не азоблар ўтмади.

Бибигул Зайнабга суянганича ички хоналардан бирига кириб кетди. Худойберган эса эшикдан кириб келётган кўшчиларга аҳволни тушунтирди. Кўп ўтмай уй эркагу хотин-халажга тўлди.

Бибигул отаси ва акасига очган азасига икки йилдан ошса ҳамки устидаги мотам кийимини ташламади. Одамови бўлиб қолди. Худойберган билан Зайнаб унинг кўнглини кўтаришга анча ҳаракат қилишди. Тақдирга тан бериш лозимлигини тушунтиришди. Гоҳо-гоҳо Бибигулнинг лабида асама табассум кўриниб қолса ҳам улар ўзидан йўқ хурсанд бўлиб кетишар, унга ёқадиган гапларни ўйлаб топишга ҳаракат қилишар эди.

Қиз бўлса, ўзини овутиш учун йигитнинг куйиб-пишишига раҳми келгандай, унинг кўнгли учунгина жилмайиб қўяётгандай эди.

Шундай кунларнинг бирида кечкурун кўча эшигидан қишлоқ имоми чақириб келиб қолди. Кечки овқатни еб, томоқ қириб, салмоқланиб гап бошлади:

— Болаларим, энди сизлар ёш эмассизлар. Иккалангиз ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрдинглар, — шундай дея гапим қандай таъсир қилипти экан дегандай, йигит ва қизга илкис назар ташлаб қўйди. Сўнгра, қаноат ҳосил қилгандай давом этди. — Қолаверса, бу сўзларни сизларга айтишни ўз бурчим, деб биламан. Сенга, қизим, азалик кийимларингни ташла, деб учинчи марта айтишим.

Имом Шеримматнинг йили ўтганидан кейин айтган гапларини эслатаётган эди.

— Бундай ирим яхши эмас. Худо де, қизим. Худо изми-

сиз одам оёғига тикан ҳам кирмайди. Шукр қилиш керак, қизим.

Қизнинг ерга тикилганича бош ирғашидан ўз сўзи таъсирсиз қолмаганини англаган, Худойберганга юзланди:

— Ўғлим, мен сени бунчалик бепарвосан, деб ўйламаган эдим. Ўзинг менга маслаҳат соларсан, деб кўп кутдим. Бўлмади.

— Нимани айтияпсиз, тушунмадим, — деди Худойберган.

— Энди гапнинг индаллосини айтсам, сен Бибигулга уйланасан. Мен никоҳ ўқиб қўяман. Мен бу ерга шунинг учун келганман.

Йигит сесканиб қизга қаради. Қиз бўлса ерга миҳланиб қолгандай қимир этмас, остки лабини қаттиқ тишлаганича ўтирарди. Унинг бу ҳолатини розиликка йўйган, шунча вақтдан бери юрагидагини қизга қандай айтишни билмай юрган йигит ишнинг опна-осон битаётганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

— Нега индамайсан? — деди Худойбергандан кўз узмай турган имом.

— Бибигул нима деркин?..

— Бибигул нима ҳам дерди? Сендай йигитга турмушга чиқса ёмонми? Сени сал кам уч йилдан бери билади. Бир уйда яшайспсизлар. Гап тамом, — деди имом қатъий тарзда.

— Майли-куя, — тараддудланиб қолган йигит ниятидан қайтиб қолмасин деган ҳавотирда шоша-пиша сўзида давом этди. — Қурбимиз етганча тўй қилсак, кўни-кўшни, дўсту ёрлар олдига дастурхон ёзсак.

— Ҳа, баракала, — қаноат ҳосил қилган имомнинг овози майинлашди. Сўнг: — Янаги шанба тўй, — дея эълон қилди.

Тўй рисоладагидек ўтди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Худойберган хонадонда бир эмас, олти фарзанд дунёга келди. Улардан беш нафари қиз, олтинчиси, яъни кенжаси ўғил эди. Қизларига Ўрозгул, Ўғилжон, Жумагул, Хонимжон, Шукуржон ва ниҳоят кенжа ўғлига Раҳимбой деб исм қўйдилар. Тўнғич фарзандлари Ўрозгул, Ўғилжон ва Жумагул вақти келиб турмушга чиқишди. Йиллар шундай тез ўтиб борар эди. Бу вақт ичида Худойберган иккинчи жаҳон урушида бўлиб, урушнинг барча мусибатларини бошдан кечирди. Икки марта яраланса ҳам, болаларининг бахти бор экан, омон қолди.

Мана, бугун у икки йиллик айрилиқдан сўнг, елиб бораётган поездда, бошини эгганича ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни хоҳлар-хоҳламас хотирлар эди.

4

Элликка бориб қолган бўлса-да, ҳамон тирноққа зор Эриммат темирчи савдо билан шуғулланар эди. Топган-тутганини муҳтожлардан аямаслиги боис қишлоқ аҳли уни ҳурмат қиларди.

Ўтамурод бўлса темирчининг тескариси эди, қовоғидан қор ёғиб, барзангиллиги билан теварак-атрофдагиларни чўчитиб юрарди. Унинг уч-тўрт югурдаги кимнинг уйини уриш мумкинлигидан хабар бериб туришарди. Бир куни Кенжабой деган югурдаги Эриммат темирчиникига ўғирликка тушиш мумкинлигини айтиб қолди. Негаки у бугун хотини билан туман маркази — Манғит шаҳрида меҳмондорчиликда қолиб, эртага қайтишар экан. Шундай қилиб, ярим кечадаёқ темирчининг

уйини шип-шийдоқ қилиб кетишди. Эртасигаёқ Эриммат ички ишлар бўлимига арз қилди. Лекин негадир у ердагилар шошилишмади. Аксинча, икки-уч бор-авергач, ички ишлар бўлими терговчиси, ўғрини топсак ўзимиз чақиртирамиз, ҳадеб келаверсанг ўзингни қамаб қўяман, деб дағдаға қилиб, уни чиқариб юборди. Бўшашиб уйига қайтган Эримматнинг уйига уч-тўрт кун ўтгач, Ўтамурод ўғрининг ўзи кириб келди. Э йўқ, бе йўқ, уни ўласи қилиб урди. Шўрлик хотини ерда йиқилиб ётган эрини тепаётган Ўтамуроднинг қўлига осилган эди, мушт зарбидан бенасиб қолмай, деворга бориб урилди.

Хумори тарқанган Ўтамурод ўғри:

— Органга боришни кўрсатиб қўяман сенга. Яна бир марта борсанг ўлдим деявер, — дея муштини дўлайтириб, ўдағайлаганича чиқиб кетди. Эриммат темирчи инқилаб-синқилаб ўрнидан турди. Хотинининг дийдиёсига ҳам қарамай, кўчага йўналди. Қаёққа, дея хотини унга ёпишиб олди.

— Қўйвор, ҳозир келаман, — деб, у хотинининг қўлидан чопонининг пешини тортиб олмоқчи бўлди. Лекин, жон-жаҳди билан ёпишиб олган хотини қўйвормади. Эриммат уни беш-олти қадам судраб кетди.

— Эриммат, қўй шу орган-пўрганини, йўқолган нарсалар ҳам қуриб кетсин, — деди хотини ялинганича.

— Қўйвор, органга эмас, офаникига бориб келаман, — деди Эриммат. Унинг бу сўзи таъсир қилди, хотини чопонининг пешини қўйворди.

Темирчи Худойберганнинг уйига кириб келганида кун пешиндан оққан эди. Унинг чап кўзининг ости мушт зарбидан шишиб кўқарган, бурни пачақланиб, ёрилган лаби ва бурнидан оққан қон чопони ёқасига оқиб тушиб, қотиб қолган эди. Уни бу ҳолатда кўрган, Худойберган ҳайратланганича сўрашишни ҳам, сўрашмасликни ҳам билолмай бир пас туриб қолди. Эриммат юзидаги қотиб қолган қонни қўли билан кўпчиб оларкан, бўлиб ўтган воқеани бир бошдан сўзлаб берди.

— Орган билан оғзи бир экан, дедингми? — сўради Худойберган.

— Ҳа, орган билан оғзи бир экан, Худойберган оға, энди нима қилсам экан?

— Майли, сен уйингга боравер, — деди Худойберган бироз ўйлиниб тургандан сўнг.

— Органга борсаммикан, Худойберган оға? — иккиланди Эриммат.

— Йўқ, — деди Худойберган буйруқ оҳангида ва бироз юмшоқ товуш билан сўзини давом эттирди. — Уйингга бор, бошқа жойга боришнинг кераги йўқ.

Эриммат, оғадан бир иш чиқишига кўзи етмай, шал-вираганича уйига қайтди.

У чиқиб кетгач, Худойберган Янгибойни чақирди.

— Нима дейсиз, оға? — деди у кириб келиб.

— Ўтамуродни чақириб кел!

Янгибой бу англикдан бироз ҳайратланиб турди, негаки Ўтамурод билан хўжаси ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқ эди. Хўжасининг ўзига ёқмаган одам билан иши бўлмасди. Худойберган Янгибойга эшитмадингми, деганидан сўнггина у бир сўз демай, йўлга тушди.

Янгибой Ўтамуроднинг уйига кириб келганида, хона тўрида ёстиққа ёнбошлаганича тўрт қават кўрпача устида у банг чекиб ётарди. Ҳа, сенга нима керак, дегандай унга ўқрайиб қўйди.

Янгибой Ўтамуроддан кўрқса-да, доврираб қолмасдан, “Сизни Худойберган оға чақирвотир”, деди.

— Иши бўлса ўзи келсин, — деди Ўтамурод унга қаратгани ҳам келмай.



Янгибой остона ҳатлаб чиқаётганида Худойберганнинг одатини яхши биладиган Ўтамурод:

— Нега чақирди? — деб сўраб қолди.

— Билмадим, — дея Янгибой вазифамни бажариб бўлдим, буёғи билан ишим йўқ, дегандай хонадан тез чиқиб кетди.

Худойберган билан Янгибой Ўтамуродникига кириб келишганида кун гира-шира эди.

Ўтамурод уйига бостириб кирганларга ёв қараш қилди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Худойберган гапнинг лўндасига ўтди:

— Эримматникидан ўғирланган молларни қайтариб берасанми-йўқми?

— Нима ишинг бор, бировнинг ишига тумшук тикма, — деди Ўтамурод уни менсимай.

— Тур ўрнингдан, ҳароми, — дея Худойберган муштини тугиб, Ўтамуроднинг тепасида тўхтади. Ўтамурод унинг важоҳатидан кўрқиб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Эримматнинг молларини қайтарасанми-йўқми?

— Мен олмадим, — деди Ўтамурод.

Энди Худойберган ўзини тутиб туролмай Ўтамуродга бир мушт туширди.

Ўтамурод ҳам жавоб муштини юборган эди, аммо Худойберган чап бериб қолдию, иккинчи мушт билан Ўтамуродни кулатди. Кейин юз тубан йиқилган Ўтамуроднинг қўлини орқасига қайирганича устига ўтириб олди.

Бу ҳолатни кузатиб турган Янгибой Худойберганнинг эпчиллигидан қувониб кетди. У ҳўжасининг куч-қувватини тан олар эди, аммо Ўтамуроддай бақувват одамни бир зумда маҳв этишини тасаввур ҳам қилмаган эди.

— Нега қараб турибсан, манави эшакнинг қўлини боғлайдиган бирор чилвир топиб кел, — деди Худойберган Ўтамуроднинг устидан тушмай.

Янгибой ҳовлидан икки қулоч арқон топиб келди. Худойберган ўгрининг қўлини орқасига қилиб боғлади.

— Ҳей, молларни қайтариб берасанми, йўқми? — қайталаб сўради Худойберган.

— Мен олмаганман, — деди Ўтамурод сўкинган кўйи.

— Жуда яхши, — деди Худойберган атрофга бир сидра қараб. Сўнг бурчакдаги ўроққа ишора қилди. — Янгибой, ўчоққа ўт ёқиб, анаву ўроқнинг учини қиздириб кел!

Янгибой ҳўжасининг тошшириғини айтганидан ҳам зиёда қилиб бажарди. Худойберган чўғдай қип-қизариб турган ўроқни олиб, Ўтамуроднинг шимини ечишни буюрди. Янгибой унинг айтганларини бажараркан, ваҳима босган Ўтамурод:

— Нима қилмоқчисиз? — деди уни сизлаб.

Худойберган Ўтамуроднинг сўзини эшитмагандай шимини тиззасигача тушириб, ўроқнинг чўғдай қизариб турган учини аста унинг юмшоқ жойига босди. Ўтамуроднинг чинқирғидан иккаласининг қулоқлари битгандай бўлаёзди. Худойберган иш чала бўлмасин дея, ўроқнинг учини яна ҳалиги жойга икки-уч марта босди. Жикқа терга ботган Ўтамурод молларнинг ҳаммасини топиб бераман, дея сўз берди. Шундан кейингина Янгибой унинг қўлини ечди. Ўтамурод шимини юқори кўтариб, пешона терини кафти билан артди.

— Қани айт-чи, моллар қасрда? — сўради Худойберган.

— Ҳовлидаги маккажўхори ичига беркитиб қўйганман. Тавба қилдим, — деди Ўтамурод шимининг орқасини куйган жойига ёпишиб қолмаслиги учун икки қўли билан тортиб турганича.

— Бор, Янгибойга кўрсат, — деди Худойберган Ўтамуродга буйруқ оҳангида, сўнг кўшиб қўйди. — Янгибой, ўғирланган нарсаларни кўрганингдан кейин Эримматни чақириб кел!

Ўтамурод Янгибойни эргаштириб, ҳовлидаги маккажўхоризор ичига олиб кириб, атрофга олазarak қараб олди-да, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хизматкорнинг биқинига бошлаб бир мушт туширди. Гангиб қолган Янгибой биқинини чангаллаганича ерга йиқилди.

Ўтамурод эса кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай маккажўхори орасидан бўшашиб Янгибой чиқиб келди. Унинг авзойини кўрган Худойберган:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Қочиб кетди, — деди юзлари бужмайган Янгибой.

— Қайси тарафга, — шундай деб Худойберган унинг жавобини ҳам кутмай ўзини маккажўхоризорга урди. Ортдан Янгибой ҳам кирди. Икковлон Ўтамуродни излаб тополмагач, уйга қайтишди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, Худойберганнинг уйига от минган уч милиция ходими кириб келди. Улар ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтиришмай, Худойберганнинг қўлини орқасига боғлаб, олдиларига солиб олиб кетишди.

Ўғрилиқ қилган Ўтамурод қолиб, савоб иш қилган Худойберган икки йилга қамалди.

Худойберганни Екатеринбург қамоқхонасига жўнатишди. У ерда маҳбуслар тиним нима билинмасди. Ҳарбий заводнинг қурилиб битиши давлатга жуда зарур бўлиб, маҳбусларни дам олдирмай ишлатишарди. Худойберган бош беш-олти ўзбек, беш украин ҳамда бир қозоқ йигитидан бригада ташкил қилинди. Уларнинг вазифаси машиналарга гишт ортишдан иборат эди. Биринчи кунёқ Николай исмли украин йигит, мен ишламайман, мен учун ҳам ишлайверинглар, деди. Унга уч кунгача ҳеч ким чурқ этмади. Ахийри, қозоқ йигит чидолмади, шекилли, у ҳам ишни ташлаб бир чеккага чиқиб ўтириб олди. Унинг бу ҳолатини кўрган Николай:

— Нега ишламаясан, эшшак? — деб сўқинди.

Қозоқ йигит индамади.

— Эшитмаясанми, эшшак, сенга айтяпман? — ўлагайлади Николай.

Қозоқ йигитдан садо чиқмагач, Николай уни тепкилай бошлади. Газаби кўзиб кетган Худойберган дарров Николайнинг ёқасидан тутди-да, иягига бир мушт туширди. Барзанги ҳавода муаллақ кўтарилиб, ерга чалқанча йиқилиб тушди. Николай ўзига келиб-келмай кўксига Худойберган тиззасини қўйиб олди. Николай иккала қўлини базўр кўтариб:

— Бўлди, мен ютқаздим, — деди хириллаганича.

Шундан сўнггина Николай ҳам сафга қўшилди.

Шу-шу бригадада иноқлик пайдо бўла бошлади. Худойберганнинг жазо муддати уларникидан олдин тугади. Худойберган маҳбуслар билан кучоқлашиб хайрлашди.

... Озиб-тўзиб, соч-соқоли оқарган Худойберган поездда қишлоғига қайтар экан, ана шуларни ўйларди. У ўзининг олдинда яна нималар кутаётганини тасаввурига сиғдирилмасди. Муҳими, онласи бағрига қайтаётгани.

Раҳимбой шу қадар инжиқ эдики, улғайгани сайин қуйилиш ўрнига баттар талғайиб борарди. Раҳимбойдан

кейин яна бир ўғил туғилди. Дастлаб қувониб, худо биринчи ўғлимизни бизга раҳми келиб берган эди. Энди бунисини ўғлимиз ёлғиз юрмасин деб, Аллоҳ берди, дейишиб, унга Аллоҳберган деб исм қўйишди.

Аллоҳберган бир неча ой умр кўрди, холос. Унинг ўлимидан кейин баттар ташвишланиб қолишди. Назарларида бир кун келиб Раҳимбой ҳам уларни ташлаб кетадигандек туюлди. Болакайни еру кўкка ишонмай қўйишди.

Вақт ўтган сайин негадир Бибигулнинг кўзи оғриб, кўриш қобилияти сусайиб борарди. У буни болаларига сездирмасликка ҳаракат қилар, бирор буюмни олмоқчи ёки жойига қўймоқчи бўлса қўллари билан пайпаслаб қидирарди.

Шундай кунларнинг бирида Худойберган қамоқ мудлатини ўтаб, уйга кириб келди. Хурсандчиликнинг чеки бўлмади. Ҳатто, Бибигулнинг кўзи ҳам равшан торгандек бўлди. Узоқ-яқиндан йўқлаб келувчиларнинг кети бир ойгача узилмади. Худойберган бундай ҳурматдан қувонар, хотинининг ҳолатидан эса юраги сиқиларди. Ахийри, Бибигулни шаҳардаги катта касалхонага олиб борди. Дўхтирлар Бибигулнинг кўзини обдан текшириб кўришгач, бу дард олдидан ожизликларини айтишди. Худойберган, дард берганнинг ўзи шифо бермаса қийин экан дея ноилож, хотинини қишлоққа олиб қайтди.

Кунларнинг бирида Худойберганга олдин ўзи раис бўлиб ишлаган “Пахтакор” колхозининг ҳосилоти Эшиммат колхоз еридан икки гектар бўз ерни очдириб, унга беражагини, ўғитдан, техникадан ҳам ёрдамини аямаслигини айтди. Эшимматнинг ўз қизи Қурбонойни Раҳимбойга бериш нияти борлигини пайқаган Худойберган безовта бўлиб қолди. Энди у ўғлини уйлантириш орзусида эди. Икки йил деҳқончилик қилиб, анча-мунча пул йиғди. Бу пайтда ўели энди ўн олти ёшга кирган эди.

Бир кун Худойберган Бибигулга маслаҳат солди:

— Бибигул, Раҳимбойни уйлантирсак нима дейсан?

— Ҳали ёш-ку, — деди Бибигул эрининг товуши чиққан тарафга юзланиб.

Энди унинг кўзи бутунлай ожиз бўлиб қолган эди.

— Ўн олтига кирди, ёшлик қилмайди.

Худойберган, овқат пиширадиган, кир ювадиган, уйни йиғиштирадиган одам кераклигини айтсам, хотинимнинг кўнгли ўқсийди деган хаёлда бу фикрини сиртига чиқармади.

— Сен бир тасаввур қилиб кўр, — деди у гапни чалғитиб, — бир йилдан кейин набиралик бўласан. Набиримиз тили чиқиб, “бува, эна” деб сен билан мени чақаришларини бир тасаввур қилиб кўр, қандай яхши-а?

Бибигул ўзи сезмаган ҳолда иккала қўлини олдига узатди. Киприклари пирпираб уча бошлади. Унинг қадди олдинга сал эгилган, юзи ёришган, лабида ширин жилмайиш пайдо бўлган эди. Бу ҳол узоққа чўзилмади. Бибигул бирдан маъюс тортиб қолди.

Худойберган хотинига ачиниб кетди:

— Нега индамайсан ёки қаршимисан?

— Йўқ, мен қарши эмасман. Лекин кимнинг қизини келин қиламиз?

— Сенинг топиб қўйган қизинг бўлса айт, ўйлаб кўрамиз.

— Менинг бирор қизни келин қилиш ниятим бўлганида дарров сизга айтардим.

— Ундай бўлса менинг бир маслаҳатли гапим бор, сен нима дейсан?

— Айтинг, айтинг, — деди Бибигул киприкларини пирпиратиб.

— Эшимматнинг қизи бор-ку, Қурбоной, шу қизга нима дейсан?

— Қайси Эшиммат?.. Сизнинг олдинги ҳосилотингизми?

— Ҳа, тошдинг.

— Эшиммат қизини бизга берармикан? Унинг қизи Раҳимбойдан катта, шекилли?

— Салгина катта. Агар биз сўрасак қизини беради.

— Раҳимбой нима деркин?

— Қиз тўғрисида гапириб, қолсам оғзининг таноби қочади-ю, йўқ дермиди?

— Ундай бўлса ўзингиз биласиз, — деди Бибигул бу масала олдиндан ҳал қилинганига тушуниб.

Тўй таралдуди бошланди.

Белгиланган кун келиб, карнай-сурнай садолари янгради. Тўй шундай катта бўлдики, қишлоқ аҳли анча вақтдан бери бундай катта бозмни кўришмаган эди.

Тўйда Худойберган борди-келди қилиб юрган дўсту биродарлардан анча-мунча тўёна тушди. Қирқ олти қорамол, бир юз ўттиз етти кўю эчки, анча-мунча пул шулар ҳисобидан эди. Албатта, айримлар қорни тўйиб овқат емайдиган замонда шунча тўёна тушиши катта гап эди. Оиланинг хурсандчилигига яна бир хурсандчилик қўшилди. Узоқ йиллардан бери тирноққа зор бўлиб юрган Хонимжон фарзанд кўрди. Исмини Норгул қўйишди. Орадан олти ой ўтиб, Хонимжоннинг вафот этгани барчанинг бағрини ўртади. Норгул буваси билан бувисига қолди. Куёв эса бошқа аёлга уйланди.

6

Раҳимбой бир ўртоғининг туғилган кунда маст бўлиб қолди. Уни икки йигит суяб уйига олиб келди. Тун ярим оқшомдан ошганига қарамай отаси ҳамон ҳовлида кутиб турар эди. Раҳимбойни суяб келган йигитлардан бири:

— Ассалому алайкум, Худойберган оға, — дея салом берди.

— Ваалайкум ассалом.

Йигит айбдордек ийманиб, узр сўради:

— Оға, Раҳимбойга ичма десак ҳам қулоқ солмай ичавериб, кайфи ошиб қолди. Биздан хафа бўлманг.

Шериги уни жеркди:

— Айбимиз уни елкамизда кўтариб келганимизми?

Худойберган икковининг гапига ҳам жавоб бермай, Раҳимбойни қўлиқлаб уйга олиб кирди. Сўнг келин ётган ётоқхона эшиги олдидан тўхтади-да, эшикни тақиллатди. Ичкаридан:

— Ким? — деган товуш эшитилди.

— Мен отангман, — деди Худойберган. — Раҳимбойни ўрнига ётқизиб қўй.

Келин ётоқдан чиқиб, эрини суяганича ичкарига олиб кириб кетди.

Эртасига Раҳимбой кун бўйи ёстиқдан бошини кўтаролмай ётди-ю, кейинги кун тушга яқингина хонасидан чиқди.

Тушлик овқатдан кейин ота ўғлига:

— Ароқ ичганингни бундан кейин кўрмайин, — деди. Раҳимбой тўнғиллади:

— Нима учун мен дўстларим билан ўтирганимда ароқ ичмаслигим керак? Ёш бола эмасман-ку.

— Дўстларинг ҳам сенга ўхшаб ичдиларми?

Раҳимбой индамади.



— Агар улар ҳам сенга ўхшаб ичишса, ундай дўстлар баҳридан кеч!

— Мен ҳам мустақил оила эгасиман. Кўнглим тусанган ишни қилишга ҳаққим бор,— деди Раҳимбой кекирдагини чўзиб.

Худойберган ёшлиқдан Раҳимбойнинг инжиқликларига чидаб, қош қўяман деб кўз чиқарганини энди сезди. Бироқ вақт ўтган эди. Бақириб-чақириб билан иш битмаслигини англаган Худойберган яхши сўз билан ўғлини тўғри йўлга солмоқчи бўлди.

— Тўғри, ўғлим, тўғри, ёш бола эмассан. Лекин бизни ҳам ўйлагин-да. Биз қариб бораёпмиз. Бизга энди тинчлик керак. Мол-ҳол, деҳқончиликка ярамай қолдим. Уйнинг ташвишини ҳам ўз қўлингга олсанг яхши бўлар эди.

Отанинг бу сўзларини ўғли ўзича тушунди. Унинг назарида отасининг сўзлари, бўлди болам, мен ютқаздим, билганингни қил, дегандай туюлди. Менинг айтганим бўлади, кўрдингми, дегандай Раҳимбой хотинига қараб илжайиб қўйди.

Ўғлимни уй юмушлари, мол-ҳол, деҳқончилик ишларига ўргатиб юборсам ҳар хил ёмон одатларини ташлармиди деган ниятда айтган сўзлари нишонга тегмаганини англаган ота ўғлини уришмоқчи бўлди-ю, йиллаб бузилган бола тарбиясини бир кунда тузатиб бўлмастлигини ўйлаб, ўзини босди. Лекин у айтган сўзлари шунчаки эмаслигини ўғлига сездириб қўйиш мақсадида:

— Овқатланиб бўлгач, боғни суғор,— деди кескин оҳангда.

Раҳимбойдан садо чиқмади. Аммо ўғил отасининг буйруқ оҳангида айтган сўзларига ҳеч вақт қарши боришга ботина олмаган эди. Бугун ҳам худди шундай бўлди. У тушлик овқатдан кейин фотиҳа ўқигач, белни елкасига олиб узумбоғ тарафга қараб кетди.

Оғир оёқ Курбоной дастурхон йиғиштиришга киришди. Худойберганни ҳаёт гўё қора кунлар учунгина яратгандек эди. Унинг ҳаётида кўрган бахтли дамлари фақат Бибигулни учратган онлари эди, холос. Мана, Бибигул ҳам ярим жон бўлиб қолди. Энди унинг бахти ҳам ярим...

Ота Раҳимбойни қаттиққўллик билан қайта тарбиялашга қарор қилди. Худойберган руҳидаги тушқунлик ўрнини дадиллик ва ўзига бўлган ишонч эгаллади. У ўғлини оғир, айни чоғда машаққатли, аммо меваси ширин меҳнат билан одам қилишга бел боғлади. Бунинг учун ишни нимадан бошлаш керак? “Далада бундай иш йўқ. Ҳа, топдим,— у хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди. — Янги ҳовли соламан. Биринчидан, янги ҳовли курсак, Раҳимбой кейинчалик қийналмайди. Иккинчидан, мол-ҳол, дала иши, янги уй юмушларидан ортмай қолган ўғлим ҳар хил номаъқулчиликлардан қутилди. Пешона тери билан топанг пулнинг қадрига етади”.

Худойберган янги иморат солиш мақсадида эски ҳовлининг ярмини йиқитди.

Оғзи маҳкам беркитилган хумни янги иморатнинг паҳса девори ичига қўйиб юборишни кўнглига тугди. Ўлимим олдиан Раҳимбойга айтарман, вақти келиб керак бўлиб қолар. Ҳозир ортиқча пулнинг кераги йўқ, тирикчилигимиз бир нави ўтиб турибди. Барибир ҳозирда бу маблағни ишлатолмасак... Яхши замонлар келиб қолар.

Янги уй битиш арафасида неваралик бўлишди. Уни Бибигулнинг таклифига кўра Гулбаҳор деб аташди. Афсуски, хурсандчилик узоққа чўзилмади. Чақалоқ бир йилга етмай оламдан ўтди. “Бу кўргулик ҳам бормиди мен-

га”, дея Худойберган ич-ичидан йиғлади. Орадан роппа-роса бир йил ўтгач эса яна невара кўрди: ўғил. Унга ўзи Ботирбой деб исм қўйди. Кейинроқ яна бир ўғил невара туғилди. Унга Низомжон деб исм қўйилди.

Бу вақтга келиб Худойберган беш қизи ва ёлғиз ўғлидан ҳаммаси бўлиб йигирма олти невара кўрганди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучук ташвишлари ўз таъсирини ўтказдими, Раҳимбой ҳам анча-мунча босилиб қолди. Лекин ҳали ҳам болаликдан мерос инжиқликларидан буткул қутилмаган эди. Худойберган Раҳимбойга яна бир ташвиш яратиб берди. Иккита сигирини сотиб, ўғлини педагогика институтининг сиртқи бўлимига ўқишга жойлаб қўйди. Шу ишни удалаганидан севинган ота ўғлининг ажойиб инсон бўлиб етишишига ишона бошлади. Ўғлини рағбатлантириб турди:

— Баракалла, болам, институтга ҳам кириб олдинг, энди яхши ўқигин!

Худойберган иккала невараси Ботирбой ва Низомжонларни ўзи билан далага олиб чиқар, кечаси ўзининг ёнида олиб ётар, эртақлар айтиб берар эди.

7

Худойберган намозни ўқиб бўлганида кун чиқиш тараф қизғиш туста кириб, Машриқдан Мағрибга алвон шуълалар бостириб келаётганди. Бу шуъла аввал тоғ чўққилари, дарахт учларидан оша аста-секин далаларга сочилиди.

У, бу манзарага бир пас қараб турди-да, кейин уйга кириб, Раҳимбой ухлаб ётган хона эшигини оҳиста қоқди. Ичкаридан Курбонойнинг “ҳозир-ҳозир” деган товуши эшитилди.

Худойберган ҳовлига қайтиб, сўрида ётган набиралари Ботирбой билан Низомжоннинг пешонасидан ўпди. Иккала невараси ўртасига солинган жойини йиғиштирди. Кейин у мириқиб ухлаётган невараларига мароқ билан қараб қолди.

Бу тонг ўзгача эди. У невараларига қараб тўймасди. Кун бўйи термулиб ўтиришдан чарчамас эди балки, тонгги салқинда сабзи экилган далани ёввойи ўтдан тозалаш зарур эди. Кун қизигач, бу юмушни бажариш қўйин кечади.

Худойберган озгина ерни ёввойи ўтдан тозалаб, бош кўтарди ва тепасида пайдо бўлган Ботирбойни кўриб ҳайрон қолди. У эса:

— Ота, менам сизга йойдам бейаман, — дея буваси юлган ўтларни бир ерга йиға бошлади.

Худойберган бундан тўлқинланиб кетиб:

— Баракалло, ўғлим, айланайин шу тилло болагинамдан, — деб уни эркалади. Чошгоҳда даладан қайтганида ҳали ўчоққа ўт ёқилмаган эди. Худойберган ўғил билан келин ҳали уйқудан туришмаганини сезди-ю ўзи ўчоққа ўт қалаб, устига човғумни сувга тўлғазиб қўяётганида Ботирбой:

— Ота, ҳозий онамни уйотаман, ўзи чой қайнатади. Сиз дамингизни олиб тўйинг, — деб уйга кириб кетди.

Шу пайт сўрида Низомжон:

— Ота, менам туйаман, — деб Худойберганга қўлларини чўзди.

Низомжонни сўридан пастга тушириб қўйди-да, невараларининг ўрнини йиғиштирди. Дастурхон ёзаётганида уй ичидан Курбоной билан Раҳимбой чиқиб келишди. Келиннинг саломига алик олиб, ўғли билан ҳам совуққина сўрашиб қўяқолди. Келин сут соғадиган

челакни олиб, эри билан қўра тарафга юра бошлашганида Худойберган:

— Энанг билан сигирни соғиб келдик, — деди.

Келини ухлаб қолган кунлари Худойберган энди бутунлай кўздан қолган Бибигулнинг қўлларига сигир елинини тутқазиб қўйса бас, хотини сутни шовиллатиб соғиб ташларди. Сигирлар ўрганиб кетишганидан бўлса керак, жим туришарди. Худойберган эса челакдаги янги соғилган сутни қозонга солиб, ўчоқдаги олов устига қўяди. Кейин Низомжоннинг юз-қўлини юшиб, сўрига ўтқазди-да, ўзи ҳам невараси ёнидан жой олади. Қурбоной чой дамлаб келгач, Раҳимбой ҳам дастурхон атрофидагиларга қўшилади.

Шу тариқа эрталабки нонушта бошланади.

... Кун бўйи Худойберган ўзини ғалати сезиб юрди. Набираларига, табиатга боқиб тўймасди. Кечга бориб, у тилла солинган хум кўмилган девор бурчагини силади. Олдин бирон марта ҳам бундай қилган эмасди. Кампирга ҳам узоқ тикилиб ўтирди. Кўнглидан нималар кечаётганлиги фақат унинг ўзигагина аён эди.

Туни билан ҳам ухлай олмади. Пишиллаб ухлаб ётган неваралари ёнидан туриб, кампирининг қошига келиб ўтирди. Негадир шу тоғда у билан сўзлашгиси келди. Аммо... кампирини ширин уйқусидан уйғотгиси келмади. Тенасида мижжа қоқмай тонг оттирди. Эрталаб намозни ўқиб бўлгач, помидор экилган далага сув очди. Уйга келаётиб кўз олди қоронғилашди, боши айланиб йиқилди. Бир неча дақиқалардан кейин ўрнидан турди-да, бир амаллаб сўридаги ҳамишаги ўрнига чиқиб ётди.

Энди уйқудан туриб, кўзини ишқалаётган Ботирбой:

— Нуви бўлди, ота? — деди.

У бувасини авваллари бундай ҳолатда ҳеч кўрмаган эди. Сўрида ётган Худойберган набирасининг саволига жавоб бериш ўрнига тутила-тутила, бор кучини йиғиб: “Адангни чақ...иир”, дея олди. Ботирбой югуриб уйга кириб, ота-онасини бошлаб чиқди. Вазият қалтислигини тушунган Раҳимбой отасини ичкари уйга олиб кирди. Худойберган ҳамон нимадир демоқчи бўлар, аммо ҳоли келмасди. Раҳимбой хотинининг маслаҳати билан узоқдаги опасига хабар бериш ниятида мотоциклини минганича кетди. Қурбоной бошқа қайни ошлариникига чоғди. Бир пасда ҳовли ғала-ғовурга тўлди.

Худди шу пайт Худойберганнинг кўз ўнгида олис бир манзара жонланди.

...Аскарлардан бири опшоқ соқолли, қадди ёйсимон, бироз букчайган отасининг икки қўлини маҳкам боғлади. Кичик жуссалиги, бошлиғи бўлса керак, отдан тушмай кўрсаткич бармоғи билан ўдағайлаганича буйруқ берди:

— Хайрулла, сен уйдаги тузукроқ мол-мулкени, гиламларни аравага орт!

— Аравани қаердан оламан? — сўради тошшириқ олган аскар.

— Шуни ҳам билмайсанми? Ана, оғилхонада от ҳам, арава ҳам бор.

Аскар оғилхонага қараб югурди.

— Сен иккита одам олгин-да, йилқи, сигир, қўй подаларини ҳайдатиб олиб кетавер, — деди чарм курткали командир шош мўйловли аскарга. Яна бирига буйруқ берди. — Анвар, сен ертўладаги буғдойни араваларга орттир!

Кейин асир томонга бир қараб қўйди-да, бармоғини бизиз қилганича:

— Сен мана бунга эҳтиёт бўл, яна қочиб кетмасин.

Агар қочиб кетса бошинг билан жавоб берасан, — деди ёнидаги аскарга ўдағайлаб. Бу аскар билан гаплашаётганда бошлиқнинг юзи бужмайиб, ёқимсиз қиёфага кирган эди. — Мен бажарилаётган ишларни назорат қилиб келаман.

Командир шундай дея жиловни силташи билан от диконглаб юриб кетди.

Қоровулликка қолган аскар бошлиғи нари кетгач, асирга қарата:

— Оилангизга айтадиган гапларингиз бўлса айтиб қолинг. Кейин кеч бўлади, — деди.

Асир ён-атрофга аланглаганча:

— Ўғлим! Ўғлим Худойберган, — деди босиқлик билан майин ва сокин оҳангда. Ҳеч нарсага тушунмай, довдираб турган болакай дарров сергак тортиб, югурганича бориб, отасини кучиб йиғлади.

— Йиғлама, ўғлим, — деди ота.

Ота сўзидаги қатъиятлилиқ Худойберганга ўз таъсирини ўтказди. У ўзини бироз босиб олгач, кўзидаги ёш-ни тезда артиб олди. Аскар ҳам шуни кутиб тургандек сал нари кетди.

— Бардам бўл, ўғлим. Гапларимни яхшилаб эшит: оғилхонада отимнинг қозиғи тағига бир нарса кўмилган. Бир кун келиб у нарса сенга, набираларимга асқотади. Керак бўлади. Эртагами, индингами ҳаммаси тинчигач, шу нарсани олиб бошқа ишончли жойга яхшилаб беркитиб қўй. Энди авлодимиз давомчиси ёлғиз ўзингсан. Шу сўзим ҳеч ёдиндан чиқмасин. Кел энди, ўғлим, эркакларча хайрлашайлик.

Худойберган қўли боғлиқ отасини бағрига маҳкам босиб, кенг яғринига бош қўйди. Ота хиёл эгилиб, фарзандининг юз-кўзидан ўпди. Ўғил энди отасининг бўйнидан кучиб, юзини юзига босди. Шу пайт қаердандир пайдо бўлган бошлиқ:

— Мен сенга нима деган эдим? Сени ҳам бунга қўшиб қаматаман! Нега буларнинг учрашишига йўл қўйдинг? — дея бақира кетди.

— Қўй, бўлди энди, — дея аскар болакайни оҳиста четга тортиди.

— Энди буни идорага олиб бор, — буюрди бош миршаб.

Аскар асирга юзланди:

— Юринг, — деди.

— Ўзингни эҳтиёт қил, ўғлим, — деди ота бироз ҳаяжонланган товушда. Худойберган ўзидан узоқлашаётган отаси ортидан ҳеч нарса демай термулиб турарди.

— Энди бугундан эйтиборан Турсунбойнинг ер-суви колхозники бўлади, — деб қичқирди командир. У бу сўзни Турсунбойга айтдимиз ёки Худойберганга, қайси бирига эканини ҳеч ким тушунмай қолди. Фақат Турсунбойни олиб кетишаётганда кўпчилик кўзига ёш олди.

Худойберганнинг кўзида энди ёш йўқ эди. Эсини таниб-танимай онасидан етим қолган болакай бугун сунган тоғи отасидан ҳам ажралди. Орадан кўп ўтмай отанинг икки хизматкори Нориммат билан Янгибой жаппоқдан бошқа ҳаммаси бу даргоҳни тарк этди. Васият эсига тушган ўғил бир кун отасининг оти боғланган қозик тагини кавлади. Икки қаричдан сўнг бир хум кўринди. Оғзи пишиқ елмланган илдиннинг оғзини бир амаллаб очиб, анграйиб қолди: ичи тўла тилла, жавоҳирлар эди. Шошиб қолган болакай хумни яна жойига кўмиб қўйди. Кейинчалик уни янги иморатнинг пахса девори ичига яширинча беркитиб қўйди.



Ҳозир бу олис манзаранинг ҳаммаси унинг кўз ўнгидан бирма-бир ўтар эди. Лекин отаси айтган васиятини, яъни хумни набираларига етказишга куч етмас ва шу сабабдан зўриқиб гапирмоқчи бўлар, лекин тили айланмай, гудранган товуду чиқар эди, холос. Бу гудранишларга эса ҳеч ким тушунмади.

Хабар берилгандан кейин икки соатлар чамаси вақт ўтгач район марказидан врач етиб келди. Бу пайтга келиб қариндош-уруғларининг ҳаммаси жам бўлган эди.

— Кимнидир кутаяптилар. Етиб келмаган қизи ёки ўғли борми? — деди врач.

— Йўқ, — пиқиллади Худойберганнинг иккинчи қизи Ўғилжон, — ҳаммамиз шу ердамиз.

Шу пайт Бибигул гапга аралашиб, набираларини жонидан ҳам яхши кўради, деди киприқларини пирпиратганча.

— Набираларини олиб келинглар, — дейишди.

Қурбоной болаларини етаклаб олиб кирди. Худойберган набираларига тикилар экан, ҳазин жилмайди. У бор кучини тўплаб, оғзини очиб-ёпди, аммо бир сас чиқмади.

Худойберган бир қўли билан уй бурчагига, иккинчи қўли билан набираларига ишора қилганча дунёдан кўз юмди. Ҳовлини йиғи овози тутди. Ҳаммадан ҳам Бибигулга жабр бўлди.

Наҳорда жанозага келган одамлар ҳовлига сигмай кетди. Эриммат темирчи: “Сиз ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, э худо, оғамнинг жонини олгунча, менинг жонимни олақолсанг нима қиларди”, дея айтиб-айтиб йиғларди.

Жаноза ўқиб бўлингач, ҳамма тобутга қараб югурди. Ҳар бир киши Худойберган огадек табаррук инсонни охирги манзилга кузатиб қолиш учун ҳаракат қилар эди. Марҳумни қабрга қўйиб қайтишгаётганда кимдир:

— Худойберган ога неча ёшга чиққан эдилар? — деб сўраб қолди.

— Етмиш бешга! — дея жавоб берди кимдир.

Эриммат темирчи сўраган ким экан, дея ўтирилиб ёнига қаради. Не кўз билан кўрсинки, у Ўтамурод ўғри эди. Эриммат таажжубдан ёқа ушлади. Ўтамуроднинг олдинги салобати қолмаган эди. У анча қариган, соқолларига оқ оралаган, қадди букилган. Ўтамурод худди Эриммат темирчига айтаётгандай:

— Худо раҳмат қилсин, жуда яхши одам эди, — деди.

Эриммат темирчи индамади, лекин ичида Ўтамурод ўғри келибдими, демак, қишлоқда жанозага келмаган одам қолмаган экан-да, деб ўйлади.

8

Худойберган отанинг оламдан ўтганига бир йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида унинг ўрни жуда билинди. Экинларини ёввойи ўт босиб кетди. Мол-қолни, уй ишларини Раҳимбойнинг ёлғиз ўзи эплай олмай қолди.

Раҳимбой Қурбоной билан ҳар кунги одатига кўра бугун ҳам кун қизий бошлаган вақтда далага етиб келди. Ўсимликларнинг барглари шалвирай бошлаган, аҳён-аҳёнда эсиб турган шамол ҳам тинганди. Раҳимбой хотинига захрини сочди:

— Эртaroқ уйғотсанг ўласанми!

— Неча марта уйғотдим, ўзингиз турмадингиз-ку.

— Алдама!

— Одамларга ўхшаб ўзингиз ҳам барвақтроқ туринг-да, энди.

— Ақл ўргатма. Сен етмай тургандинг!

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди. Мен қачон алладим сизни? — деди Қурбоной қовғоғини уюб.

Тутоққан эр ўрnidан тура солиб хотинининг биқинига тепди. Бехосдан келиб теккан зарбадан Қурбоной ён тарафга йиқилиб тушди. Вой-войлаб қаддини ростларкан, биқинини чангаллаганича кета бошлади.

— Орқанга қайт! Сента айтияпман, орқанга қайт! — деб унинг ортидан бақирди эр.

Қурбоной эшитмагандек, шанғиллаганича Раҳимбойни қаргаб кетаверди. Ёмон сўкинган Раҳимбой, хотинига етиб келасола, ўроқнинг орқа тарафи билан ура бошлади. Энди у бутунлай ваҳшийлашиб кетганди. Қиёфаси кўрқинчли тус олган, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. У қочаман, деб йиқилиб тушган хотинини чарчагунча тепкилади...

Қурбоной инқиллаб-синқиллаб, бир амаллаб ўрnidан туришга турди-ю, уйгача етиб олиш азоб бўлди. Унинг қуймичи зирқираб оғрир, ҳар қадам босганида санчиқ чидаб бўлмас даражада кучаяр, шунда у бир пас туриб қолар, оғриқ сал қолиши билан эса яна юра бошларди.

Уйга етгунча унинг она сути оғзидан келди. Қурбоной аранг хонасига кириб, кўрпача устига чўзилди. Ундан олдин уйга етиб келиб, дову дунёси қоронғилашиб, хаёлга берилиб кетган Раҳимбойга ўғли Ботирбой:

— Опам қани? Оч қолдим, — дея инжиқлана бошлади.

— Опанг ўлган, — деб бақирди унга Раҳимбой.

Бола йиғлади. Сўрида ўтирган Бибигул:

— Болани уришма, бемехр бўлади, — деб танбеҳ берди.

Ботирбой ўзини бувиси қучоғига ташлади. Бибигул неварасини бағрига қаттиқ босиб, бошини силади.

9

Ота вафотидан кейин Раҳимбой рўзғор ташвишларидан ортмай қолди. Бир томондан бу йил олийғоҳни тугатиши керак. Мактабдан оладиган етмиш сўм маоши оиладан ортмаяпти. Отасидан қолган ўн иккита сигирдан иккитасини диплом ҳимояси учун сотиш... Шундай ўйда юрган кунларнинг бирида уйга қайнотаси Эшиммат кириб келди. Қаттиққўл, бир сўзли Эшиммат яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериш керак, деган ўз ҳаёт фалсафасига қаттиқ амал қиларди. У қийналиб, ўзига мос иш тополмай юрганида Худойберган уни ўзи раис бўлиб ишлаб юрган “Пахтакор” жамоа хўжалигига ҳосилот қилиб ишга олди. Кейинчалик уни шу жамоа хўжалигига бош ҳосилот лавозимига кўтарди.

Эшимматнинг ўз вақтида иш тополмай юришига сабаб: икки хотини бор эди. Ўша вақтдаги давлат сиёсати бундай одамларни маънавий бузуқ ҳисоблаб, маъсулиятли ишлардан четлаштиради. Бундай одамлар тўғрисида давлат ташкилотига бирон киши томонидан арз қилинса, бас эди.

Эшимматни МТСда раҳбар бўлиб ишлаб юрган ердан шу айбни бўйнига тавқи лаянати қилиб илганча, ўз аризасига биноан ишдан бўшатишди. Аслида ёрдамчиси мансаб деса отасини ҳам сотадиган одам эди. Шундай одам бошлиқ устидан арз қилишдан андиша қилармиди. Ҳеч-да, андиша қилмади. “Хотинбоз” устидан ариза ёзиб, район партия котибига кирди. Хуллас, уни бўшат-

тириб, ўрнига ўзи раҳбар бўлиб олди. Эшиммат руҳан тушкунликка тушиб эзилиб юрганида Худойберган уни тушунди ва идорасига чақирди.

— Эшиммат, сен бундай юрма. Мен сени ҳосилот қилиб ишга оламан. Лекин сенга бир шартим бор. Биланман, ҳар иккала хотинингдан ҳам кечолмайсан. Унинг устига ҳар икковидан ҳам болаларинг бор. Ўзи тирик бўла туриб, ким болаларини тирик етим қилишга журъат қила олади. Лекин сен уларнинг бири билан ажрашишингга тўғри келади.

Эшиммат чўчиб тушди. Шу топда Худойберган кўзига ёмон кўриниб кетди:

— Йиқилганни тепкилаш экан-да.

— Мен сёнга бутунлай ажраш демоқчи эмасман, — деди Худойберган. — Кўшнилариинг кўзи олдида битта хотининг билан ажрашишинг керак. Уйни бўлса тенг иккига бўласан, хотининг ажрашмайман деб жанжал қилиб номига бўлса-да, йиғи товуши чиқарса, ундан ҳам яхши бўлади. Керак бўлиб қолса шу мен айтган гапларимни тасдиқлайдиган гувоҳ бўлиши шарт. Сен одамлар назарида ажрашгансан. Лекин хоҳлаганингда яшайвер. Гийбатчилар билан ишинг бўлмасин. Ўз уйинг — ўлан-тўшагинг. Сен ҳам тинчсан. Мен бўлсам сени ҳеч ташвишсиз ишга оламан, деди.

— Каллам қурсин, олдинроқ шундай қилсам бўларди-ку, — деб тиззаларига шапатилади Эшиммат.

... Эшиммат Раҳимбойнинг саломига алик олиб, Бибигул билан сўрашди. Кейин сўридаги кўрпачага ўтириб, Худойберганнинг руҳига бағишлаб қурьон тиловат қилди. Ичкаридан Курбоной дастурхон кўтариб чиқди.

— Ассалому алайкум, ота. Яхши юрибсизми? Онам яхшимилар? Укамлар соғ-саломат юришибдимми?

Эшиммат бош силкиб қўйди.

Қизи эсини танибдики, отасининг бирор марта ҳазиллашганини ёки хо-холаб кулганини кўрган эмас. У шундай босиқ, вазмин одам.

Эшиммат Раҳимбойга кўз остидан ўғринча разм солар экан:

— Сен ўқишингга қачон кетасан? — деди.

— Ўн кундан кейин.

— Сарф-харажатиинг пулинг етадимми?

— Етмаса уйдаги молдан сотарман.

— Молни сотма, — деб Эшиммат костюмининг ички чўнтагидан қоғозга ўроғлик бир даста пулни дастурхон бурчагига қўйди. — Етмаганига мана шунни ишлатарсан.

— Ота, миш-мишларга қараганда Турсунбой бувамининг олтинлари кўп бўлган экан. Шу олтинлардан отамда ҳам бўлиши керак эди.

Эшимматнинг кўзлари Раҳимбойга қадалди, юзи жиддий ва қаҳрли бир қиёфага кира бошлади. Эшиммат хаёлида Турсунбой бува жонланди. Опшоқ соқоли, вазмин, босиқ бақувват бу одам кўлида Эшимматнинг отаси ҳам ишлар эди. Отаси бу одам тўғрисида гапирганда оғзидан бол томарди. Икки гапининг бирида, “Турсунбой бува худо суйган инсон, етим-есирга қайишгани қайишган”, дерди.

Турсунбой буванинг пода-пода йилқи, сигир-қўйлари, қишлоқнинг ярмини эгаллаган, ер-сувлари Эшиммат кўз ўнгидан бирма-бир ўтди.

— Тўғри, Турсунбой буванинг мол-мулки кўп эди. Лекин совет давлати буванинг бутун мол-мулкни тортиб олди. Мен бирор мерос қолдимми, деб сўрашга ботинолмадим. Қудамни хафа қилиб қўйишдан қўрқдим... Энди мен борай.

— Қуда, қаерга шошасиз? Курбоной овқатга қараворгандир, — типирчилаб қолди Бибигул.

— Овқатни насиб қилган вақтда ермиз, ҳозир ишим кўп. Бормасам бўлмайди, — Эшиммат шундай деб фотиҳага қўл очди. — Ётган ери ёруғ, жойи жаннатдан бўлсин!

Раҳимбой хотинини чақириш учун уйга кириб кетди. Эшиммат Бибигул билан хайрлашиб юра бошлаганида ичкаридан куёви билан қизи олдинма-кейин чиқишди.

— Ота, — деди қизи, — овқатланиб кетинг. Ҳозир пишади.

— Овқатни ўзларинг еяверинглар. Менинг қиладиган ишларим бор.

Олдинлари Худойберган билан тез-тез келиб суҳбатлашиб ўтирадиган Эшимматнинг бутун қиладиган зарур иши йўқ эди-ю, аммо қизиникида ўтиргиси келмади. Ноилож қолган Курбоной отаси билан хайрлашар экан, “Онамга салом айтинг” деди. Куёви ҳам “Ўтирадиган бўлиб қидириб келинг”, деб хайрлашиб қолди.

Раҳимбой бир ташвишдан қутулди. Қайнотаси кетгач, у дастурхон бурчагидаги қоғозга ўроғлик пулни олиб санар экан:

— Энди бемалол ўқишга кетсам ҳам бўлади, — деди суюниб.

Норгул китоб солинган сумкасини кўтариб мактабдан келганида Раҳимбой сўри ёнида турганича пул санарди. Бу сумкани Ўғилжон холаси бўздан тиктириб берган эди.

— Ака, роса пулингиз кўп экан-а, менга ҳам беринг, — деди Норгул акасига эркаланиб.

У кўлидаги икки бўлак беш сўмлик пулга қаради. Ҳозир унинг кайфияти яхши эди. Лекин у битта беш сўмликнинг бахридан ўтолмади, қизганди.

— Бор, янганга айт, сенга уйдаги пулдан беради.

— Кўлингизда пул кўп-ку, шундан берақолинг.

Шу пайт Курбоной ичкаридан чой кўтариб чиқди. Раҳимбой унга:

— Ишга киядиган қўйлагим чўнтагида бир сўмлик пуллар бор, шундан биттасини Норгулга олиб бер, — деди.

Курбоной эрининг айтганини хушламайгина бажарди. Пулни Норгулга узатаётди:

— Ма, — деди.

Қовоқ-тумшуғи осилиб кетган Курбонойнинг биргина “Ма” сўзидан қизалоқ ўсал бўлди. У олсаммикан ёки олмасаммикан деб, кўрқа-писа пулга қўл чўзди. Негаки Худойберган оламдан ўтибдики, бу оиладан тинчлик йўқолган.

Эру хотин бир-бирини кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқлигидан уй жанжалхонага айланиб кетган эди. Худойбергандан кейин Раҳимбой асрлар оша келаётган қишлоқ удумига кўра оилага бошчилик қилишни хоҳлаб қолди. Курбоной бўлса деярли ўн йиллар мобайнида эғаллаб олган мавқеини йўқотишни истамасди. Ҳар бириси ўзича оилага бошчилик қилишни истаган эр-хотин ўртасида хурсандчиликдан кўра жанжал кўпроқ бўлиб туриши тайин.

Курбоной келин бўлиб тушибдики, бу оила аъзоларидан бирортаси унга зугум қилган эмасди. У бирор ерга бормоқчи бўлса ёки бирор иш қилмоқчи бўлса қайнотаси ёки эридан, ҳатто қайнонаси билан ҳам руҳсат сўрамас, руҳсат сўраш у ёқда турсин, ҳатто кетаётган ерини айтиб ҳам кетмас эди. Энди бўлса оиланиннг жиловини қўлга олмоқчи бўлган Раҳимбойнинг тергашлари натижа бер-



май қўйди. Шунинг учун ҳам бу оилада тез-тез жанжал бўлиб турарди. Бу бақирик-чақириклардан болалар ҳам безиллаб қолишган эди. Айниқса Раҳимбой ичиб келган кунлари уйни бошига кўтарарди. Аламни ароқдан оладиган бўлиб қолган ота ароқни ҳаддан зиёд ичган кунлари уни бир неча марта Қурбоной катта ўғли Ботирбой билан эшак аравага ортиб келишга тўғри келган эди. Раҳимбойнинг сал кайфи тарқагач, уйда жанжал кўтариб, бола-чақасини кўчага ҳайдарди.

10

Қалби қаҳр-ғазаб ўтида ёнаётган Бибигулнинг бутун вужудини титроқ босди.

Ҳайвондир ёки қушдир, ўзи оч бўла туриб оғзида тишлаб келган ўлжасини болаларининг таллашиб ейишларини мароқ билан бир чеккада туриб кузатади.

Бу ҳайвонлар қалбида ўз зурриётларига нисбатан қанчалар меҳр-муҳаббат жўш уради.

Одамлар-чи? Кимдир бир қултим ароқнинг гадоси. Яна кимдир тўқликка шўхликданми ёки жанжал қилмаса еган овқати ҳазм бўлмаганиданми, кекирдагини чўзади.

Бибигул ўғли Раҳимбойни қайси тоифага қўшишни билмасди. Бугун неварасининг ёнини оламан деб Раҳимбойдан тарсаки еди...

Вақт — қалб азобларининг малҳами дейишади. Бибигул ҳам вақт ўтгач титроғи босилиб, анча ўзига келиб олди. У олдида ўтирган невараси Низомжонни бағрига босаркан:

— Яхшидан ёмон ҳам яраларкан-да, тавба қилдим, — дея икки қўли билан ёқасини ушлади.

11

Қиш келди. Совуқ кучайди. Кеч кириб, атроф қоронғилаша бошлади. Бир туп қарағай шоҳидаги қарғалар қағ-қағлаб қўяди.

Ўн яшар Ботирбой мактабдан келиб, ўтин ёрди. Ўзлари ётадиган хона билан ота-онаси ётадиган хонага ўт ёқиб, иситди. Сўнг икки-уч қарич келадиган ариқ музини болта билан чошиб, челақ сиғадиган қилиб ўйди, бир кунга ётадиган сувни идишларга тўлатиб олди. Бир йўла сизирларини ҳам суғориб олди. Аммо шу пайт яна бир ташвиш пайдо бўлди. Сизирлар ичида қизил сизир кўринмасди. Ботир одатига кўра мактабга кетиш олдида уларни ечиб, чўлга ҳайдаб чиқарарди, сизирлар эса ўглаб, кечга яқин қоринлари тўйгач, ўзлари қайтиб келишарди. Ботир атрофдаги нарсаларни кўриб бўлмас даражада қоронғилик тушгунча қизил сизирни излади. Аммо тополмади. Отаси Раҳимбой қизил сизирнинг тўсатдан йўқолиб қолганидан хабар топиб, ўчоқ бошида турган оташкуракни қўлига оласолиб, Ботирни ура кетди. Ботир қўрқанидан ўзини ташқарига отди. Уни ташқари эшиккача қувиб келган Раҳимбой қоронғулик қўйнига тикилганича:

— Сизирни топмагунингча уйга келма, — деб ўдағайлаб қолди.

Ялангоёқ Ботир қоронғулик қўйнига сингиб кетди. Раҳимбой хонага қайтиб кирганида Қурбоной болада

нима айб, дея уввос соларди.

— Болага раҳминг келса, бор, ўзинг сизирни топиб кел, — тўнғиллади Раҳимбой. Қурбоной шанғиллаб уни қарғай кетди.

Низомжон қўрқанидан чинқириб йиғлаб юборди. Қурбоной қарғанганича бориб, кўча эшигини очиб, Ботирни чақирди. Қоронғулик қўйнида совуқдан бужмайиб турган Ботирдан садо чиқмади. Қурбоной ичкарига кириб кетиб, бирпасдан сўнг қўлида фуфайка билан резина этигини кўтарганича кўча эшиги олдида пайдо бўлди. Қўлидагиларни эшиқ олдида қолдириб, ичкари кириб кетди. Ботир секин бориб фуфайка билан этикни олди. Шамол кутириб ув тортарди. Ботир зим-зиё қоронғулик қўйнида ҳеч нарсани кўрмасди. Думини ликиллаб, эркаланиб-суйкалаётган Арслон ёнида бўлмаганича қўрқанидан аллақачон юраги тарс ёрилиб ўларди. У итнинг бўйнидан кучоқлади. Сўнгра пешонасини ит бошига тегизиб, унсиз йиғлади. Дастёр ит ҳам бола-ни овутмоқчи бўлгандай унга суйкалиб эркаланди.

Ботир кўчага қувишган вақтда одатига кўра гўзапоя уюми устига тирмашиб чиқар, кейин Арслон, Арслон, дея итни ёнига чақирарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Ит машаққат билан унинг ёнига чиқди. Бола ёнбошлаб, совуққотганидан итни кучоқлаб олди. Қишлоқнинг аллақаерларида итларнинг хуригани эшитилди. Арслон кулогини динг қилиб қоронғулик қўйнига тикилди-да, ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо бола итни қўйиб юбормади. Итнинг момик юнглари болани илтиб қўйгани. Беҳос кўзлари юмилди. Уйку элитди. Бир пайт алаҳсиб уйғониб кетди. Теварак-атрофга қараса ёнида ит йўқ эди. Қўрқанидан йиғлаб юборди. Йиғи аралаш, Арслон, Арслон, деб чақирди. Ит аллақаердан, қоронғулик қўйнидан чопиб келди. Энди ит гўзапоя устига чиқмади.

Боланинг ўзи пастга тушди. Ёдига негадир ўлган тоғаси тушиб қолди. Тоғаси қоронғулик қўйнида Ботирга тикилиб тургандай бўлди: Онасининг ревматизм бўлган одам тез ўлармиш, узоғи билан икки йил яшаркан, дегани кулоғи тагида такорланди. Тоғанг ревматизмдан кетган, деганди онаси. Мен ҳам ревматизм бўлман, деган фикр бола миясига келди-ю, қувониб кетди. Каналга боришга қўрқди. Ҳовли олдида ўтган ариқнинг музини болта билан чошиб, оёғи сиғадиган қилди-да, этигини ечиб ўтирмай, оёғини ўша жойга тикди. Ана энди бўлди, деб кўнгли биров тинчланди. Лекин қалбининг аллақаерида уйғона бошлаган ўқсиш кўп ўтмай бутун вужудини қамраб олди. Бу ўқсиш хўрликка айланди, хўрлик ичидан тошиб келиб томоғини бўғди. Кўзларидан қайноқ ёш оқди. У оёқларини қимирлатмоқчи эди, аммо оёқлари унга итоат этмади. Қўли билан қимирлатмоқчи эди, яна бўлмади. Сувнинг юзи аллақачон музлаб, этигини сиқиб турар эди. У ёнида ётган болгани олиб янги пайдо бўлган юққа муз қатламини уриб синдирди. Шундагина оёқлари кишандан бўшади.

Осмон аста-секин оқара бошлади. Бола итни эргаштирганча чўл тарафга сизирни излаб кетди. Ботир икки соатлардан кейин қор остидан туртиб чиққан чўкиртларни топиб еб юрган сизирни топиб келгачгина тинчиди...



Хуррам РАЙИМОВ

ЧАНҚОВУЗ

(Холам Бибисулув Райим қизи хотирасига)

“Биёв-биёв” деган сас,
Ўртар ёруғ оламни.
Ёдга солар чанқовуз
Чалаётган холамни.

Наволарга ўч холам,
Бор эди-я, оҳ эсиз!
Бир фарзандга ҳамиша
Зор эди-я, оҳ эсиз!

Меҳр улашиб кўпга,
Меҳр топмай ўтди у.
Дунё излаб юрганга,
Дунё бериб кетди у.

Холам чанқовуз чалса
“Биёв-биёв” дедириб,
От сургандай Алпомиш
Бўлар эди елдириб.

Олиб учар эди куй,
Уни узоқ замонга.
Барчинойлар яшаган
Ажиб гулзор томонга.

Оҳ холажон! Дунёнинг
Сўқмоқлари мўл экан.
Тирикчилик дегани
Кўз ёш томган кўл экан.

Кимнинг қўлида бола
Бир умрга хор экан.
Кимлар ёруғ жаҳонда,
Бир тирноққа зор экан.

Ҳаёт дегани қизиқ,
Бир томони гул экан.
Бир чеккаси селобу
Бир томони чўл экан.

Мавжудотнинг бор бўлган,
Қоидаси бузилмас.
Ундан шунинг учун ҳам,
Қувонч-ташвиш узилмас.

“Биёв-биёв” деган сас,
Ўртар ёруғ оламни.
Ёдга солар чанқовуз,
Чалаётган холамни.



Абдулла АЙИЗОВ



ЙЎЛ

*Ким билади дейсиз, бу йўлнинг умри,
Балки минглаб одам умридан узун.
Кимлардир юрган шу йўлда шошиб,
Сўйинчи олгани мен туғилган кун.*

*Эсдан чиқмас сира, қувончга тўлиб,
Болалик-ёшликда бу йўлни кездим.
Гоҳ мазхун, гоҳида шодумон бўлиб,
Ўз йўлим борлигин қалб ила сездим.*

*Бу йўл! Балки бир кун қайғуга ботар,
Унсиз йиғлар бунда кундуз ила тун.
Қишлоқдошлар олиб тобутим ўтар,
Сўнги манзил томон, энг охириги кун.*

*Биламан. Бу йўлнинг умри беҳудуд,
Ўзи ҳам гоятда узундан-узун.
Кимни кутиб олар, кимни кузатар,
Одамларга ҳамроҳ хоҳ кундуз, хоҳ тун.*

*Ким билади дейсиз... бу йўлнинг умри
Минглаб одамларнинг умридан узун...*

ИЖОДИЙ ТАЪСИР КҮЧКИСИ

Одамзоднинг бутун қавмига бирдек тегишли бўлган ва ўз навбатида, ҳар бир инсонда алоҳида намоён бўладиган имконият, руҳий ҳолат, ички ва ташқи таъсир даражалари оламнинг моҳиятини белгилашга хизмат қилади. Шеърят объектив олам таъсирдан озикланиб, унинг моддий элементлар либосида субъектив дунё манзараларини акс эттиради. Шу боис шоир кайфияти, руҳ тебранишларидан бино бўладиган шеърда моддий дунё белгилари аралашсада, барибир унинг илоҳийлигига путур етмайди. Навоий ҳазратлари “Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир” деганларида, руҳнинг жонли сўзга айланиб улгурган қолипни назарда тутган. Инчунун, Рюноскэ Акутагава “Адабий асарлардаги сўз сўзликлардан топиб бўлмас нафосати билан асир этиши керак”лигини уқтиради.

90-йиллар шеърятига назар ташланганда, рационал кайфиятдаги шеърлар қаторида, шеърнинг “дардли кўнгил изҳори” (М. Қаршибой) эканини ҳис қилиб, шу йўлда бадиий топилмалар яратишга эришганларнинг кўпайиб борганлигини кузатиш мумкин. Самимий қалб кечинмаларини назм тилида ифодалаган ижодкорларнинг шеърӣ намуналарида миллий бадиий анъаналар, жаҳон модернистик оқимларининг таъсири кузатилса-да, аммо бадиий ифода шакллари бойитадиган “таъсир воситалари” кўп-да ўзгармай қолаверган. Аслида адабиёт, унинг бир бўлаги бўлган шеърят худди дунё сингари, замонлар оша ўзини янгилаб боради. Бу янгиланиш янгиланган эскилик ҳисобига амалга оширилиши ҳам мумкин. Модерн шеърятнинг моҳияти эски таъсир воситаси ёрдамида шеърӣ образларга аввал юкланмаган маъноларни юкларда кўринади.

Шарқ мумтоз шеърятда моддий олам унсурларидан — ой, қуёш, юлдузлар, инсон аъзоларидан — лаб, ёноқ, камон қош, найзадек киприklar, узун қора соч, дурдек оппоқ тишлар талқини деярли ҳар бир шоир ижодида учрайди. Айтайлик, кўп ўринларда маъшуқа юзи ойга қиёс қилинган. Хусусан, Навоийнинг ота-она таърифига бағишланган “бирисин ой англа, бирисин қуёш” мисраларида гарчи она тунни мунаввар айлаши ва улуглиги жиҳатидан ойга тенглаштирилса-да, малохат бобида тўлини ойга қиёс қилинаётгани ҳам сезилади. Маъшуқани тўғридан-тўғри “ой” сифати билан аташ ва ана шу ой ҳажрида тунларни тонгга, тонгларни тунга улаётган, шаҳар унинг учун ғам уйига, боғ эса зиндонга айланган қаҳрамон ҳолати Навоийнинг бошқа бир газалида бадиий гўзал ифодаланган:

*Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.*

XX асрга келиб, Шарқ мумтоз шеърятининг фаол “бадиий таъсир воситалари” (ой, қуёш, юлдуз ва ҳаказо) бироз бошқача талқинга учради. Барқорор бадиий тимсоллар анъанасини алдақачон бузиш керак эди. Шу боис шоирлар эндиликда ойга қилинадига қиёс ва айна пайтда ойнинг ўз қиёсини турли таъсирлашлар билан бойитиб борди. Бу Шавкат Раҳмон ва Баҳром Рўзимухаммад ижодида ҳам кузатилади. Ш. Раҳмон ёзади.

*Боғларда кўзларим қамашар
Шоҳларга илинган ойлардан...*

Б. Рўзимухаммаднинг “Асл умрим” шеърда эса юқоридагига яқин қиёсий таъсир бор.

*Менинг асл умрим
капалак вужудидек бормикан,
дарихтда*

ойдек тўлишган

меваларга ўхшармикан у?

Кейинчалик Ш. Раҳмон ва Б. Рўзимухаммаднинг ой таъсирига қаратилаган янгича қиёсловини Ғулом Мирзо ҳам “Ҳазонларга ишонма, юрак” туркумида такрорлаб ўтади:

Қўл етмас шохда улкан шажарнинг

Ғарқ пишган мевадек балқиб турар ой.

Шавкат Раҳмонда боғлардаги меваларнинг ойга ўхшатилиши реал эътирофдан кўра сал мавҳумот ичида берилган. Яланғоч дарахтлар ордидан кўринадиган ой, гўё, уларнинг шохларига осилиб қолгандек таассурот қолдирмайди, деб айтолмаймиз. Баҳром Рўзимухаммадда ҳам мевалар тўлини ойга қиёсланса, Ғулом Мирзода аксинча, ой ғарқ пишган меваларга ўхшатилади. Шавкат Раҳмон шеърда тун манзараси ва кундуздан кечиб, тунга ошуфта кўнгил таассуротлари акс эттирилган бўлса, Ф. Мирзода куз фасли баҳонасида юракнинг ўз-ўзига айтаётган тасаллилари қаламга олинган. Баҳром Рўзимухаммад асл умрини тун ва кундуз белгиламаслиги, “кулранг булут ичида ухлаган-соати тўхтаб қолган қуёш”, “баъзи варақларига сиёҳ тегмаган улкан китоб”, “Капалак вужудидек” умр унинг умри бўла олиши мумкинлигини фалсафий йўсинда ифодалайди. Учала шоирдан ҳам “Шоҳларга илинган ойлар”, “улкан дарахтнинг қўл етмас шохда ғарқ пишган мевадек балқиб турган ой” ёки “дарахтларда ойдек тўлишган мевалар” таъсирининг сабабини, қиёслашларнинг қанчалик бир-бирига мантӣқий боғлиқлигининг боисини изохлашни талаб қилиб бўлмайдилар. Улар ойни шундай кўришни хоҳлайди — тамом!

Абдулла Ориповда ой бироз совуқ ва ҳароратсиз кузатилади:

Ҳажрингда бағримни ерга берурман,

Тун бир лаҳад бўлса, ой қабртошим.

Фахриёр ва Раҳимжон Раҳмат кейинчалик ойнинг яна бир янги қиёсини топди. “Аёлғу” достонида шундай парча бор.

Ой

Аршу аълонинг

фаромуш фаришталар

ёймай кетган туйнуги.

Раҳимжон Раҳматнинг “Дала гуллари” туркумида

Ёр юзингга ўхшаган,

юм-юмалоқ анов ой,

у дунёга ўтгувчи,

туйнукмасми, ҳойнаҳой

қабилдаги хитобни учратасиз.

Шоирлардан Зебо Мирзаева “Ой — қиз кўзгусининг синиқ парчаси!” деб айтса, Вафо Ғайзулло ойни “дўпписиз”, ҳатто “ўғри ой” сифатлари билан атайдилар.

Навоийнинг ой билан боғлиқ сифатларида унинг фусункорлиги баробарида юксак ва олий орзулар тимсоли эканига ишоралар бор. Бундай ишораларни Шавкат Раҳмоннинг “шоҳларга илинган”, Б. Рўзимухаммаднинг “асл умри”ни белгилаб берадиган, Ф. Мирзонинг “улкан дарахтнинг қўл етмас шохда”ги ойларида ҳам кўриш мумкин. Ўтган XX асрда ойдан тупроқ олиб тушишга мушарраф бўлган инсоният янги асрда ой билан боғлиқ бошқа тадқиқотларини авж олдириши тайин. Аммо, фандаги изланишлар бадиий адабиёт, хусусан, шеърятдаги изланишлар бўла олмайди. Шеърятнинг азалий таъсир воситаси — ой бундан кейин ҳам бадиий изланишлар учун сабаб, восита бўлиб қолавер-

ради.

Умуман олганда, мумтоз шеърятимизнинг барқарор объектив унсури — Ой, унинг шеърятимиздаги бугунги янгича талқини борасида тўхталिश эмас, муддаомиз — ой баҳона ижодий таъсир асоратлари ёки руҳий кайфият бир хиллигини ҳам аниқлашдир.

90-йиллар шеърятининг аксарият вакилларида ижодкор қалбининг бадий қирралари, руҳнинг ғайриоддий жилвалари кутилмаган шаклларда гўзал тарзда мисраларга қалқиб чиққан эса-да, аммо гоҳ Асқад Мухтор, баъзан Абдулла Орипов ёки Шавкат Раҳмон, Усмон Азимовларнинг бадий яраткилари таъсирдан қутила олмаган ижод намуналарига ҳам кўзингиз тушади.

Сарғайган баргаларни варақма-варақ,

Ёки китоб каби титар хазонрез

Ф. Мирзонинг бу мисралари руҳий ҳолат, ундаги кечинма мутлақо фарқ қилгани ҳолда А. Мухторнинг “Поэзия” шеърисидаги “япроқни китобдай ўқий бошладим” сатрини эслатади. Ёки “Хазонларга ишонма, юрак” туркумида истеъдодли шоир Ф. Мирзо

Деразам ёнида ёмғир,

Ойнамни чертади узоқ,

мисралари орқали кайфият манзарасини санъаткорона конкрет акс эттиради. Ёмғирнинг, аниқроғи, шоир руҳига сингиб бораётган ёмғирнинг бу хил тасвирини илгарироқ Усмон Азимов шундай ифодалаган.

Уйингизни топиб бормасин хатлар

Ёмғирлар чертмасин деразанингизни.

Ғуллом Мирзо шеърисида гоҳ Асқад Мухтор, баъзан Усмон Азимов шеърятидан ижодий таъсирланиш асоратлари сезилса-да, бироқ ҳолатни ифодалашдаги бу хил ихтиёрсиз рўй берган таъсирланиш руҳнинг бутунлай ўзгача тасвири, кечинмаларнинг табиий ва жонлилиги сабаб ювилиб кетади. Шеърятда янги ва ҳеч ким кутмаган ташбеҳлар қўллаш билан биргаликда, руҳ манзараси, кечинма тасвирини мусаввира бера олиш бадий изланиш сифатида баланд қадрланади. Ижодий таъсирланиш ёки сайёр ташбеҳларнинг (адабиётшуносликда фақат сайёр сюжетлар ҳодисаси ўрганилган) кўчиб юриши масаласига келсак, бу хил “бадий иноят”данзамоनावий шеърятимиз вакилларигина эмас, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳам бенаиб қолмаган. А. Ориповнинг “Минорлар эмас, бу — фалакка қасам” мисраси Зебо Мирзасавнинг машҳур “Тун маликаси” шеърисида “Тераклар фалакка ичилган қасам” тарзида такрорланади.

Юксакда бақрайиб қолган юлдузлар, ярымта бахтни қучоқлаб ётган осмон остида кетиб бораётган қиз — Тун маликаси учун ой кўзунинг синиқ парчаси, тераклар қасам бўлиб туюлиши рост эди. Шоира буни теъран ҳис қилган ва руҳнинг синиқ парчаларидан бир бутун, бадий бақувват шеър ярата олган.

Ш. Раҳмоннинг биз юқорида кўриб ўтган “Богларда” деб бошланувчи шеъри

Шаробдай тотимли бу тунни

Толчилаб, томчилаб ичаман.

Мисралари билан яқун топади. Тунни шаробдай ичиш ҳолати В. Файзуллонинг “Қишлоқ туни” шеърисидаги чолга

ҳам хос:

Богнинг уйқусини тинглаб ётган чол

Кечани шаробдай ичади.

Бир хил ташбеҳ қўллаш ёки бир хил руҳдаги асарлар яратиб қўйиш ҳодисаси қалам аҳлининг мутлоқо бир-биридан беҳабар тарзда рўй бериши мумкин. Ижодкорларда кайфият, ҳолат яқинлиги ва бунинг ижод жараёнида ўз таъсирини кўрсатиши кузатишган.

Алишер Навоий ҳазратлари “Маҳбуб ул қулуб” асарида, 14-боб, 61-танбеҳда шундай ёзади. “Нодон — эшак. Балки эшакдан ҳам камрак. Эшакка ҳар не юкласанг кўтарур ва қаён сурсанг ул ён борур, ақл ва тамиз даъвийси йўқ. Ма-шаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутағаййир, эшак қошида ямон ва яхши деган бир:

Бирда мунча хунар, ул бирида мунча уюб

Қайсининг хўб эканин, аҳли хирад билгай хўб”

“Маҳбуб ул қулуб” даги бу танбеҳ Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” асари, “Сухбат қондалари баёни” бобида, Навоийдан қарғийб икки аср олдин, мана бу тарзда келтирилади.

Ҳарчанд ўқубсан, билимдонсан

Агар амал қилмадинг, нодонсан.

Устингда китоб ортилган эшак,

На олим ва на донодир бешак.

Бу миясиз қайдан топади хабар,

Устида ўтими, ё китоб-дафтар.

Навоийнинг Саъдий Шерозий “Тулистон”идан беҳабар қолган бўлиши мумкин эмас. Саъдий Нодон одамни устига китоб ортилга эшакнинг аянчли аҳволига тенглаштирса, Навоийда нодон одамдан ҳатто эшак яхшироқ экани айтилган.

Ижодий таъсирланиш, шеърини санъатлар, хусусан ташбеҳ, туйгулар тасвирининг кўчиб юриш ҳодисаси қўллаб истеъдодлар, ҳатто буюк шоирлар ижодини четлаб ўтмаган. Улар бундай жараёнга камдан-кам ҳолларда чалгани ютуғидир. Модомики, руҳ шу тахлит туғилишни истаган бўлса, бунда у ҳеч қандай ижодий таъсир, сайёр ташбеҳлар такрорини ҳисобга олмагани ва ундан қочинга уринмагани, шоирнинг ихтиёридан ташқарида рўй бергани ойдинлашади.

Немис мунаққидларидан Иван Голлнинг кузатишича; “Биринчи шоир маконни аниқлаган: “Осмон мовий”. Кейингиси яна очикроқ ифодалаб: “Кўзларинг худди осмондай мовий” деган. Кўп йиллар ўтиб ифода тарзи яна ўзгарган: “Кўзларингда осмон мужассам”. Замоनावий шоир эса “Кўзларингда осмон” деб ёзган. Энг гўзал тимсоллар — бир-биридан узоқда турган воқеълик элементларини энг қулай ва тез йўллар билан тутанштиришдир”.

90-йиллар шеърятисида сайёр ташбеҳлар, ижодий таъсирланиш ҳодисасининг асоратларидан қатъий назар, Иван Голл эътирофича шоирларнинг “бир-биридан узоқда турган воқеълик элементлари”ни тутанштиришга бўлган интилишлари турли бадий имкониятлар воситасида юзага чиқади. Уларнинг фақат ижодий таъсир кўчкиси остида қолиб кетмагани қувончлидир.

Алимардон ҲАЙИТОВ,

ЎЗМУ аспиранти.

СЎЗ ТАЪМИ

Алимардон ҲАЙИТОВ — Алишер Навоий номидagi нафис санъат шеърининг биринчи қалдирғочларидан. Сўзни чуқур ҳис этидиғани бу йилги тўнаниши шеърлар ҳам ёзади. Унинг қаламида чиққан: “Отининг туғилган санъатини хадик, Чучитиб юбарар муллатурғини” ёки “Бир тушкни, шу қадар ойдинлигини, фақат кўриш мумкин кечаси” сингари тимсоллар оҳори билан шеърхон руҳига ёруғлик киритади.

Алимардон ҳазирда Миллий университетнинг “Ўзбек филологияси” факультети аспиранти. У замонавий шеърятда аъёна ва новаторлик, шакли-мундарижавий изланишлар муаммосини тадқиқ этиши билан шуғулланади. Ёш тадқиқотчи ижодий таъсирини бадий матнининг ташқарисидан, туртун белгилардан қийрмаслиги билан диққатни тортади. Ушбу мақолада новаторлик, изланиш руҳият сўзжишларида намоён бўлиши аича ишонарли кўрсатилган. Алимардон шеърятисидаги ингилаштиришнинг сингхон ва ҳассос тадқиқотчиси бўлади деб умид қиламиз.

К. ЮЛДОНЕВ, профессор.



ТАБАРРУК ТЕРМИЗ

Одамзот дастлаб қаерда пайдо бўлган? Инсон илк бор қайси жойни манзил тутган? Бу каби саволлар кўп-ларнинг ҳаёлига келади. Аммо ҳеч ким унга аниқ жавоб тополмайди. Чунки рўйи заминнинг ҳар бир гўшаси одамлар учун азал-азалдан манзил-макон бўлиб келган. Одамлар тоғлардаги ғорларда ҳам, ўрмон, даштларда ҳам яшашган. Ернинг ҳар қандай жойи улар учун бошпана, ризқу рўз манбаи вазифасини бажарган. Одам тупроқдан яратилган. Набототу ҳайвонот эса сувдан чиққан. Кишиларнинг тирикчилиги сувдан чиққан ўсимликлару жониворларга боғлиқ қилиб қўйилган. Шу боис сув одамлар учун ҳаёт манбаи бўлиб қолган. Улар сувга яқинликни худонинг чексиз марҳамати деб санаган. Сув оқиб ўтадиган жойларни ўзлари учун энг яхши манзил деб билишган. Дарё, сой, кўл бўйларига шаҳар, қишлоқлар бунёд этишган. Шунинг учун дарё, кўллар бўйларида одамзотнинг энг қадим масканлари белгилари учрайди. Бу дарё яқинидаги жойлар одамлар учун энг қадимий манзиллар бўлганидан далолат беради. Амударё-Осиёдаги энг йирик дарёлардан бири ҳисобланади. Унинг ёши одамзотнинг тарихидан кўҳнароқ. Қадим Турон халқларининг олис ўтмиши ҳам, бугунги кун ҳам, эртаси ҳам ана шу улуг дарё билан боғлиқ. Бу дарёни одамлар турлича номлар билан аташган. Уни Окс ҳам, Жайхун ҳам дейишган. Окс-Жайхун-Аму бўйларида Одам Атонинг қанчадан қанча авлодлари яшаб ўтишган. Улар неча-неча шаҳару қишлоқлар, обод манзиллар бунёд этишган. Термиз шаҳри қадим-қадимдан ана шундай манзиллардан бири бўлиб келган. Афсонавий Искандар замонасида ҳам Термиз азим шаҳар сифатида етти иқлимда машҳур бўлган. Бу шаҳарда эрамининг III-VII асрларида ҳам сопол қувурлардан кечая кундуз ичимлик суви оққан. Бу шаҳар қўллаб салтанатлар учун пойтахт саналган. Кушонлар, бақтрийлар салтанати учун марказ бўлган. Плутарх сингари қадимги тарихчилар асарларида шарафланган бу шаҳарнинг номи даврлар силсиласида бир неча бор ўзгарган. Термиз олис ўтмиш кенгликларида бир неча бор гуллаб-яшнаган, бир неча марта босқинчилар оёғи остида топталган. У Чингизхон лашкарлари шиддатини синдирган. Шу боисдан “Мадинатул рижол - мардлар шаҳри” деб номланган. Амир Темур ҳам бу шаҳарга алоҳида эҳтиром билан қараган. Чунки у пири Саййид Барака билан илк бор Термиз атрофида учрашган ва унинг дуоסי барокати билан буюк салтанат барпо этган. Термизни саййидлар-пайғамбар авлодлари манзил туттишган. ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Парижда бўлиб ўтган 30-сессияси ана шу қадимий табаррук шаҳарнинг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу шаҳар дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар туғилиб ўсган маскан сифатида ҳам тарихда машҳур. Хожа ал-Ҳаким-ат Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Имом Термизий, Хўжа Самандар Термизий, Собир Термизий. ... Инсоният тафаккури равнақида ўчмас из қолдирган улар сингари машҳур термизийлар сони юздан ҳам ошиб

кетади. Алишер Навоий “Насоимул муҳаббат” асарида: “Муҳаммад бинни Али ҳаким Тирмизий иккинчи табақадиндур, кунияти Абу Абдуллодур. Машойихи кибординдур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Хизравия ва Ибни Жало била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи дағи бор. Ул жумладин, “Хатмул вилоя” китоби ва “Наҳаж” китоби, “Наводирул-усул” ва бундин ўзга ҳам китоблари бор ва зоҳир улумида ҳам кутуби бор ва бир тафсир ҳам ибтидо қилгандур. Аммо итмомига умр вафо қилмайдур ва Хизр бирла суҳбат тугор эрмиш. Абу Бакр Варроқким, анинг шогирдидур, ривоят қилурким, ҳар якшанба Хизр анинг била келиб, мулоқот қилур эрди ва воқеаларни бир-бирларига айтурлар эрди ва сўзлашурлар эрди...” (Навоий Алишер. Асарлар. Ўн беш томлик. 15-том - Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. - 86-бет). Шоир, мутафаккир ва мутасаввуф олим сифатида машҳур яна бир зот-ҳазрати шайх Фаридиддин Аттор эса: “Ҳазрати шайх ҳаким Термизий шайхларнинг муҳташамларидан эди. Шариа ва тариқатда мухтаҳид (динда янгилик яратувчи) эди” дейди (Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул авлиё (Авлиёлар китоби). - Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 1997. - 112-бет). “Хизр билан мулоқот қилган, ундан сабоқ олган”, “шайхларнинг муҳташами” деб таърифланган бу табаррук зот яшаб ўтган сана манбаларда турлича кўрсатилади. Айрим китобларда 749-869 йиллар деб қайд этилса (Адиб Собир Термизий. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. - 4-бет), баъзи манбаларда 831-932 йилларда яшаб ўтган дейилади (Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлар султони. Туронлик валлийлар. - Т.: “Камалак”, 1995. - 124-бет). Ҳазрати шайх Ҳаким ат-Термизий Аттору Навоий эътирофлаганидек авлиё зот, қомусий олим бўлган. У илм-фаннинг турли йўналишларига доир жуда кўшлаб асарлар яратган. Афсуски, бу алломанинг айрим асарларигина бизгача етиб келган. Бу асарлар Ҳаким ат-Термизийнинг дунё сирлари ва инсон дунёсини билишда, диннинг мазмун, моҳиятини англашда беқиёс юксак даражага кўтарилганидан далолат беради. “Тазкиратул авлиё” китобида келтирилган унинг ушбу ҳикояси одамзот ҳақидаги энг кўҳна ёзма асарлардан бири ҳисобланади. “Шайх Термизий қодласаллаҳу сирраҳу ушбу ҳикояни нақл этар: “Одам пайғамбарнинг тавбаси қабул бўлгач, Ҳавво билан қовушди. Бир кун Одам аллайҳиссалом йўқ пайтида Иблис аллайҳиляъна Ҳаввонинг қошига келди. Ёнидаги ўғилчасини Ҳаввонинг олдида қолдириб, “Олдинда турсин, кейин келиб оламан”, деди-да, кетди. Ҳазрат Одам келди. Болачани кўриб, «Бул недир?» деб сўради. “Бир киши қўйиб кетди”, деди. Одам аллайҳиссалом билдикки, бу Иблисдир ва унинг шарридан (ёмонлигидан) қочмоқ керакдир. Ҳаввога ғазабини сочиб, койиди. Болани ўлдириб, парча-парча қилди, ҳар бир парчасини бир дарахтга осди-да, ишига кетди. Иблис қайтиб келди. “Ўғилчамни нима қилдинг?” деди. Ҳавво англатди. Иблис “Хоннас!” деб чақирган эди, бо-яги парчалар бирикиб, бут бўлиб, отасининг ёнига кел-

ди. Иблис яна Ҳаввога: “Шу болакайга қараб тургин, мен тезда келаман” деди. Ҳавво: “Одамдан қўрқаман. Қабул қилмайман” деса ҳам, Иблис кўп ялиниб, қўймади. Яна қабул қилди. Иблис кетди. Одам келиб кўрсаки, болача яна Ҳаввонинг ёнида турибди. Одам Ҳаввога яна кўп ўшқирди, урди, инжитди. Бу гал у ўт ёқди. Болакайни ўтга отди. Қулини иккига бўлиб, ярмини денгизга, ярмини ёбонга совурди. Яна ишига кетди. Иблис келиб, ўгли ўтда ёқилиб, қули совурилганини эшитди. Сўнг яна: “Хоннас!” деб чақирди. Унинг қули яна қайта тирилиб, отасининг қошига келди. Бу дафъа Иблис яна Ҳаввога қаттиқроқ ёлворди: “Шу сафар ҳам қабул этгин, келиб болани олгач, бошқа ҳеч қайтиб келмайман” деди. Ҳаввонинг: “Қабул этмайман. Одам келиб, мени ҳалок қиладир, қўрқаман!” дейишига қарамай, Иблис ҳийлалар билан яна қабул эттирди. Аёл киши яхши сўзнинг гадоси бўлур. Сўзловчи Иблис бўлгач, қандай қилиб қабул этмасин! Иблис турли-туман қасамлар ичди... Одам яна келди. Кўрдик, бола Ҳаввонинг ёнида ўтирибди. Ҳаввони шу қадар дўппосладик, газабдан бошқа нима қиларини билмай қолди. “Аллоҳ билур, бизга яна не келар бўлса, бу Аллоҳ душманининг ўчидан келур. Шайтоннинг сўзига кирасан-у, менинг сўзимга кирмайсан” деди. Эркак кишининг хотинни уриши, хотиннинг маддасиз қолиши шундан қолган, дейдилар.

Бу гал Одам ортиқ қаҳр-газаб билан Хоннасни олиб бориб, қояга урди. Олиб сўйди, бўлак-бўлак қилиб, қўл ва оёғини айирди. Ўчоққа осиб пиширди. Ярмини ўзи еди, ярмини эса Ҳаввога едирди. Сўнг Одам ишига кетди. Иблис келиб: “Ўғлим қани?” деди. Ҳавво бўлган воқеани айтди. Иблис: “Менинг мақсадим шу эди! Ҳосил бўлди! Чунки энди ичингизга кирди, кўксингизга маҳкам ўрнашди!” деди.

Турли васвасаларким, Одам боласининг кўнглига келар, бунинг барчасини Хоннас қилар. Нечукким, ҳазрати ҳақ таоло марҳамат этгандир: (“Ан-нос” сураси. “... мин шарриль васвасил-хоннас” - васвасачи Хоннаснинг (шайтоннинг) ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб, Аллоҳга илтижо қилурмен) (Фаридиддин Агтор. Тазкират-ул авлиё (Авлиёлар китоби). 114-115 бетлар).

Бу ҳикоя Одам ва Иблис ўртасидаги зиддият ҳақидаги энг қўҳна ва энг таъсирчан ҳикоядир. Фаридиддин Агтор “ҳикмат ва фаросат бобида нуктадон” деб улуғлаган “шайхларнинг муҳташами” Ҳаким ат-Термизий “Ан-нос” сурасидаги бир оят мазмунини яна шундай гўзал ҳикоя асосида шарҳлаб беради. Бу ҳикоя жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бири бўла олади. Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфони йўналишидаги ҳикоят, ривоятларида ислом дини фалсафий тадқиқ этилади. Улар худди гўзал бадий асарлар сингари кишилар қалбига таъсир кўрсатади. Юксак тасаввур ва беқиёс теран тафаккур билан яратилган бу ҳикоят ривоятларни ҳамма бемалол тушуна олади. Фаридиддин Агтор ҳам бу даҳо асарларининг ана шу жиҳатини алоҳида таъкидлайди. “Таснифлари (асарлари) машҳурдир. Термизий шундай киши эдики, унинг сўзларини ҳамма фаҳм этар эди” дейди.

Ҳаким ат-Термизий ижодидан тўлиқ хабардор бўлмасак-да, юқоридаги биргина ҳикоянинг ўзиёқ унинг донишманд адиб бўлганидан далолат беради. Бу “Кутадгу билик”, “Девону лугатит турк” каби ёзма ёдгорликлар яратилишидан аввал ҳам Мовароуннаҳр заминидан улкан фалсафа, адабиёт мавжуд бўлганидан далолат беради. Ҳаким ат-Термизийнинг “Одам Ато ва Иблис” фал-

сафий ҳикояси ёзма адабиётимизнинг ёши дарслик, қўлланмаларда кўрсатилганидан кўра қадимийроқ, улғуворроқ эканининг ёрқин исботи бўлади.

Ҳаким ат-Термизий сингари алломаларнинг асарлари юртимиз азал-азалдан инсоният илм-фани, маданияти бешиги бўлганини билдиради. Олис аждоқларимиз биздан фарқли тарзда илм-фан, санъат, адабиётнинг даярли барча соҳаларида ижод қилишган. Бу қомусий ижодкорларда олимлик, адиблик, шоирлик, табиблик, ҳуқуқшунослик каби кўплаб жиҳатлар ўзаро бирикиб, яхлитлашиб кетган. Чунки бухорийлар, термизийлар, хоразмийлар, самарқандийлар, фарғонийлар ақл-тафаккури бениҳоя юксак, қизиқишлари доираси жуда кенг, сабр-қаноатда тенгсиз бўлишган. Шунинг учун улар бир неча соҳаларга оид муҳташам асарлар яратишга эришишган. Беқиёс илмий қийматга эга бу асарлар ҳажми салмоғи билан ҳам компьютерлар замони кишиларини ҳайратта солади. Кафтдеккина телефонни одатдаги буюми, Интернет тармоқларини кундалик иши воситаси қилиб олган бугунги кун кишилари Имом Бухорий, Имом Термизий, Беруний, Ибн Сино каби алломаларнинг бизгача етиб келган жилд-жилд китобларини кўришганида “Бунча асарни қандай қилиб ёзиб улгуришган экан”, деб беихтиёр ажабланади. Аждоқларимизнинг ўнлаб қалин-қалин китоблар ёзишга қандай эришганини биз хаёлан ҳам тасаввур қилолмаймиз. Албатта, биз оддий темирни жонлантириб, тилга киритдик. Техниканинг минглаб мўъжизаларини яратишга эришдик. Осмонларга учиб, узоқ манзилларни яқин қилдик. Шундай бўлса-да, биз инсон дунёсини англашда, унинг қалбини идрок қилишда, умр мазмунини, диннинг моҳиятини тушуниш, ҳис қилишда минг йиллар аввал яшаб ўтган аждоқларимиздан анча орқада турамыз. Уларнинг донишмандлиги қаршисида ҳайратта тушамиз. Жумладан, Ҳаким ат-Термизийнинг “Ан-нос” сурасидаги биргина “хоннас” сўзи замиридаги ҳақиқатни таъсирчан ҳикояга айлантиргани олис аждоқларимизнинг биздан кўра теран тафаккур ва беқиёс тасаввур эгаси бўлганини билдиради.

Табиийки, инсон тафаккури илоҳиёт билан боғлиқда ҳаракат қилади. Ҳаким ат-Термизийнинг Одам ва Иблис тўғрисидаги ҳикояси аждоқларимиз тафаккури билан самовий кучлар ўртасидаги муносабат ҳозиргидан кўра яқинроқ бўлганидан далолат беради. Шунинг учун улар инсон табиятини, унинг феъл-атворини биздан кўра чуқурроқ идрок этишган. Ҳаким ат-Термизий ўзининг юксак хаёли орқали эр кишининг хотини билан жанжаллашиши, уруш ибтидода қандай бошлангани, “аёл кишининг яхши сўзлар гадоси бўлиши”, шайтоннинг беқиёс ҳийлагарлиги, одамлар шайтон васвасаси қуршовига қандай тушиб қолганини таъсирчан гавдалантирган. Бу зот шу сингари муаммолар моҳиятини кўрсатгани, бошқаларга намоён ҳақиқатларни очиб бергани учун ҳам “Ул олими раббонийдир. Ва бу умматнинг ҳукмосидан-донишмандлардан эди. Ҳеч кишига тақлид қилмас ва ҳеч кишидан ўрганиб (иш) қилмас эди. Ўзи соҳибкашф ва соҳибасрор эди, яъни ҳар ишнинг ҳақиқати кашф бирла унга маълум бўлур эди. Ҳикмат илмида бағоят комил эди. Шу сабабли, уни “ҳаким ул авлиё” авлиёлар ҳакими дер эдилар” дея таърифланган (Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. - Т.: Камалак, 1995. - 125-бет).

Одамзотнинг илк манзилларидан бири бўлган Термизда туғилиб, вояга етган бу табаррук зот инсоният



илм-фани, маданиятини юксалтирувчи асарлар яратиш билан бирга, ўзига муносиб шоғирдлар ҳам тарбиялаб, вояга етказган. Ҳазрати шайх Абу Бакр Абу Варроқ Термизий улардан бири бўлган. Алишер Навоий Абу Бакр Варроқ Термизий хусусида шундай дейди: “иккинчи табақадиндур. Оти Муҳаммад бинни Умар ҳаким Тирмизий. Асли Тирмиздандир. Қабри ҳам андадур. Аммо Балхда бўлур эрмиш. Абу Исо Тирмизийнинг тағойисидур. Аҳмад Хизравия била суҳбат тутубтур ва кўп тасонифи бордур. Ва “Таврот” ва “Инжил” ва кутуби осмонийни ўқубтур ва шеър девони ҳам бордур...” (Навоий Алишер. Асарлар. Ҳ беш томлик. 15-том. 88-бет) Фаридиддин Аттор эса: “Ҳазрати шайх Абу Бакр Варроқ қоддасаллоху сирраҳул азиз, муомала ва адаб бобида ўхшаши йўқ киши эди. Ҳатто уни “Муаддаб ул авлиё” (авлиёлар адаблиси) дер эдилар. Хадравиййа ёронларидандир. Риёзат ва адаб ҳақида таснифлари бор” (Фаридиддин Аттор. Тазкират ул авлиё. 116-бет.) “Авлиёлар адаблиси” деб эътироф қилинган бу сиймо ҳам худди устози Ҳаким ат-Термизий сингари кўплаб шоғирдлар етиштирганки, бу “Насойимул муҳаббат”да алоҳида таъкидланган. Хусусан, Абулқосим Ҳаким Самарқандий, Ҳошимий Сўғдий сингари мовароуннаҳрлик валийлар ҳам у кишининг ҳам-суҳбати, шоғирди бўлганлиги қайд қилинган.

Қадим замон донишмандлари ҳар бир ишни ихлос билан сидқидилдан адо этишган. Жумладан, устозлар ва шоғирдлар муносабати ҳам астойдил самимийлик, покиза қалбга асосланган. Шунинг учун муносиб ворислик, ҳақиқий издошлик анъанаси майдонга келган. Бу анъана, айниқса, VIII-XI асрлар ораллигида юксак ривожланган. Ана шу даврда юзлаб машҳур бухорийлар, термизийлар, хоразмийлар, самарқандийлар етишиб чиққан. Устозлар меҳри, шоғирдлар садоқати туфайли илм-фан, маданият беқиёс ривожланган. Ҳаким ат-Термизий ва Абу Бакр Варроқ Термизий ҳаёти ҳақидаги куйидаги нақл олис замонларда устоз-шоғирдлик нақадар қадрли бўлганлигидан далолат беради: Нақл. Шайх Абу Бакр Варроқ: “Бир куни ҳазрати Муҳаммад Термизий: “Сени бир ерга олиб борсам, мен билан борурми-сан?” деганида “Борурмен” деб жавоб берди. Олдига тушди, биргалликда кетдилар. Бир мушкул ерлардан ўтдилар. Ногоҳ бир дарахт тагига етдилар. Унда бир олтин тахт қурилган бўлиб, ошпоқ кийимлар кийган чиройлик, кўркам бир киши тахт устида ўлтирар эди. Унинг ҳузурига бориб, салом бердилар. Ул киши ҳазрати Муҳаммад Термизийга таъзим қилиб, ёнига ўтқазди. Кўп турли сўзлардан сўзлашдилар. У ҳеч уларнинг сўзини туншунмади. Бир соатдан кейин ҳар томондан тўп-тўп одамлар келишди. Қирқ киши бўлдилар. Тахт устида ўлтирган зот кўкдан ёнига ншорат қилган эди, таом тушди. Едилар. Кўп турфа сўзларни сўйлашдилар. Ҳаким Термизий ижозат сўради. Изларига қайтдилар. Кетаётиб, Абу Варроқ Термизийга қараб: “Юргил, саййидлардан бўлдинг” деди. Бир соат ичида Термизга етдилар. Унга (яна): “Бул борганимиз манзил қаер ва ул тахт устида ўлтирган киши кимдир?” деса, “Бул борганимиз ер Термиздан бир ойлик йўлдор” деди. “Борганимиз ер Исроил юрти, ул эр Кутб эди, ул келганлар эса қирқлар (чилган) эди” деди” (Аттор Фаридиддин. Тазкират-ул авлиё. 113-бет).

Шоғирдини авлиёлар даврасига олиб борган, кишиларга бениҳоя муруватлар кўрсатган бу табаррук зот инсон илоҳий мавжудот эканлиги, унинг қалби, тафаккури самовот кучлари билан боғлиқлиги, одамлар бир-бири ва еру осмоннинг барча ҳодисалари билан чамбар-

час қилиб қўйилгани хусусида бундай деган: “ҳар кимнинг зотида нафсоний сифатлардан “мен” сифати қолган бўлса, ул киши шундоқ кишига ўхшарки, бир дирҳам қарзи бировда қолар бўлса, озод бўлмас, шу бир дирҳамнинг қули бўлур. Аммо ул кишиким, бутун нафсоний сифатлардан ўзини йироқлаштирган бўлса, ҳеч кимда қарзи қолмаган киби (озод) бўлур. ҳақ таоло ул кишини ўзига жазб айлар. Нечунким, ҳақ таоло Курьонда бул хусусда ишорат қилгандир”.

“Ижтиноб (тийилув) аҳли улдуким, (фақат) ҳақ таолога инобати (тавба ва қайтуви) бўлғай, инобати бўлган зот мажзуби ҳақ бўлғай. Буларнинг қанчаси пайғамбарлик манзилининг ярмига етарлар, баъзилари сулсига (учдан бирига) ва рубъига (чорагига) етарлар, бир қанчалари рубъининг ёки сулсининг озроқ қисмига ноил бўлурлар, аммо охирига етмаслар. Буни шундоқ билиб эътиқод қилмоқ керак. Солиҳ мўминларда нубувват (пайғамбарлик) нишони бордир. Нечукким, пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам марҳамат этар: “Кимки Курьонни ўқиса, буйругини бажарса, пайғамбарлик унинг икки қоши ўргасида тебранар”. Ва яна айтмишлар: “Яхши туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузьидан бир жузьидир”. Зеро, Расулulloх саллоллоху алайҳи васаллам жанобимиз пайғамбарлик муддатини олган йигирма уч йилнинг олти ойида илоҳий амирларни туш орқали қабул қилиб олганларини айтганлар. Олти ой эса йигирма уч йилнинг қирқ олти жузьидан бир жузьидир” (Аттор Фаридиддин. Тазкират ул авлиё. 115-бет).

Ҳаким ат-Термизий, Фаридиддин Аттор сингари мутасаввифларнинг китобларидаги руҳ Шарқу Фарбда қадимдан машҳур бўлган Шайх Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”и ёки Бурҳониддин Рабғузий ҳикоятларида янада бадиийроқ тарзда намоён бўлади. Бу “Бўстон” ва “Гулистон” сингари ўлмас адабий ёдгорликларнинг юзага келишига Шайх Термизий сингари валийларнинг асарлари ўзига хос асос бўлганидан дарак беради.

Қадимий манбаларда: “Бир тоифа авлиёларни “Термизий” дерлар, иқтидо қилурлар - суянадилар” дейилади (Рушдий Муҳаммад Сиддиқ, Авлиёлар султони. Туронлик валийлар.)

Имом Бухорий, Имом Термизий каби улуг боболаримизнинг асарлари ҳозир ҳам айрим мамлакатларнинг мактаб ва олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитиб келинади. Бу эса албатта аксарият юртдошларимизни ҳайратлантиради. Чунки улар бу муборак зотларнинг асарларини билишмайди. “Саҳиҳи Бухорий”, “Сунани Термизий” каби асарлардан бебаҳра элдошларимиз анчагина топилади. Бу эса маънавий-ахлоқий турмушимизда турли-туман нохушликларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлади. Ёлғончилик, таъмагирлик, порахўрлик, ўғирлик каби иллатлар аслида улуг аждоқларимиз меросидан бебаҳралик туфайли кучаяди. Бухорийлар, термизийлар сингари улуг аждоқларимиз меросини ўргансак, уларнинг руҳи бизга мадад беради. Ишимизга унум, ҳаракатимизга баракат, турмушимизга файз киради.

Маънавият нимадан бошланади? Маданиятнинг илк нуқтаси-чи? Маънавиятнинг ибтидоси одобу тартибда, одамларга хушмуомала бўлишда намоён бўлади. Маданият ҳам айни шунда кўринади. Аждоқларимиз асарлари эса биз учун маънавият, маданият асосини ўргатадиган таянч бўла олади. Термизийлардан қолган ривоят, ҳикоялар, уларнинг ҳаёт тарзи бугун ҳам биз учун маънавият, маданият сабоғи вазифасини бажаради. “Хислатларнинг ёмони кибрди” дея ўтиб қилган Ҳаким ат-

Термизийнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ қуйидаги биргина нақд шундай дейишга имкон беради: Нақд. Бир куни бир киши ундан сўради: “Дунёда адабдан яхши ҳеч нарса йўқ, деб айтарсен. Энди бизга ўз адабингдан хабар бер”. Шайх: “Шунча йилдан бери ҳеч ўз аёл, болачақам олдида бурун қоқмадим”, деди. Бир киши бу хабарни эшитдию: “Бориб шайхни синайман”, деди. Шайх кетиб борар экан, унинг изидан тушди. Шайх қайрилди-да, ул кишига қараб, бурун қоқди. Ул киши ўзига ўзи: “Шайх менинг кўнглимдан кечганини билди-ю, ўзини менинг андишамга терс қилиб кўрсатди, токи мен ундан нафрат этайин. Авлиёлар шундоқ бўлади, дейдилар, деб ўйлади. Яна ичида: агар бу ҳақиқий валилардан бўлса, буни айтган киши ростгўймиди ёки ёлгончими-ди - буни билдирсин...” деган андишаси ҳали тугамай, кўнглида турган эди, шайх ортига қайрилди-да, унга қараб: “Эй ўғил! Буни сенга айтган киши ростгўй эди. Илло, сен бизни синамоқни қўйгил-да, бориб Аллоҳ билан машғул бўл!” деди (Аттор Фаридиддин. Тазкират ул авлиё. 114-бет). Одамлар билан муомалада мулоийм бўлиш, кишилар кўнглини авайлаш, ҳеч кимнинг дилини ранжитмаслик бобида Ҳаким ат-Термизий каби улуғ аждодларимиз бизга ҳамisha ибрат бўлиб қолади.

Оққан дарёлар ҳамisha оқади, деганларидек, Ҳаким ат-Термизийдан кейин Абу Бакр Абу Варроқ Термизий, у зотдан сўнг Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий етишиб чиққан. Улар ўзига хос силсила бўлиб қолган. Ҳаким ат-Термизий Хизр алайҳиссаломдан таълим олган бўлса, Абу Бакр Абу Варроқ Термизий ўзини Ҳаким ат-Термизийга шогирд деб билган. Абу Бакр Абу Варроқ Термизий эса Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг тоғаси бўлган.

XXI асрда ҳам инсоният тарихидаги энг машҳур ўн аллома рўйхати тузиладиган бўлса, албатта унга Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий номлари киритилади. Чунки уларнинг асарлари неча юз йиллардан бери мусулмон оламида илм ва таълим-тарбия дарслиги сифатида ўқитиб келинади. Бу икки зот асарлари Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари бутун инсоният учун яратилган беқиёс маънавий бойлик эканлигини, бу бойлик абадул абад тугамаслигини кўрсатиб беради. Улар ўз асарлари билангина эмас, ўрталаридаги устоз-шогирдлик муносабатлари билан ҳам асрлар давомида ибрат бўлиб келади. Имом ал-Бухорий шогирди Имом ат-Термизийнинг улуғ аллома эканлигини эътирофлаб: “Сен мендан баҳра топинангдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим” деган бўлса (Сунани Термизий. 1-жилд. - Т.: Адолат, 1999. - 17-бет), Имом ал-Бухорий вафот этганларида Имом ат-Термизий йиғлай-верганидан кўзлари бир неча йил кўрмай қолган (Ўша манба. 18-бет). Устоз-шогирднинг бундай муносабати уларнинг комил инсон бўлганидан далолат беради. Шайхул Ислому Абу Исмоил ал-Ажорий: “Менинг учун Термизийнинг китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқдир. Чунки Бухорий ва Муслимдан фақат теран илмни мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин” дейдики, бу Имом ал-Бухорийнинг Имом ат-Термизий ҳақидаги эътирофида чуқур асос борлигини аён этади (Ўша манба. 19-бет). Аллома Тошкўпрулизода Имом ат-Термизийнинг “Ал-жомий-ас-саҳиҳ” (“Сунан”) китоби ҳадис илми соҳасидаги барча асарлар орасида фойдаси энг кўпи, тартиби энг ихчам, такрори энг ози-

дир” деб таъкидлайди. Ибнул Имодал-Ҳанбалий “Шузурот-уз-заҳаб” китобида Имом ат-Термизийга: “Ақронларидан (ёшдош), яқинларидан устун, ҳифз (хотира) ва итқон (устуворлик ва мустақамлик) бобида бир мўъжиза эди” деб таъриф беради (Ўша манба. 18-бет). Ҳадис бобида тасниф этилган кутуби ситта (олти улуғ китоб)нинг учинчиси деб эътироф этиладиган “Сунани Термизий” ҳақида муаллифнинг ўзи: “Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин уни ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб, қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда худди пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам гапираётгандек бўлур...” дейди (Ўша манба. 20-бет). “Худди пайғамбар гапираётгандек бўладиган китоб”ни яратган сиймо туғилиб ўсгани боис ҳам қадимий Термиз Мовароуннаҳрнинг муборак шаҳарларидан бири бўлиб келади.

Ҳазрати шайх Абу Бакр Абу Варроқ Термизий: “Ҳақ таоло сувни яратди. Турли ранглардан унга ранг берди ва турли тотлардан унга тот берди. Шу маъно сабабидан ҳеч кимса сувнинг рангини билмас, мазасини фаҳм этмас. Сўнг сув ҳаёт сабаби бўлди” дейди. “Анбиё” сурасининг 30-оятда барча жонли мавжудот сувдан пайдо қилингани маълум қилинганини келтиради (Аттор Фаридиддин. Тазкират ул-авлиё. 118-бет). “Қуръон”нинг қалби дейиладиган “Ёсин” сурасида эса “Авалам ярал инсонун анна холақнаҳу мин нутфатин фа изаа ҳува ҳосиймум мубийн” (77-оят) дейилиб, инсоннинг ҳам бир томчи қуюқ суюқлик - сувдан яратилганига ишора қилинади. Сув ҳаёт сабаби экан, Амударё бўйидаги Термиз ўз-ўзидан аёнки, инсониятнинг энг қадим манзилларидан бири бўлган. Амударё ўртасидаги бир жойнинг Пайғамбар ороли дейилиши ва ерда кўҳна замонлардан дарақ берувчи мақбара, осори атиқалар сақланиб қолгани ҳам шундай дейишга асос беради. Ҳаким ат-Термизий мақбарасига яқин жойдаги бир оролдаги кўҳна мақбара Зул-кифил авлиёга нисбат берилди. “Қуръон”нинг “Анбиё” сурасида “Исмоилни, Идрисни ва Зул-кифилни (эсланг). Барчалари сабр қилувчи зотлардандир. Биз уларни ўз раҳмат-жаннатимизга дохил қилдик. Дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир” (85-86-оятлар) дейилади. Термизда солиҳ зотлар яшаб ўтгани боис ҳам бу жойдан қадим замонларда кўплаб алломалар етишиб чиққани, Плутарх Искандар қўшинлари келган кезларда бу шаҳар кўчаларида сопол қувурлардан кечаю-кундуз тоза ичимлик суви оқиб турганини ёзгани, бир пайтларда Амударё остидан карвонлар ўтиб қайтадиган, худди ҳозирги метролар сингари лаҳм-йўлак бўлгани ривоят қилиниши, дарё қирғоқлари сопол қопламалар билан қопланганидан далолат берувчи белгилар ҳанузгача мавжудлиги термизийлар юртининг қадимда гоят муҳташам шаҳар бўлганини билдиради. Муҳташам манзиллардан эса албатта улуғ сиймолар етишиб чиқади. Афсуски, уларнинг аксарияти турли-туман сабаблар билан тарих қаърида қолиб кетади. Натижанда, аждодлар кашф қилган гилдиракни авлодлар яна кашф этиш билан овора бўлиб қолади. Улар олис осмонларни кўзлашади-ю, ўтмишни унуттишади. Ҳозирги Термиз яқинидаги қумликлар тагидан муҳташам ибодатхона, ҳукмдорлар саройларининг топилётгани одамзотнинг оёғи остига қарамай яшашга рамзий ишора саналади.

Термизийлар дунёнинг сир-сифатларини, инсон табиатини диний-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилишда ҳайратомуз асарлар яратишган. Афсуски, улар-



нинг аксарияти олис тарих қаърида қолиб кетган. Бу асарларнинг биздан узоқлашиб кетишида ҳам ўзига хос сир-синоатлар бўлса не ажаб. Балки улар бизнинг кибри-миз, манманликни касб қилганимиз, гуноҳни савобга айлантирганимиз, макр бобида шайтонга сабоқ берадиган бўлиб қолганимиз учун олислашиб кетгандир. Куйидаги нақда айни шунга ишора кўринади. **Нақд.** Абу Бакр Варроқ айтур: “Шайх Али Термизий бир куни менга ўзи тасниф қилган китоблардан бир неча жуз китоб бериб: “Шуни олиб бориб, дарёга ташлағил” деди. Мен ул китобларни кўрдим - ҳаммасида латоийф ва ҳақиқат сўзлари битилган. Уларни сувга ташламоққа кўнглим бўлмади. Ҳайф деб, уйга келтириб қўйдим. Келиб: “Дарёга ташладим», дедим. Шайх: “На кўрдинг?” деди. Мен: “Ҳеч нарса кўрмадим” дедим. Шайх: “Китобларни дарёга ташлаганинг йўқ, бориб ташлағил” деди. Мен ичимда: “Мушкул уза мушкул бўлдики, на учун китобни дарёга ташлайдир ва бундан не каромат зоҳир бўлур экан?” дедим. Уйга бориб, китобларни келтириб, дарёга ташладим. Дарёга қараб турдим, у иккига бўлинди. Оғзи очиқ сандиқ пайдо бўлди. У китобларнинг ҳаммаси сандиққа тушди ва сандиқ оғзи ёпилди. Дарё яна ўз ҳолига келди. Мен бу ҳолни кўриб, ҳайрон бўлдим. Шайхнинг олдига борганимда, у: “Энди ташладим, мен кўрдим” деди. Мен унга: “Эй шайх, Худо ҳаққи, бу сирни менга айтгайсиз” дедим. Шайх: “Амал илмидан бир китоб тасниф қилган эдим, биродарим Хизр алайҳиссалом ул китобни мендан тилаб эдилар. Ул кўринган сандиқ балиқ эди. У Хизрнинг фармони билан келган эди. Китобни Хизрга еткурди” (Рушдий Муҳаммад Сиддиқ, Авлиёлар Султони. Туронлик валийлар. 128-бет). Хизр алайҳиссалом эса Куръонда Оллоҳ таолонинг энг билимли бандаси дейилади. Оллоҳ барча бандалари, жумладан, пайғамбарларга ҳам бўлиб ўтган ҳодисалар тўғрисидаги билимларни берган бўлса, Хизр алайҳиссаломга келгусида рўй берадиган ҳодисалар қаҳидаги билимларни ҳам ато этган. Худонинг шундай буюк марҳаматига муяссар бўлган пайғамбар Ҳаким ат-Термизий тасниф этган китобни сўрагани қаҳида ривоят қилинишининг ўзиёқ термизлик аллома гоят муборақ зот бўлганини билдиради. Бу каби ривоятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар қандай ривоят ҳам қандайдир асоснинг замирида майдонга келади.

Одам ҳар қанча уринмасин, ўзининг икки елкаси ўртасини кўролмайди. Бошини ўннга-сўлга қанчалик бурмасин, бунга эришолмайди. Балки шунинг учундир одам орқасига қараб эмас, олдига қараб юради. Олдинда нималар қутаётгани, қандай ҳодисаларга дуч келишини эса билмайди. Нега шундай? Одамларнинг айби нимада? Улар қандай камчиликка йўл қўйгани учун шундай мавҳум қисмат билан “тақдирланган”? Шунинг учунки, улар кечаги кунини унуттишади. Кечмиш-кечирмишларини тезда фаромуш қилишади. Ўтган кунларидан қувват олишолмайди. Аждодлар ва авлодлар ўртасидаги масофа шу тарзда узоқлашиб кетаверади. Биз ҳам ўтган даврларда аждодларимизни унутдик. Улар қолдирган илмий-маданий меросга беписанд қарадик, лоқайд бўлдик, топтадик. Тарихимизни ўзимиздан кўра ўзгалар кўпроқ ўрганишди. Натижада, биздан кўра илмлироқ бўлишди. Илм - ўрганганики, интилганики. У - мисоли ҳаво. Ҳаводан ўсимликлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, одамлар ҳам нафас олаверди. Бунга ҳеч қандай нарса тўсқинлик қилмайди. Китоблар ҳам одамларни дини, ирқи, ватанига қараб ажратмайди. Улар - бутун инсониятнинг мулки

саналади. Биз аждодларимиз яратган ана шу мулкни ўрганишда, ўзлаштиришда европалик олимлардан анча орқадамиз. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма соҳада уларнинг ортидан эргашиб юрамиз. Чунки заминимизда яшаб ўтган термизийлару бухорийлар асарларидан беҳабармиз. Ўтмишимизни унутганмиз. Айниқса, олис тарихимиздан томоман ажралиб қолганмиз. Ваҳоланки, аллома Беруний бобомиз: “Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир” дейди. Ҳаким ат-Термизийнинг Одам ва Иблис қаҳидаги ривояти эса қаҳиқатан ҳам инсониятнинг ибтидосида бўлганидан қизиқроқ ҳодиса аввалда ва ҳозирда йўқлигини исботлайди.

Инсоният ҳаётидаги энг қизиқарли воқеани нақд қилган Ҳаким ат-Термизий юртидан етишиб чиққан аксарият алломаларнинг таржимаи ҳолини тўла билмаймиз. Бу ҳам ўтмишимизни унутганимиз, аллома аждодларимиздан олислашганимизни билдиради. Ҳаким ат-Термизий ва шогирдларининг қачон яшаб ўтганлиги турлича кўрсатилганидек, Адиб Собир Термизийнинг туғилган йили “ҳар ҳолда, XI асрнинг иккинчи ярмида бўлса керак” деб тахмин қилинади (Термизий Адиб Собир. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. 232-бет. - 5-бет). У манбаларда шоир ва олим сифатида эътироф этилади. Адиб Собир Термизий яшаган даврда Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий, Абулҳасан Мунжиқ Термизий, Абубакр Хаттот Термизий, Абубакр Хол Термизий каби шоирлар ҳам ижод қилишгани маълум қилинадик, бу Термиз ўша даврнинг ривожланган шаҳарларидан бири бўлганини аён этади. (Ўша манба. 4-бет). Шеър ва илм тафаккур ва маданиятнинг юксак мезони саналади. Шеър ва илм бор жойга одамлар ўз-ўзидан оқиб кела бошлайди. Илм, санъат ва адабиётга интилган одамлар жам бўлган масканлар ҳаминша обод ва файзли кўринади. У ерларда шукуҳ ва кўзга кўринмас жозибали нур мавжуд бўлади. Бундай манзилда яшайдиган ижодкорлар олам янада гўзалроқ, одамлар орасидаги меҳр-оқибат дунёнинг жамики нарсаларидан азизроқ, қадрлироқ бўлиши учун интилади. Ана шу истак ижодкорларни ҳаётдаги мавжуд нуқсонлардан одамларни огоҳ этишга ундайди. Шунинг учун улар Адиб Собир Термизий сингари урушлар, жанжаллар, маишату, бемазагарчиликлар оламини вайронага айлантиради, фалакни фарёдга келтиради, деб нола қилишади:

*Ниҳоят ҳаддан ошди бемазалик, авжига чиқди,
Фалак қасди, жаҳон жабрию юлдуз ҳодисоти ҳам.
Жаҳон жабру жафоси бир эрур шоҳу амир бирлан,
Фалак қасдию кулфат бир эрур деву малак, билсам.
Қилолмасман адо юз йил агар оху фиғон бирлан,
Мушинг жабру жафосин тинмайин минг тил билан айтсам
(Ўша манба. 6-бет).*

Бўлаётган жабру жафоларни юз йил оху фиғонга тўлиб минг тил билан айтсам ҳам адо бўлмайди. Нақадар ёрқин образли фикр. Бу Адиб Собир Термизийнинг улкан файласуф, дардқаш шоир бўлганини билдиради. Унинг таржимадаги шеърлари кишини шунчалик ҳайратга солади. Аслияти бундан ҳам кўра кўпроқ таъсирчанроқ бўлиши табиий.

Термизийлар замонида Шарқда асарларни араб ва форс тилида битиш удум бўлган. Улар ана шу умумий таомилга амал қилишган. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бухорий, Термизийлар ўз даврининг фарзандлари си-

фатида иш тутишган. Бир пайтлар Европада ҳам илмий асарлар лотин тилида ёзилган. Ҳозир дунёда инглиз тилининг нуфузи баланд. Олимлар асарларини инглиз тилида ёзишга интилишди. Бухорийлар, Термизийлар асарларидан араблар, форслар, испанлар баҳра олаётган экан, шунинг ўзи бизни қувонтиради. Чунки улар - бизнинг аجدодларимиз, юртимиздан етишиб чиққан алломалар.

Қадим замон одамлари “ватан” тушунчасини ҳозиргилардан кўра кенгроқ тушунишган. Шунинг учун улар кўпроқ юрт кезишган. Кўп марталаб ҳаж зиёратларига боришган. Мовароуннаҳрликлар илм излаб, Шому Богдод, Мисрга йўл олишган. Араблар аям, яъни ўзларидан бошқа элларни кўргани, билгани келишган. Улар сафар азобларини тортиш орқали ватан қадрини, ҳаёт мазмунини, меҳру муҳаббат азизлигини англашган. Термизийлар таржимаи ҳоли ҳам уларнинг муайян муддат ўзга юртларда бўлганини маълум қилади. Аммо улар молдунё орттириш илмида йўл юришмаган. Термизийлар, бухорийлар сифатида дунёга ном қолдириб кетган бу сиймолар умр бўйи инсон камолоти учун зарур илмларни излашган. Илми инсон қалбини улгайтирувчи, уни камолотга етказувчи гавҳар деб билишган. Адиб Собир Термизий:

*Илм шарафича шараф бўлмас, эй ўртоқ,
Илм фазилатидан кўра ҳилм ортиқроқ.
Гарчи йўқдан кўра, дерсан бор яхши,
Йўқ бўлган яхши кимки илмдан йироқ*

деган (Ўша манба. 8-бет). Унинг қуйидаги сатрлари эса аجدодларимиз азал-азалдан Наврўз айёмини катта шоду хуррамлик билан кутиб олганини тасдиқловчи энг кўҳна адабий манба бўла олади:

*Ўтди хуту Ют, қўёш нури сочиб келди ҳамал,
Айлагил яхши назар, қилгай ҳамал қандай амал.
Сабзалар яшнаб-қулиб, олғай совуқ қор ўрнини,
Қузғун овозин босар булбул овози бу маҳал.
Бахш этар хонандалар қалбига булбуллар қўшиқ,
Қумрилар шоир ўрнида ўқир ширин ғазал.
Энг гўзаллик санъатини боди сабо айлар нисор,
Ер тароват кўрсатиб, ёмғир билан бўлгай гўзал
Урдувонлар тожи янглиғ зебу зийнат-ла чаман
Ардашер тахтига ҳукми топти савлат, келди гал.
Бўлди нарислар мисоли ҳар бири олтин қадаҳ,
Бошдан-оёқ гуллар ниҳоли кийди бахмал, кийди ҳал,
Ҳар тарафга дурру гавҳарлар сочиб, кўкда булут,
Гулшан ичра шоҳлар сочди жавоҳир галма-гал.
Шул сабабдан бўлди ўртоқлар фалакнинг саҳнидек,
Бўлди боғлар худди Қорундек бадавлат, ҳам гўзал.*

(Ўша манба. 9-бет)

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ҳақим ат-Термизийнинг “Наврўзнома” рисоляси сақланади (Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. 124-бет). Бу халқимизнинг азалий байрами - Наврўз ҳақидаги энг қадимий манба саналади. Наврўз сингари байрамлар эса халқимизнинг маънавий-руҳий бойлиги ҳисобланади. Байрамлар туфайли меҳнат ҳам

санъатга айланиб кетади. Қадимий Термиз харобалари, Амударё яқинидаги қумликлар тагидан топишган сарой, ибодатхоналарнинг муҳташам безаклари аждодларимиз азал-азалдан санъатга ошуфта бўлганини аён этади. Юртимизда қадим-қадимдан ажойиб меъморлар, қўли гул хунармандлар истиқомат қилганини намоён қилади. Тарихчи олим Илёс Низомиддинов Шарқнинг машҳур мусаввири Мир Саййид Али ҳам Термизда туғилиб ўсганини таъкидлайди. У яратган айрим дурдона асарлардан 60 таси Венадаги “Индастрэл музей”ида, 25 таси Лондондаги “Викториа анд Альберт” музейида ҳозир ҳам сақланади. Мир Саййид Али Бобурнинг фарзандлари Ҳумоюн ва Акбар ҳукмронлик қилган даврда “нодирул мулк” (давлатнинг нодир сиймоси) деб шарафланганки, бу унинг беқиёс истеъдод соҳиби бўлганини билдиради. Мир Саййид Алининг отаси Мир Мансур ҳам мусаввир бўлган. Улар Камолиддин Беҳзод билан Табризда ҳамкорликда ишлашган. Ота-бола мусаввирлар машҳур санъаткор сифатида шуҳрат қозонгани боис Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Табризда бўлган кезларида уларнинг миниатюраларини кўрган ва чексиз ҳайратга тушган. Тахтни эгаллагач, Мир Саййид Али ва унинг отасини Ҳиндистонга келишга даъват этган.

“Темурнома”, “Чингизнома”, “Калила ва Димна”, “Рамаяна”, Низомийнинг “Ҳамса”, Жомийнинг “Баҳористон”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Абу Тоҳирнинг “Даробнома” каби асарлари қўлёзмаларига миниатюралар ишлашган. Европа, Американинг муҳташам музейларига кўрк бериб турган ана шу нодир асарлардаги миниатюралар яралишига термизлик ота-бола мусаввирлар муносиб ҳисса қўшган. Низомийнинг “Ҳамса”си асосида яратилган миниатюралар асрлар давомида гоёт машҳур бўлиб келган. Уларнинг аксарияти Мир Саййид Али мўйқалами билан чизилган. Табаррук термизийлар ватандоши бўлган бу мусаввир ҳиндистонда Ҳумоюннинг таклифи билан “Амир Ҳамза достони” асосида катта ҳажмли (56x76 см) миниатюралар яратишдек улкан ишга ҳам бош-қош бўлган. Бу иш 1200 расмдан иборат бўлиши режалаштирилган. Мир Саййид Али раҳбарлик қилган бу гуруҳда элликдан ортиқ киши ишлаган. Улар ҳинд, форс ва мовароуннаҳрлик мусаввирлар бўлишган. Мир Саййид Али мусаввир сифатидагина эмас, истеъдодли шоир сифатида ҳам машҳур бўлган. У шеърларига “Жудой” деб таҳаллус қўйган. Бу билан у туғилган юрти - Термиздан узоқлигига ҳам ишора қилган. Қалби доим бу табаррук шаҳарга талпинишини таъкидлаган.

Термиз тарихи ва унинг бугунги куни дунёнинг ҳар бир ҳодисаси ўткинчи эканлигига - обод манзиллар хароб, хароб гўшалар обод бўлишига, гуллаб-яшнаган шаҳарлар вайронага айланишига, вайроналар устида кўркам манзиллар бунёд бўлишига рамзий ишора саналади. Термизнинг ҳар қарич тупроғи тагида улкан тарих кўмилиб ётади. Тарих эса беқадр нарса эмас. У минг-минглаб одамлар узоқ даврлар яшаган жойда вужудга келади. Тарих кишиларнинг тафаккурдан, миллионлаб одамларнинг иштирокидан туғилади. Термизнинг улкан тарихи унинг рўйи заминидаги муҳташам манзиллардан бири бўлганини билдириб туради. Оққан дарёлар ҳамisha оққани сингари бундай манзиллар ҳам доимо табаррук бўлиб қолади.

Абдулла УЛУФОВ

ТУЙҒУЛАРДАН ЯРАЛГАН ОЛАМ



Барнобек Эшпўлатовнинг “Инсон минтақалари” китоби ўзбек шеъриятига ўз овози ва услубига эга, шунинг баробарида, шаклланиб улгурган истеъдодли бир шоир кириб келганлигини кўрсатди.

“Ўзбекистон”, “Ватан”, “Мендан Сизга мактуб олиб учган кўкарчин”, “Чимилдиқ хиргойилари”, “Ўсмирлик ноласи”, “Кўклам нақорати” каби мазмунан салмоқли ва бадиий жиҳатдан пишиқ шеърлари, “Оҳанг” туркуми,

бир қатор хайёмона, бедилона фалсафий теран тўртликлари, “Қундалик ва тундалик” туркумидан ўрин олган нозик шоирона кузатишлар ва оҳорли ташбеҳларга бой, чуқур маъноли кўпгина қатралари унинг шеъриятга етарли даражадаги тайёргарлик билан кириб келгани ва шоирликни шунчаки ҳавас эмас, балки чинакам қисмат деб билганидан далolat беради.

“Мендан Сизга мактуб олиб учган кўкарчин” (Кўкарчин - ўғуз лаҳжасида кабулар дегани) деб бошланадиган шеър - тўпلامдаги энг гўзал, энг бақувват шеър. Адабий анъаналар, ривоятлардан илҳомланиб ёзилган бу шеърда кўкарчиннинг икки севишган қалбни бир-бирига боғлаши гўзал бир тарзда ўзининг бадиий ифодасини топган.

Тўпلامдаги шундай гўзал шеърлардан яна бири - “Чимилдиқ хиргойилари”. Бу шеърни ҳар ким ўзича хиргойи қилиб, ўзича лаззатлангани маъқул. Асқад Мухтор таъбири билан айтганда, гўзал баҳор ҳавосининг кимёвий таркибини текширгандан кўра ундан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Айни жиҳатдан шоирнинг “Оҳанг” туркуми диққатга сазовор. Туйғулар куйлайди, фикрлар сувратланади бу гўзал шеърларда.

Барнобекнинг лирик қахрамони, биринчи навбатда, ошиқ шоир (Албатга, унинг файласуфлиги, донишмандлиги ҳам йўқ эмас). Лекин унинг муҳаббати ёлғиз севгилиси билан чекланмаган: у ёри, оиласи, фарзанди, онаси мисолида барча инсонларни; ўсимликлар, дарахтлар, қушлар, ҳайвонлар орқали бутун табиатни; ер, осмон, ой, қуёш, юдузлар воситасида жумла кoinотни севади.

Маълумки, муҳаббат кўнгил воситасида, туйғулар тилида гапиради. Шоир шеърларида туйғуларнинг етакчилик қилиши шундан. Тафаккур ҳам унда туйғулар билан омухта ҳолда намоён бўлади. Яъни, унинг фалсафий фикр-мулоҳазалари яланғоч, совуққон донишмандлик маҳсули эмас, балки ҳаяжон-ҳароратта йўғрилган тафаккур меваси.

Барнобекнинг шеърлари бутун дунёга, ҳаётга, одамларга, табиатга муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган. У илонни ҳам, бўрини ҳам, қамишни ҳам, шувоқни ҳам бирдай севиб шеърга солади. Улардан ҳеч ким кўрмаган, сезмаган гўзаллик топадигина эмас, ўз муҳаббатини сизга ҳам юқтиради. Чунончи:

қамишлар эгилар сулувлар мисол.

Қарабсизки, бир қарашда бировнинг диққатини тортмайдиган, меҳр билан боқишга арзимайдигандай туюладиган қамиш навниҳол қизлардай кўз ўнгингизда намоён бўлади ва беихтиёр ўсимликлар дунёсининг бу оддий ва кўримсиз турига нисбатан кўнгилнингизда муҳаббат уйғонади.

Ёки:

Илонлар никоҳдан ўтар бу кеча.

Илон табиатан совуқ жонивор. Уни кўрсангиз ёки эсласангиз ҳам аъзои баданингиз жимирлаб кетади. Лекин келтирилган мисра, аксинча, қалбингизда бир завқ, бир меҳр уйғотади. Шоирнинг шоирлиги ҳам шунда: сизнинг эътиборингизга арзимайдиган воқеаларга диққатингизни тортади: сиз хушламайдиган хилқатни севдиради; сиз бепарво, лоқайд бўлган нарсага нисбатан қалбингизда завқ уйғотади.

Муҳаббат - инсониятнинг халоскори. Муҳаббат - буюк мураббий. Муҳаббат - муқаддас саждагоҳ. Қайсики кўнгилда ишқ мавжуд экан, у ўз соҳибини тинч қўймайди: уни мудом безовта қилади, парвозга ундайди. Муҳаббатдан бенасиб одам турмуш ташвишларига ўралашиб, заминда қолиб кетади. Ишқ бамисоли ички қувват: мудом соҳибига куч бериб, уни илҳомлантириб туради. Бугина эмас. Адашган, йўлини йўқотган кимсаларни ҳам ўз бағрига олади: юпатади, дардларига малҳам қўйиб, тузатади ва яна курашга йўллайди. Шу маънода, Барнобек ҳам бу буқаламун дунёдан безганида, бу шумшук ҳаётдан тўйганида, ғаддор замондан жабр кўрганида, турланиш-тусланишда Шайтонга дарс берадиган кимсалардан жони халқумига келганида муҳаббатдан, оиладан паноҳ ахтаради. Шоир ижодида муҳаббат, аёл ва оила мавзуининг кенг ўрин эгаллаши, бир-бирига боғлиқ бу уч тушунчанинг бир бутун ҳолда намоён бўлиши шундан. Бу шеърларнинг қат-қатидан аёл муқаддаслиги, оила муқаддаслиги ҳақидаги қарашлар қалқиб чиқади. Оила - унинг учун ҳамиша тўс-тўполон ҳаёт уммонидеги муъжаз тинчлик оролчасига ўхшайди. Бир бандагаргоҳга менгзайди: у шу ердан ҳаёт отлиқ уммонга шўнғиб кетади ва адашиб-улоқиб, йўқотиб-топиб яна асл маконига қайтади. Бунда ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, куч йигиб, яна беомон уммон ичра сузиб кетади. Шу маънода, у дунё деб - оиласини, инсон деб - севган аёлини билади. Бу - чиройли гаплар эмас, балки шоир шеърлари мутолаасидан келиб чиққан хулоса. Чунончи, аёл бўлмаса, ҳаётда - маъни, рўзғорда - илиқ-

лик йўқлиги хусусида шоир шундай ёзади:

*Кулбамиз унингсиз шикаста, ғариб,
хотири паришон дунё мисоли.
Хаммаси мунғайиб, қолади қариб,
қадами тегмаса магар аёлнинг.*

Муҳаббат - Аёл - Оила. Бу учликнинг мукамал бўлиши учун унга тўртинчи компонент керак. Бу - фарзанд. Шоирнинг мазкур мавзудаги шеърларига кўпинча Қизалоқ образини кириб келиши шундан:

*Онанг - Ойнинг қизи, сен-да Оймомага неvara...
Тағин нималарни билгинг келади, қизалоғим?*

Ҳаёт аталган бош-кеги йўқ узун занжирда ҳаммамиз бир ҳалқамиз. Тирикликнинг бардавомлиги шундан. Маълум бўладики, ҳар бир кишининг елкасига муайян вазифа юкланган: бунга биров англайди, биров йўқ. Мазкур занжирдаги ҳар бир ҳалққа узилганда бир парокандалик юз беради: қаердадир арзимас бўлса, қаердадир ҳалокатли... Аждодлар ва авлодлар аро боғлиқлик кўринишлари сифатида яна Она ва бола, бува ва неvara, ота ва бола образлари ҳам кириб келади шоир шеърларига:

*Аждодимнинг кечмишини озорли билсам,
авлодимнинг ташвишлари мисли улуг дард.
Боболарим бир замоналар қийнаб ўтган ҳам
болаларим тақдирига кўнар гўё гард.*

Шоирнинг бир қатор шеърлари дунёни, ҳаётни англаш, инсонни тушуниш, ўзликини ахтариш ва топиш билан боғлиқ фалсафий мулоҳазалар асосига қурилган. Чунончи, дунё ҳақида ўй сурар экан, у шундай хулосага келади:

*Тегранда минг бир хислат таратган олам
муаммолар ва ечимлари занжири экан...*

Шоир мутгасил ўзини излайди. ҳаётда ўрнини топмоқчи, ўз мавқеини белгилаб олмоқчи бўлади. Бу - машаққатли ва узоқ давом этадиган жараён. Бу - дунёнинг не-не улуг зотлари бошини қотирган муаммо. Биз инсонни олам ичра бир олам, деймиз. Сўфийлар эса инсонни, унинг қалбини оламдан-да катта деб билишган. Афсуски, инсон на ўзини, на оламни, на Оллоҳни охиригача англолмай, армон билан дунёни тарк этади. Бу сирли жумбоқларни энг буюк ақл эгалари ҳам ечолмай кетганлар. Бу азалий ва абадий муаммолар Барнобекни ҳам қийнайди:

*Турфа саволлари қийнар очуниш,
яхши нима ўзи, ёмон нимадир асли?*

Устод Рудакий Одам ва Одам ҳақида ўй сура-сура: "Дунё бошдан-оёқ ҳикмат-ку, ҳикмат" - деган эди. Барнобекнинг қуйидаги сатри ҳам буюк салафининг мазкур фикрларига ҳамоҳанг:

ҳикмат гунчаларин сочар тегранда жаҳон.

Шоир учун дунёни англаш, унинг тағига етиш дунёни кўришдан муҳим. Бу - донишмандлик белгиси:

*Дунё кўрмоқ саодатин уни билмоққа
алишардим иккиланмай деҳқондек танти.*

"Ҳазрати Одамдан мерос тириклик ғами"нинг истеъ-

додга тушов бўлиши - азалий муаммо. Давримизнинг машҳур шоири Абдулла Орипов: "Турмуш ташвишлари бўлмаганда бундан улугроқ шоир бўлармидим", - деб ёзган эди ҳазил аралаш ўкинч билан. Ўтиш даврининг қийинчиликлари билан қўшилиб, кейинги йилларда ҳаёт бирмунча оғирлашгани маълум. Барнобек шеърларининг қаъ-қаъридан ҳам бу ўткинчи ғаму ташвишларга нисбатан норозилик овозининг эшитилиши бежиз эмас. "Бепоён оламнинг тўртта уфқидан кўксига нигоҳини қадаган ташвиш" лар тўфайли кунларнинг "яшаш ташвишлари аро" кечиб, шеърга, адабиётга ҳамшиша ҳам вақт тополмаслиги шоирни изтиробга солади:

*Эранларнинг рутбасида кўриб ўзимни,
барчаси мосуво дея силтаганча қўл,
юксак-юксак мақсадларга тиксам кўзимни,
нозик жойга турта берди тириклик нуқул.*

Бу шиддатли замонда, бу олағовур ҳаётда туйғуларни мусаффо сақлашнинг ўзи бўлмайди. Тириклик отлиқ издиҳомнинг бағрига чуқурроқ кирган сари ёвузлик, риё, ёлғон, манфаатпарастлик, пасткашлик ва бошқа номли-номсиз иллатларга дуч келавериб, асл қиёфасини йўқотганлар қанча! Қишлоқ асосан табиат билан боғлиқлиги жиҳатидан унда табиийлик, аслият кўпроқ учрайди. Шаҳар тараққиёт билан вобаста эканлигидан бу ерда инсон ўзининг табиий ўзлигидан ажраб бораверади. Шаҳар бу - покиза туйғуларнинг гўркови. Шаҳар бу - содда ишончларнинг қотили. Кўксига дунёнинг мусаффолиги, умидини кўтариб келганларнинг кўпи шаҳарга келгач, ўзининг оламларга бергусиз бу бойлигини бой берди. Зеро, тараққиёт туйғуларни эмас, тафаккурни тан олади, ўзаро ишончга эмас, аниқ ҳисоб-китобга таянади, дарвешликни эмас, сиполикни хуш кўради, равнақ тошган жамиятда юрак билан эмас, ақл билан севиш устунлик қилади. Айни жиҳатдан тараққиёт - табиийликка тескари пропорционал. Тараққиёт юксакликка кўтарилган сари табиийлик ўз қиёфасини йўқотиб бораверади. Туғма фазилатлар ўрнини касбий, яъни орттирилган хислатлар эгаллайди. Шоирларнинг шаффоф туйғуларини излаб, беғубор болаликни кўмсаб шеърлар ёзишлари шундан. Бундай мотивлар Барнобек шеърларида ҳам етакчи ўрин тутади. Буқаламун ҳаётда яшаш илмини ўрганиш учун минг бир турланиш-тусланиш натижасида тобора ўзлигини йўқотиб бораётган лирик қахрамон чўкаётган киши сомон парчасига ёпишгани каби болалик хотираларидан паноҳ ахтаради, кечмиш бағридан ўзлигини излайди. Зеро, беғубор, содда, ишонувчан болалик, орзу-умидларга, ғайрат-шижоатга тўла ўсимирлик бор унинг бағрида.

Одам боласи азалдан қаноатсиз, қўнимсиз яратилган. У бориға кўнмайди. Мудом бир нарсаларни топиш илинжида елиб-югуради, тиним билмайди. Лекин аччиқ ҳақиқат шуки, инсон топиш илинжида мутгасил олға интилар экан, кўпинча топганлари - йўқотиш, аксинча, йўқотганлари - топилиқ бўлиб чиқади. Шоир одамлардан излаган маъсумлик, поклик, ҳалоллик, динат каби барча эзгу фазилатлар орқада - болалигида қолиб кетган бўлади аслида. У сезмай ёнидан ўтиб кетган қадриятларни кеч англаганидан изтироб чекади. Болаликка қайтмоқчи бўлади. Зеро, орқага қайтса, йўқотганларининг ўзини топмаса-да, изини топади ва шунга ҳам тилла топган тентакдай хурсанд бўлади. Шунинг учун у болалигини эсга солувчи одамларни ва нарсаларни кўмсайди. Улар - онаси, қишлоғи, болалиги кечган сўқмоқлар, адирлар, сойлар; дарахтлар, бобосидан қолган сандиқ, онасининг арча тарағи... Бу нарсаларнинг азизлиги шундан. Чунончи:



*Онагинам эринмай кўтариб келган тўрвадан
болаларим туршак излар, мен-да эртақларимни.*

Ёки:

*Ёмғир ювган сўқмоқ адоғида кутилмаганда
болалигим изларини топиб оламан саҳар.*

Яна:

*Тутлар улғайибди! Қучоғимга сиғдирмоқ истаб,
ўзим билмай ачомлаб оламан болалигим ҳам.*

Кейинги пайтларда шоирлар ижодида ўқиган китоблари, кўрган кинолари, тинглаган куй-қўшиқлари, томоша қилган суратларининг муаллифи ва қаҳрамонига бағишлаб, улардан олинган таассуротларга асосланиб ёзилган китобий шеърлар кўзиқориндай потраб кетди. Бу қалам аҳлининг ҳаётдан, одамлардан узилиб, китоблар дунёсида, санъат оламида яшаш билан чекланиб қолаётганларидан далолат беради. Барнобекда бундай шеърлар йўқ. Аксинча, шеърятда тафаккур, фалсафанинг нисбати кўпайиб кетаётганига қарама-қарши туйғулар тилини қайта тирилтиришга, туйғулар овозини баланд пардаларга кўтаришга интилади. Шеър бу - руҳ неъматиди, кўнгил озиғи. Шеър йўли - кўнгилдан чиқиб, кўнгилга бориш. Руҳ ва кўнгилга эса туйғу, оҳанг, ҳарорат, муҳаббат орқали таъсир қилиш мумкин. Маълум бўладики, туйғу ва фикр каби шеърда оҳангнинг ҳам ўрни катта. Ахир, инсоннинг-да жисмига жон мусиқа ёрдамида кирган. Бунда ҳикмат бор. Шундай экан, шеърнинг лойи ҳис-туйғуга қорилиб, тафаккур билан пардоз берилиши ва оҳанг воситасида унга жон ато этилиши лозим. Айни жиҳатдан Барнобекнинг шеърлари юракка яқин. Бир майин, дилтортар ва дилўрттар мусиқа бор бу шеърларда. Уларни хотиржам ўқиш мумкин эмас. Бу шеърлардаги ҳарорат, ҳаяжон ўқувчига ҳам юқади:

*Бу оқиом ёғмоқда тақдир ёмғири
сенинг сочларингга, умримга майин.
Саодат нуридан қамашган бағринг
нозиклашиб борар лаҳзалар сайин.*

Барнобекнинг шеърларида дунёни, ҳаётни, одамларни бадиий идрок этиш тамойили устун. Нозик кузатишлар, оҳорли ташбеҳларга таянган ҳолда, туйғулар мўйқаламида чизади уларнинг сувратини. Бадиётнинг кучлилиги - унинг ютуғи. Айни жиҳатдан у моҳир мусаввирга ҳам ўхшаб кетади: туйғулар, ҳолатлар, манзаралар сувратини нафис сўзлар, гўзал ташбеҳлар билан шундоққина кўзингиз ўнгида жонлантиради. Хусусан, унинг "Дашт кечаси" "Қизилқум" шеърлари диққатга сазовор. Ёхуд "Кўклам нақорати" шеърда шундай манзаралар тасвирга дуч келаемиз:

*Елларни алқамоқ мавриди келмиш:
яшил майсаларга бурканган қирлар:
сийнасига шира тўлган даштларда
шувоқлар ҳазин бир куйни шивирлар.*

*Елларни алқамоқ мавриди келмиш:
тошбақаларнинг-да ёриган кўзи,
осмонга қарайди кўзлар жовдираб,
олисга тикилар бўйини чўзиб.*

*Елларни алқамоқ мавриди келмиш:
айқириб оқажоқ шернаъра сойлар
ўшшайган тоғлардан қочарлар нари
соғинган кенгликлар йўлини пойлаб.*

Шоир бирор нарсани яланғоч, қуруқ номи билан атамайди. Албатта, уларнинг хусусиятини кўрсатувчи бир сифат билан бирга тилга олади. Чунончи, куйчи сойлар,

хушхон қамишлар, шернаъра сойлар, ўшшайган тоғлар, лаққи майналар, мастура куртаклар, ҳотамтой тупроқ, денгизсиймо кунлар, нофармон тунлар, телба соғинч, ташнакўз кўён.

Тўшамда бадиий кашфиёт даражасидаги ажойиб ташбеҳлар, ўзига хос шоирона кузатишлар кўп. Улар ўзининг табиийлиги, мантиқий мукамаллиги билан диққатни тортади. Чунончи:

*Кўзлар шуъласидан ёрилар гўнча.
ҳовли чеккасида, итнинг пойида
чопилган илондек ётибди занжир.*

Бу жиҳатдан "Кундалик ва тундалик" туркуми диққатга сазовор. Туркум асосан шоирнинг ҳаётни, табиатни, одамларни ўзига хос кузатиши натижасида туғилган фикрларнинг бадиий, образли ифодаси, туйғу-кечинмаларнинг оний сувратидан иборат қатраларни ўз ичига олган бўлиб, мароқ билан ўқилади:

*Тут этагини, юлдузларни қоқиб бераман,
Сездингми, саҳродан денгиз иси келмоқда.*

*Сукунат. Қари ўрик шохларида мудроқ товуқлар
танасида этилаётган тухумлар сасин илгар қулоқ ҳам.*

Тўшамдан Барнобекнинг элликка яқин тўртлиги ўрин олган. Улар туйғу ва фикрнинг ажиб бир тарздаги уйғунлиги, фалсафий мазмуннинг қуюқлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда, уларда салафлардан таъсирланиш излари бирмунча бўртиб кўринишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунончи, бу шеърларда Хайём ва Бедил рубойларнинг, А.Орипов тўртликларининг таъсири сезилиб туради. Миртемирона оҳанглар ҳам кузатилади. Таъсир аслида уч босқичдан иборат бўлади: дастлаб тақлидга ўхшаб кетади, кейин унинг излари асарнинг қатқатидан сезилиб туради ва, ниҳоят, ўзига хослик устунлик қилиб, таъсир унга сингиб, йўқ бўлиб кетади. Буёни энди шоирнинг ўзлиги. Шу маънода, қуйидаги тўртликлар устозлар тажрибасини ўзлаштириш натижасида яратилган ўзига хос асарлар бўлиб, уларда таъсир қирралари ялт этиб кўзга ташланмагани ҳолда, шоирнинг ўзига хослиги мана мен деб турибди:

*Бу оламнинг таъбиридир алағда тушча,
Зако билан кўнгил аро дарбадар хушча.
Умид билан вужудимдан ин берсам ҳамки,
Самоларнинг равоғини кўзлар ул қушча.*

*Сен - Момо ҳаво авлоди, анвойи рухсор,
Чехранда тақдир гулининг гўнчалари бор.
Шу тупроққа изларингдан келибмиз, шояд,
Аслий юртга олиб кетгунг ўзинг-да такрор.*

Шу тариқа, тўшамнинг ютуқлари хусусида яна кўп гапириш мумкин. Лекин унинг қусурлари ҳам кам эмас. Кўзга яққол ташланадиган дастлабки нуқсон шуки, мажмуадан ўрин олган шеърлар бир хил оҳанг ва услубда яратилганлигидан бир нафасда ёзилгандай таассурот қолдиради. Хусусан, "Кўнгил иқлими" фаслидаги кўпгина шеърлар шакл, мазмун, оҳанг, руҳий ҳолатнинг ўзaro яқин ва мушгарақлиги жиҳатидан бир-бирининг давомига ўхшаб кетади. Барнобек мазкур китоби орқали йигирма йиллик ижоди маҳсулини эмас, кейинги йилларда яратган маълум бир даврдаги шеърларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этган кўринади. Бир хил сўз ва ибораларнинг кўп такрорланиши ҳам шоир муайян бир даврдаги шеърларини йиғиб, тўшамга киритганидан далолат беради. Ҳолбуки, бу тўшам унинг йигирма йиллик ижоди намуналаридан танлаб олинган гулдаста бўлиши керак эди.

Бундай бирхиллик, яқрангликнинг икки сабаби бўлади: бири - дунёни унутиб, бош кўтармай нуқул шеър ёзиш; иккинчиси - ижод столига жиддий ўтирмаслик.

Илҳом келганида тўғри келган қоғозга шеър ёзиб кета-верамиз. Барнобекдаги бу қусурни мазкур сабабларнинг иккинчиси билан изоҳлаш мумкин. Ижодга бундай но-жиддий муносабати ҳақида шоирнинг ўзи шундай ёз-ди:

*Йигирма йил... шеър ёзаман. Қисматим тотли,
Момом қутлар, қизим тинглар, эл ўқир баъзан.
Фариштани билмасдирман мен илҳом отлиқ,
лек, тасаввур, тафаккурдан қиламан мазза.*

Ҳар қандай шеър машаққатли меҳнатни, қайта-қай-та ишлов беришни, ҳар бир сўз устида заргардай тер тўкишни талаб этади. Шеър билан юзма-юз қолганда ҳар қандай буюк сўз устасининг ҳам бошловчи қаламкаш-дан фарқи йўқ. Шеър устида ишлаш борасида устоз бил-лан шогирднинг мақоми тенг. Барнобек етарли тажриба тўплаб, етилган шоир сифатида шеърятга кириб кел-ганига қарамай, унинг китобида ҳам қиёмига етмаган шеърлар, сайқалталаб банд ва мисралар, ғализ ва мавҳ-ум иборалар, ўз ўрнини топмаган сўзлар бор. Чунончи, “Оёғим остида қарсиллайди муз”, “Таскин мурувватин, ажаб, қизганар сендан”, “Кўнгилнинг эси пасайиб қол-гандек анча”, “Қанотларим борин пайқаб қоламан гоҳи”, “Висолинг кутарман дамлар, кўклар, йўлимдан”, “Инжа хаёллардан тутинг-а дариг”, “Яратган қисматим яратмиш чигал” мисралари билан бошланадиган акса-рият катта-катта, узун-узун шеърларни мутолаа қилар экансиз, гоҳ фикрлар ниҳоясига етмагандай туюлса, гоҳ маъно-мазмун мавҳум, гоҳ мақсад тушунарсиздай таас-сурот пайдо бўлади. Шоирнинг ўзини ўрик дарахти бил-лан қиёслаб ёзган гўзал бир шеъри бор. Лекин шеър-нинг бошида келган икки банд ўзининг мавҳум ва ғализ-лиги билан шеърнинг гўзаллигига соя солиб турибди. Шу икки бандни олиб ташласа, шеър қайтанга мукам-маллик касб этади. Ёки бир қарашда илиқ таассурот қол-дирадиган “Муҳаббат оқшоми” шеърда баҳор ва куз манзаралари аралашиб кетганки, бу ундаги руҳий ҳолат тасвирига зид.

Баъзи сўзларни ҳаддан зиёд кўп ишлатиш - суистеъ-мол қилиш мавжуд. Ойдин, ойдинлик, шуъла, ёғду, хушбўй, хушҳол, хушнуд, жизғанақ, шувоқ, қари, ар-доқ, алағда, мантиқ, қитмир, тотли, ширин, кечмиш, хотира, кутку, туйқус каби сўзлар шулар жумласидан-дир. Чунончи, “қари” сўзи тут, тол, шох, боғ, шамол, ўрик, қарға... нинг сифати бўлиб шунақанги кўп такрор-ланадики, бу ҳол ўқувчига эриш туюлади. “Ардоқ” ва “мантиқ” сўзлари эса кўпинча ўз ўрнига тушмаган. Баъ-зи сўз ва иборалар кишига сингмайди: хушқад бошла-на, теварак ширин, хушюз нидо, умид асаби, зилтиш тутқун.

Шоир кўнглини излаб - ўзлигини ахтариб сафарга чиққан йўлчига ўхшайди. Шеърлари -мазкур узоқ ва машаққатли сафар давомида топганлари қувончию йўқотганлари аламининг назмий ифодаси. Бу шеърлар минглаб, миллионлаб юракларга йўл топиб, қалблар пештоқига қалдирғочдай ин қуриб яшай бошлайдилар ва дилларга излаш, интилиш ишқинию шавқини солиб, уларни кўнгли сафарига чорлайдилар. Чинакам шеър худди шундай бўлади. Ҳақиқий шоир худди шундай шеър ёзади. Барнобек Эшпўлатов сиймосида шеърятимизга худди шундай шеърлар яратишга қодир гўзал ва бетак-рор шоир кириб келди. Яхши бир шоирнинг, адибнинг туғилиши адабиёт учун ҳамиша байрам бўлиб келган. Шу маънода, ўзбек шеърятини яна бир истеъдод билан қутлашга ҳақлимиз.

Эргаш ОЧИЛ



Раъно ШАРАФИЕВА



СЕНГА, СЕН ҲАҚИНГДА

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Сенинг нигоҳингда зулмат ёғдуси.
Ҳолбуки, недандир шабистон кўнгли
Қат-қатида пинҳон армон куткуси.

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Сени учратдим, йитди ҳаловат.
Ҳисларим жиловлаш истайди ақлим,
Юрак эса сени, сени дер фақат.

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Ўсиб бораётир дилда мубҳам ғам.
Мен сени унутмоқ истайман буткул,
Умрим кечсин дейман сокин, хотиржам.

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Ожиз иродам ҳам чекинар нолон.
Сендан кечолмайман бари бир, жоним,
Қисматимга бўйин эгаман шу он.

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Дунёга келганмиз, кетармиз, шаксиз.
Тириклик сеҳрли, жозиб ва сирли
То дилда бор экан севги деган ҳис.

Ҳаёт асли нима? Кундуз билан тун.
Сени унутмоққа қудратим етмас.
Мен фақат яшайман, жоним, сен учун,
Бир лаҳза бўлса ҳам меникисан, бас...


* * *

Мен узоқ истадим кўнгли қўймоқни,
Оташ муҳаббатни кутдим саргайиб.
Мен ишқдан, ақлдан озмоқ истадим...
Ниҳоят, ниҳоят бариси насиб!

Биз икков ахийри учрашдик, жоним,
Ўтиб кетса ҳамки не фурсат, не вақт.
Илло, топилмагай рўйи заминда
Мендан ўзга сенга беролгувчи бахт.

Энди биз икковга абадий васл,
Энди алвидолар бизга бегона.
Мендан кўзларингни узма, азизим,
Мен сенинг бахтингман, бу менман, мана...

Тошкент



Дурношиша

СҮНГГИ ГУЛНИНГ МАЪСУМ ОВОЗИ



Лайлонинг исми бордир
Юрагинг хунобида
Тириклик бир душвордир
Кўзларинг гирдобида.
Не учун кўзга сурмай
Йўлларингнинг гардини,
Асраб келдинг оятдай
Беғубор ишқ дардини,
Латиф лутфинг дуодир,
Исми Аъзам битилган
Қароғинг не балодир,
Ҳасрат ошно этилган,
Кунда бир қиёмат
Руҳсоринг офтобида
Жоним титрар омонат
Кўзларинг гирдобида.
Кўзларинг гирдобида...

Дарахтларга суянса бўлар
Йиғласа бўлади ҳасратинг айтиб.
Ҳеч қачон ҳеч кимга сотмайди улар,
Иссиқ-совуқ пайти, гул хазон пайти.
Турарлар сеҳрли сервиқор
Фалакка айтибми синалар.
Сўзлаганда дардларим илк бор
Дарахтга айланди дунёлар.
Келганда Хазондай бир фасл,
Кетарсан кўзимга бойланиб.
Қароқўз, сен кетсанг муттасил
Қайтарсан дарахтга айланиб.
Дарахтларга суянса бўлар...

Денгизим бир умр саждага келдим
Тенгсизим, тиландим бир умр зиё
Порлоқ дийдорингни Қуёш деб билдим
Сенинг кўзларингга покланар дунё

Бор йўқ омонатим-озорда жоним
Жоним нишон бўлсин, киприк тийфингга
Нигоҳинг-ча чўкмоқ — ёлғиз армоним
Саккиз жаннат жодир қарочўфингга...

Бораркан тобора Қалб қанотланиб,
Кутар ёғдуларга қоришиқ манзил
Жоним, бу маконда бўларми қолиб,
Ўзинг ўзлигингни ангалаган фасл...
Ҳайрат калимасин айтдим нур кўриб,
Бу ёлғон асотир Ҳақиқатида.
Яссавий ҳикматин кўзимга суртиб
Жон бердим Нақшбанд тариқатида

Гул-гиёҳ, майсалар-улуғ бир Ҳикмат,
тириклик ўзи ҳам-илоҳий неъмат,
Менинг анлаганим — ёлғиз ҳақиқат
Дунёни муҳаббат асраб қолади.
Кўнгиллар кўнгилдан сув ичар доим,
Бир тутам ёғдуни бахш эт, Худойим,
Бостириб келса ҳам Қиёмат қойим
Дунёни муҳаббат асраб қолади
Мукаррам бир маъво — Ҳаводан мерос,
Дилафгор Лайлодан, Узродан мерос,
Тоҳир деб жон тиккан Зухродан мерос
Дунёни муҳаббат асраб қолади.
Ўн саккиз минг олам — умри бебақо,
Муҳаббатдан ўзга барчаси фано,
Тангрига ёлвориб айлагум дуо
Дунёни муҳаббат асраб қолади.

Бир даста гул ҳада этдим мен,
Меҳримдан бир нишона билиб.
Учми, тўрт кун дийдорингизга
Тўймагайлар алвон турмулиб,

Сўнг гулдонда сўла бошлагай,
Тақдирдан минг марта рози...
Ҳеч кетмагай қулогингиздан
Сўнгги гулнинг маъсум овози.

Илоҳий, ям-яшил япроқлар ёза,
Гуллатиб юбординг хаёлларимни

Англадинг сеҳрли кўнгилдай тоза
Ҳеч кас англомаган саволларимни

Инсон бўйлолмаган мағфур дилимга
Беҳиштга бергисиз дунёлар тўлди.
Англадим, Бегонна эмассан менга,
Бу фасл, бу дунё меники бўлди.
Шиддатлар экан бу югирик йиллар
Тонлар келтирди илинж тўла сас:
...меникидир сўзлар, кўзлар, кўнгиллар...
Фақат бу саройлар меники эмас.

Биламан ҳар лаҳза турасан сезиб
Рухим ҳузурингга шайланганини.
Ҳаётнинг муқаддас қонунин бузиб,
Исминг ибодатга айланганини.

Қалбимга самовий нур бўлиб элан
Шайнингга дуо ҳам сано айтаман.
Жоним, маконингга порлоқ юз билан,
Ёдуга айланган куним қайтаман.

Йиглайвердим ҳар тонг, ҳар оқшом
Чорлайвердим исмингни айтиб
Ўзлимни унитдим тамом,
Кетгим келди Ўзингга қайтиб.

Ҳаётимга ҳамроҳ бўлди май
Кўникмадим бундай фироққа.
Рухим, сенга талпинди тинмай
Вужудим ҳам илҳақ Тупроққа...

Мен келдим.
Журъатнинг қўлидан тутиб
Тиллатоғ яратди минг йиллик сабрим

Ўзга дунёларнинг борин унутиб
Эшигингни очди сим-сим...
Менга аён офтоб мисоли
Кучоғингда боқий бир тилсим.

Келганимда араздан ҳоли,
Эшигингни очақол сим-сим

Бекасиман сирли саройинг
Муҳаббатинг бошимда гултож.
Менман келар, бош урар жойинг
Сим-сим, сим-сим эшигингни оч.

Сен мени ҳаётга боғлаб турганим
Умрим китобида битилмиш гоё
Бу ёлғон дунёда рост деб билганим
Муқаддас, мукаррам, мунгли ривоя.

Оташин йўлларда қўлимдан тутиб
Яшашга ундаган умидбахш илинж
Ҳар икки оламга бўлмас алишиб
Яримгина бахту яримга севинч.

Тангрига юзма-юз ибодат чоғи,
Қилганим нолалар, оху зоримиз
Кўнгилнинг хазонрез билмагич боғи,
Мангуга ям-яшил навбахоримиз...

Опшоқ гулман, осов тўлқинда
Ўйнаб-ўйнаб оқиб бораман.
Нигоҳларни ҳис қилиб дилдан
Нигоҳингиз ёқиб бораман

Илинж билан энтикманг бекор
Гулим дея қўл чўзманг асло
Кўксингизда кўрмоқ бўлсангиз
Гирдобга айланинг аввало
Гирдобга фақат

Бир жуфт фаришталардай
Имдод тилар қаро кўзларинг.
Кўз илгамас нур-ришталардай
Менга айтолмаган сўзларинг.
Мен бегумон илғаб оламан
Вужудингга сингар нур мисол
Ва ... мангулик ором оламан —
Рухингда нур эмиб кўқарган ниҳол.



Дурпошша (Худойназарова) хоразмлик. Урганч Давлат Университетини тугатган. Айни пайтда урта мактабда ўқитувчилик қилади.

Шеърлари республика матбуотида чоп этилган. «Ёшлик» да биринчи марта чиқиши. Шеърининг «Гирдобдаги гул» («Хоразм» нашриёти) шеърини тўплами чоп этилган.



ЎЗБЕКОНА НАСР УСТАСИ

Инсоннинг бутун ички дунёси унинг кўзларида акс этади. Кўзлар кўнгили ичра саяҳат оламида. Чексизлик аксини ҳис этиш мумкин, инсон кўзларига боқиб...

Тақдир мураккаб шахсларнинг кўзларидан ҳам уларнинг кейинги авлод кишиларига айтмоққа чоғланган сўзлари бўлганлигини ўқиб олиш мумкин. XX аср ўзбек насрининг классиклари қаторидан муносиб ўрин олган Абдулла Қаҳҳор сурагларига боқиб туриб ҳам юқоридагича фикр уммонига ғарқ бўлиш табиий. Адибнинг тийран ва ўта зийрак нигоҳларидан унинг нозиктаблелиги ва теран фикрли ижодкор эканлиги сезилиб туради. Кўпгина замондошлари ҳам ёзувчининг айнан шу хусусиятлари ҳақида кўп тўхталишадди.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиёти ривожига ўзининг кўплаб асарлари билан муносиб ҳисса қўшган адиб. Унинг 30- йилларда ёзган туркум ҳикоялари, кейинги йилларда яратилган қатор қиссалари ва “Сароб” романи ҳали ҳануз дидли ўзбек китобхонининг қўлидан тушмай келмоқда. Негаки, Қаҳҳор бу асарларида замонавий ўзбек ўқувчисига мос ўзбекона наср ярата билган. Афсуски, ҳозирги адабиётимизда бу каби асарлар кам даражададир.

Ёзувчи оддий, шу билан бирга ўта нозик иборалар ила ўз асарларидаги қаҳрамонларни шундай сўзлатадики, ўқувчи персонаж характери айнан шу ибора билан англайди-қўяди. Масалан, “Саъяткор” ҳикоясидаги ва “Нечукдир адабийроқ” бўлган “плуқ-қум-пирр... плуқ-қум-пирр...” тарзидаги хурраги унинг кимлигини яққол кўрсатади. Бундай ўрнакларни Абдулла Қаҳҳор асарларидан кўплаб келтириш мумкин. Ёзувчининг хоҳ ҳикояси бўлсин, хоҳ қиссаси, хоҳ романлари бўлсин ҳаммасида ҳам халқ ҳаёти кечаси ва бугуни тасвирланади. На бир қаҳрамонлар хатги ҳаракатида, на тилида ва на воқеалар ривожига сунъийлик сезилади. Адиб умуман адабиётда сунъийликка йўл қўймаганлигига амин бўламиз.

“Куёш, ҳаво, ер, сув, барча жонивор ва кўкатларга озуқа берганидек, халқ ҳаёти ёзувчига илҳом беради. Ёзувчи қанчалик истеъдодли, унинг қалам туган қўли қанчалик тажрибали бўлса, халқ шунчалик чуқурроқ миннатдор бўлади, унинг ижодини, умуман, адабиётни шунчалик чуқурроқ ҳурмат қилади”, — дейди Абдулла Қаҳҳор. Айнан шу ақидага адибнинг ўзи ҳам бир умр амал қилиб келди.

Ҳаётда руй берган, бераётган воқеалар ёзувчи қалами воситасида бадий асарга кўчади. Фоят табиий, оддий инсон тасвирига, қаҳрамон образига Абдулла Қаҳҳор ҳикоя, қисса ва романларида дуч келамиз. Дуч келамизу, бейхитёр ўз атрофимиздаги мавжуд инсонлар портретини ҳис қиламиз. Ёзувчининг ҳақиқатдан ҳам ўзбек ҳаётини чуқур билганлигини тан олиш лозим бўлади.

Тўғри, ўша даврда яратилган ҳамма асарлар ҳақида ҳам бундай мулоҳаза юритиб бўлмайди.

«Баъзи асарларимизни китобхоннинг таъби унча тортмайди. Бизнинг адабиётимиз Умумиттифоқ адабиёти — буюк адабиётнинг бир қисми бўлгани ҳолга кўпинча асарларимиз Тўйтепадан нарига ўтмайди». Ҳақиқатгүй баҳо эди бу.

Ўз ижодига талабчан ва халқчил ёзувчигина шундай эътироф этиши мумкин. Аммо, Абдулла Қаҳҳорнинг биргина “Синчалак” қиссасидаги Қаландаров ёки Саида образларини олайлик. Ахир айнан шу тахлитдаги инсонлар яшанганлар-ку?! 50-60 йиллар қаҳрамонлари худди шундай “меҳнат фидойилари” ва “шижоатли ёшлар” эди-ку?!

Абдулла Қаҳҳор маҳорати шундаки, халқ тафаккуридаги сермағиз мулоҳазаларни ўз қаҳрамонлари нутқига жойлай олган. Худди шу гап ёки ибора образ портретидagi энг қора нуқталарни ҳам ёритиб туради. Қиссадаги Қаландаров хотини Хуринисони:

“Афлотуннинг қизи бўлсангиз ҳам гапни тонналаб олингу граммлаб сотинг! Гапингиз гапга ўхшамайди, оғзингиз гапдан бўшамайди!..” деб жеркиб ташлайди. Ҳа, бу айнан жеркиш эди: хўш, ақл ўргатаётган хотинига қарши Қаландаровдек раис нима деб жавоб бериши керак эди?!

Халқимизнинг оғир-енгилини маромида билган, айниқса, қишлоқ турмуши, раису колхозчи ҳаёт тарзи ва ўйу фикрларини яхши англаган адиб асарининг қаҳрамонини шундай жавоб берар эди...

Салтиков-Шчедринни айри-айри қилган “саводхонлар”, “тирик кирини тескари ютган” порохўрлар, ўз қизини уриб ўлдирадиган оталар, эшак миясини еган сўфилар, устидан ошириб ўқ узилганда ҳам киприк қоқмаган “ўғрилар”, хурлик эвазига қабристонда, чой қайнатишга ҳам рози келинчаклар, йўлидан “адашган” Саййидлар, ўғрини билолмай бор-будидан айрилган боболар, фарзанди аржумандини кута-кута армонга айланган чолу-кампирлар ҳаммаси халқ вакиллари, яшаб ўтган қаҳрамонлар силсиласидир.

Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда ўз ижодига талабчан ва шу билан бирга ўз истеъдоди меъёрини билолган ёзувчидир. “Психологизм — кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг латиф-зариф томонлари ва гўзаллигига яхши эътибор қилиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш фурсати етди. Бу ёзувчилик маҳоратининг энг муҳим жиҳатидир”, — дейди адиб. Ўз истеъдод меъёрини билган зукко Абдулла Қаҳҳор кишилар ички дунёси, латиф-зариф томонлари ва гўзаллигига ўта синчковлик билан қарайди. Ўз қаҳрамонларини ярата олади, бу эса унинг маҳоратидир.

Ёзувчи XXI асрда яшовчи авлодларга XX аср ўзбек жамиятининг қиёфасини намоён қилади, чунки унинг асарларини чинакам ўзбекона наср намунаси эди. “Адабиёт кўнгили иши, илҳом самараси” эканлигини англаган ўзбек китобхони Абдулла Қаҳҳор асарлари мутолаа қилар экан ёзувчи истеъдодига албатта тан беради. Зероки, сеvimли адабиётимизнинг ўзи орзу қилган асардаги “адабий гўзаллик”нинг насрида ўз аксини кўрсатган.

Адабиётнинг атомдан кучли эканлигини эътироф этган ёзувчи шунга яраша масъулиятини ҳам ҳис қилади. Бу масъулият халқ ва келажак авлод олдида эди. Биз ва келгуси адабиёт ихлосмандлари Абдулла Қаҳҳорни ана шу юксак масъулиятни оқлаганлигига амин бўлган ҳолда “Адабий гўзаллик” ила йўғрилган асарларини ҳали кўп ўқиймиз.

Отабек ЖўРАБОЕВ



ТАРЖИМА МАҲОРАТИ

Жаҳон халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти билан танишишнинг энг мароқли, мақбул ва қулай усулларидан бири чет эл адабиётини ўқиш-ўрганишидир. Ўзбек халқининг маданий ҳаёти, ўзига хос миллий руҳи, урф-одатларини, ютуқларини дунёга намойиш қилиш ҳам ўзбек адабиёти намуналарининг таржимаси ва тақдиротидан бошланади, десак муболага бўлмайди. Зеро, ўзбекларнинг дунё халқлари билан муносабатини мустаҳкамлаш адабий алоқани йўлга қўйишга ҳам бевосита боғлиқ. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар талайгина. Бунга, хусусан, жаҳон тиллари қаторида турк тилига Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг асарлари, А.Ориповнинг шеърлари ўтирилганлигини ва чоп этилганлигини, А.Қодирийнинг «Уткан кунлар», «Меҳробдан чаён», О.Ёкубовнинг «Кўҳна дунё», «Улғубек ҳазинаси», «Адолат манзили» романларини таржима қилинганлигини мисол қилиб кўрсатиш ҳамда ушбу вазиятни катта маданий воқеа сифатида баҳолаш ўринли.

Маълумки, чет тилини билмаганлар учун таржима қилинган асарга биринчи навбатда ёзувчининг ўзига хос мушоҳада услуби, бадийати нуқтан назаридан эмас, таржимоннинг маҳорати воситасида баҳо берилди. Асл матнни мутолаа қилиш имконидан маҳрум китобхонлар асарият ҳолларида тил билмасликлари туфайли таржима нусхасини ўқиш билан қифояланадилар. Башарти таржима аслиятга мазмунан ва услуб жиҳатдан мувофиқ келса, унда муаллифнинг баён услубидаги индивидуаллик сақлаб қолingan бўлса, унинг бадий ифода, сўз қўллашдаги моҳирлиги тўла-тўқис акс этирилган бўлса, хўп-хўп. Мабодо аксинча бўлса-чи? Китобхон тили ғализ, ширасиз, жозибадан бебаҳра, оқибатда мазмунан саяздек кўринган асарни ўқиш мажбуриятда қолади. Устига-устак, асл нусха оид бўлган тил адабиётининг старлича ривожланмаганлиги хусусида нотўғри қаноат ҳосил қилишга олиб келади. Шу боис, асарнинг аслияти ва таржима нусхасини қиёслаш, йўл қўйилган камчилик, нуқсонларни намойиш қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки айти йўналишдаги таҳлил асар тилидаги сакталикларни бартараф этиш, кейинги таржималарда юзага келиши мумкин булган нуқсонларнинг олдини олишга ёрдам беради. Таҳлил талаб шундай асарлардан бири тарзида О.Ёкубовнинг «Адолат манзили» романини кўрсатиш мумкин. (О.Ёкубов. Адолат манзили. -Тошкент: Ғ. Ҳулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996; А.Yakuboglu. Adalet menzili. Çeviren: D.Ahsen Batur. -Istanbul: Otuken, 1996.)

Ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири бўлмиш Одил Ёкубовнинг асарлари аввал ҳам турк тилига таржима қилинган. Адабиётимизнинг машҳур асарлари билан турк китобхонларини таништириш, ўзбек адабиётининг шон-шухратини жаҳонга ёйиш мақсади, нияти таҳсинга лойиқ. Бу йўналишдаги ишларни фақат ва фақат қўллаб қувватлаш зарур. Эндиги ҳал этилиши лозим бўлган масала амалга оширилган таржиманинг савияси ва даражасини таҳлил тадқиқдан ўтказиш ҳамда муносиб баҳолини беришдир.

Буюк немис шоири Гёте ўзининг «Фауст» асарининг Жерар томонидан қилинган таржимасини ўқиганда, шундай фикр билдирган экан: «Немис тилида мен «Фауст»ни ўқигим келмайди, лекин мана бу французча таржима мени ҳамон ҳаяжонга солади ва у соф, янги ва ўткир туюлади». Яъни бадий таржиманинг хислатларидан бири айнан шундаки, муаллиф асар таржима қилинаётган тил вакили бўлганида, худди шундай ёзарди, деган хулоса келиб чиқиши керак. Бинобарин, асар мазмунини унинг ҳосилга мувофиқ тарзда тўғри кўчириш асл нусханинг бадий гўзаллиги ва услуб нафосатини сақлаш машаққатли, оғир меҳ-

натни, асар тилининг нозик маъно жилоларини тўғри фаҳмлашни ҳамда бадий акс этириш учун сўз қўллашга уста бўлишни талаб этади. «Адолат манзили» романининг таржимони ҳам бу борада қатор ютуқларга эришганлигини этироф этиш лозим. Масалан: Бибисора момо хаста оёқларини аранг судраб, меҳмонхонага ўтди (О.Ё., 7) жумласи таржимада қуйидагича берилди: Bibisara mama ayaklarini suruycu suruycu salona gecti (A.Y., 7). Аранг сўзи ўзбек тилида катта қийинчилик билан, зўрға, зўр-базўр маъноларини билдиради. Туркчада бу сўзнинг муқобиллари сифатида guclukle, guc bela, zar zor, zogu zoguna сўзларини ишлатиш мумкин. Бироқ таржимон судрамоқ сўзининг туркча варианти бўлмиш suruycu феълнинг равишдош шаклини такроран қўллаш усулидан фойдаланади ва тўғри йўл тутади. Чунки suruycu suruycu сўз шакли ёзувчи ифодаланган маънони айнан акс этириш билан биз вақтда жумланинг силлиқ, ширалш, таъсирчан чиқишига сабаб бўлган. Асар таржимасининг фазилатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Аммо асосий мақсад бадий таржимасининг таҳлили ва ундаги нуқсонликлар, нуқсонларни аниқлашдан иборат бўлганлиги боис, диққатимизни асар таржимасидаги мужалликларга қаратамиз. Қуйидаги жумлага этибор қилайлик: Бибисора момо ногирон юраги орқасига тортиб телефон ёнидаги курсига ҳолсизгина чўкди (7). Таржимада: Bir eliyle yasli kalbini bastiran Bibisara mama telefon yanindaki sandalyeye cuval gibi yigildi (7). Ногирон сўзи ўзбек тилида жиддий касал ёки жароҳат туфайли ишга яроқсиз бўлиб қолган одамга нисбатан ишлатилади. Бу ўринда эса ногирон сўзи хаста маъносини ифодалаган. Турк тилидаги таржимада эса yasli - кекса, қари сўзи ишлатилган. Натижада таржима нусхасидан янглиш маъно англашилади, ногирон юрак кекса юракка айланади. Қолбуки, турк тилида айнан ногирон сўзи маъносини билдирувчи sakat сўзи бўлиб, бу сўз ўзбек тилидаги ногирон, носоз сўзларига мувофиқ келади. Келтирилган жумланинг кесими ва тарз ҳоли вазифасида қўлланган бирикма - ҳолсизгина чўкди туркчага cuval gibi yigildi, яъни қопдек йиқилди шаклида ўтирилади, пировард-натижада гап маъносиде сакталиқ юзга келади. Чўкмоқ сўзи аслиятда астагина ўтирди маъносини ифодалаган бўлса, туркча таржимасида гурсиллаб тунди (ўтирди) мазмунини ифодаловчи бирикма берилган.

Ёзувчи Бибисорани Ветеранга турмушга чиққан маҳали йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги аёл (20-6.) деб таърифлайди. Шу вақт воқеа-ҳодисаларини акс этириш чоғида муаллиф эрга теккан, ёш, етуқ аёлга нисбатан ишлатилувчи жувон сўзига мурожаат қилади. Туркчада бу сўзнинг айнан бир сўздан иборат муқобили йўқки, шу каби ҳолларда genc kadın - ёш аёл бирикмасидан фойдаланилади. Таржимон эса Бибисорани ўрта ёшли аёл - orta yasli hanım га айлантириб қўяди. Кейинги сафар жувон сўзи ўрнида келин - gelin сўзини келтирадими, асар мазмунинидаги тасвир тафсилотида зиддик юзга келади. Киёсланг: 1. «Маржонтов»га келишдан мақсади... Бибисорага ўхшаган камтаргина ёш жувон учраб қолса, уйланиш экан (10). Mercantav'a gelmek amaciysa Bibisara gibi orta yas hanim bulursa evlenmekmis (10). 2. У (Бибисора) марҳумдай кўхлик бўлма-са-да, ...тоғ келинчакларидан нозиккина ёқимтойгина ёш жувон эди (20). Merhume kadar guzel olmasa da, dag kizlari gibi nazik, ince belli, sempatik gelindi (23). Хусусан, бир томондан, биринчи жумладаги камтаргина сўзи таржимада тушириб қолдирилган бўлса, иккинчидан, кейинги гапда келинчаклар - қизлар, жувон эса келин бўлиб қолган. Аслида келин сўзи ўзбек тилида ҳам, турк тилида ҳам турмушга чиққан ёш аёл маъносини беради, қиз, аксинча, балоғатга етган, аммо ҳали эрга тегмаганларга нисбатан ишлатилади. Жувон эса турмуш қурган, эри бор ёхуд оламдан



ўтган (эри билан ажрашган) аёлларга қарата қўлланилади.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг туркча муқобилини танлаш вақтида ҳаттоликка йўл қўйилган ўринлари кўп учраши афсусланарли ҳол. Мисол учун асл нусхада «Сиз нени биласиз, огажон?» жумласи туркчага «Siz beni bilirsiniz, agacan!» (Сиз мени биласиз, огажон!) шаклида ўтирилади. Нени - нимани сўроқ олмоши ўрнига таржимада beni - мени кишилик олмошини янглиш келтириш оқибатида асл матндаги сўроқ гап туркча нусхада ундов гапга айланган, бу ҳолат эса нутқнинг услубига, матннинг мазмунига салбий таъсир кўрсатган. Ёки: ўзбекчада шиддатли сўзи «ҳаракатдаги нарса-ҳодисаларнинг интенсив куч билан юзага чиқишини» билдиради. Туркчада мазкур сўзнинг муқобили siddetli сўзи саналади. Ўзбек ва турк тилларидаги бу сўзлар аини бир маънони англатади. Таржимада эса ofkeli, яъни газабли, ҳажддор сифати ишлатиладики, жумладаги кучли овоз маъносини билдирувчи бирикма нотўғри таржима қилинади: Ҳатто ҳамон қулоғида жаранглаб турган ўктам, шиддатли овози ҳам тирик Мерганнинг овози... (9) Kulagında cınlayan oktem ve ofkeli sesi bile Mergen'in gerçek sesiydi... (9)

Таржиманинг асосий шартларидан бири икки тилни - асар ёзилган ва асар таржима қилинадиган тилни муқамал билишни тақозо этади. Бинобарин, фақат шу ҳолдагина муаллифнинг ўзига хос мушоҳада услубини, бадий маҳоратини, ўрни билан қўлланган сўзлардан англашилувчи нозик маъноларни фаҳмлаш ҳамда моҳирона тасвирлаш мумкин. Д.А.Батур таржимасида эса нисбатан оддийгина бўлган сўзларни таржима қилишда янглишганини, бунинг орқасида матнда мантқиқсизлик, алоқасизлик келиб чиққанлигини кузатиш мумкин. Ўзбек тилида тўзон сўзи «осмонга кўтарилган майда хас-хуш аралаш чанг» маъносини ифодалаш ҳаммамизга аён. Турк тилида бу ҳодисага нисбатан ишлатилувчи toz сўзи мавжуд. Бироқ таржимада мутаржим «осмонни қошлаб олган ёки гул-гул бўлиб тўшланган сув буғлари» тушунчасини англашувчи булут - bulut сўзини қўллайди ҳамда аини гапни асарда тасвирланган, рўй бераётган воқеага умуман алоқаси бўлмаган, ноўрин ишлатилган далилга айлантиради. Чунки ёзувчи мазкур тасвир воситасида ердан кўтарилган қора чанг-тўзонни фалокатнинг даракчиси, рамзи ўлароқ баҳолайди. Устига-устак, тўзон тўп-тўп бўлиб келаётган оломоннинг қадам ташлашидан ҳосил бўлганлиги маъноси англашилади. Таржимада эса пайдо бўлган булут кейинги рўй берган ҳодисаларга боғлиқ эканлиги сезилмайди: Ахир, шомга яқин Маржонтов томондан бир қора тўзон кўринди (9). Sonunda aksama dogru Mercantav yonunden bir kara bulut peyda olmustu (9).

Мақол, матал, фразеологик иборалар асар тилидаги образлилик, бадийлиқни ифодаловчи, нозик маъноларни чиройли акс эттиришга хизмат қилувчи восита саналади. Асарни таржима қилиш ҳам ушбу ибора, мақоллар маъносини тўғри англаш ва мутаржимдан таржима қилинаётган тилдан мазмунан мутаносиб келувчисини танлай олиш ёки муқобили бўлмаган ҳолларда беҳато таржима қилиш қобилияти, малакаси сўралади. Таржимон «Адолат манзили»нинг туркча вариантыда ҳам ибораларни ўтириш бора-сида ўзининг маҳоратини намойиш қилади. Масалан, ўзбек тилидаги ошиғи олчи бўлмоқ ибораси доим иши ўнгидан келади, муаммосиз ҳал этиладиган кишиларга нисбатан ишлатилади. Турк тилида ушбу иборанинг аини муқобили йўқ, шу тўғриси таржимон мазмунан мувофиқ келувчи ушлагани олтин бўлмоқ - tuttuğu altın olmak иборасига мурожаат қиладики, асл матн туркчага тўғри, аини пайтда ширали таржима қилинади: Худди шу маврида ҳамма ошиғи олчи бўлиб келган Ветерандан омад юз ўтирди... (11) Таржимада: O güne kadar tuttuğu altın olan gaziden sans yuz sevirmis (11). Гапнинг кесими вазифасини бажарган ибора эса ҳар икки гапда ҳам иши юришмай қолди маъносини билдиришга хизмат қилган. Аммо асл нусхадаги фразеологик ибораларни нотўғри таржима қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Масалан, ёзувчи анойи эмас бирикмасидан фойдаланиб, асар қаҳрамонини анча-мунча нарсага ақли етигини, аҳмоқ эмаслигини характерлайди. Туркчада эса мутаржим мутлақо тескариси, яъни geri zekali - ақли заиф бирикмасини қўллайди, натижада тамомияла бошқа маъно келиб чиқади. Ваҳоланки, туркчада айнан шу сўзнинг муқобили spaui - анойи сўзи мавжуд: Лекин Мансур меп анойи

одам эмас... бирда койиса, бирда илондай алдаб-авради (10). Fakat fici Mansur, su geri zekali fici ... allem etmis, kallem etmis, yilan gibalttan girip ustunden cikmis... (11) Ёки: оқ ювиб, оқ тараб катта қилмоқ - фарзандини авайлаб-асраб, қийинчилик кўрсатмасдан вога етказиш маъносини беради. Туркча нусхада бу иборанинг айнан муқобили йўқ. Шу сабабли таржимон маъноси мувофиқ келади деб ҳисоблаб, иборани қуйидаги шаклда таржима қилади: У... ёдгорим - Маржонийни оқ ювиб, оқ тараб катта қилсам..., ...деб ўйлаган эди (10). Туркчада: ...yadigarim Mercanay'i babalik yuzu gogmeden buyutup, ...gitem... diye aklina koynustu (10). Демак, тилга олинган ибора ўрнига ота юзини кўрмай катта қилиш бирикмаси қўлланади. Бироқ ўзбек ва турк тилларидаги мазкур ибора мазмунан биров мувофиқ бўлса-да, тўлиқ монанд келмайди. Чунки фарзандни ота юзини кўрсатмай, аммо хор-зорликда ўстириш мумкин. Ибора таркибидаги оқ сўзи эса айнан ҳеч қимга ва ҳеч нимага зориктирмай вога етказиш маъносини англатади.

Таржима жараёнида асл нусхада тасвирланган аниқ вазият билан ҳисобланган ва бунда ҳар бир қўшимча, ҳар қандай қўлмакчи ҳамда сўзнинг нозик маъно хусусиятларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун асарни чет тилдан таржима қилиш имкон борича гап шакллари ни сақлаб қолиш заруратини туғдиради. Зеро, гапнинг муайян шакли ҳам стилистик восита ҳисобланади. Маълумки, ўзбек тилида маълум бир гап бўлагидан англашилган тушунчани изоҳлаш, шарҳлаш учун кириш бирикма, кириш гаплардан фойдаланилади. Турк тилида ҳам фикр билдиришнинг худди ана шундай шакли бор ва кенг қўлланилади. Бу эса таржима қилинаётган асар тилидаги кириш бирикма ва гапларни шаклан ўзгаришсиз бериш ҳамда тасвир кучини тўлиқ ифодалаш имконини яратади. Масалан, қуйидаги мисолда содда гап таркибида воситали тўдирувчинини изоҳловчи кириш гап берилди: Эртаси бутун Маржонтов Мамат мерганни унинг тулшори билан - улоқни олган Бойчибор камида ўтгиз газ келадиған жардан сакрайман деб бўйни узилган экан! - дафн этишди (9). Таржимада: Ertesi gun butun Mercantav, Memet Mergen'i atıyla birlikte, otuz arsin gelen ucumdan atlarim dedigi ve yikilip kaldigi Baycivar'a defnetmistim (9). Таржимоннинг ҳатоси яққол кўзга ташланиши учун ўзбекчага қайта ўтирамиз: «Эртаси кун бутун Маржонтов Мамад мерганни оти билан ўтгиз аршин келадиған жардан сакрайман деб йиқилиб тушгани Бойчиборга дафн этишди». Демак, аслиятдаги отта тааллуқли бўлган маълумот нотўғри таржима натижасида Мамат мерган ҳалок бўлган жойга оид бўлиб қолган, отнинг номи жой номига сифатида берилган. Натижада дафн этиш ўрни ҳам қабристон эмас, жарлик бўлиб қолган.

Муайян бир асарни чет тилдан бошқа тилга ўтиришга уриниш ўта масъулиятли иш ҳисобланади. Чунки юқори даражада амалга оширилган таржимадан наинки асар моҳияти, унда акс эттирилган фикр-мулоҳазаларни, балки асл нусханинг бутун бадийлигини, муаллифнинг ўзига хос мушоҳада юритиш услубини сақлаш талаб этилади. Бадий асарларнинг таржимаси аввало чет тилни билмаган китобхонларга мўлжалланади. Бу эса ўз навбатида мутаржим зиммасидаги масъулиятни янада орттиради. Чунки муаллиф баён этган гоияни тўла, аниқ бера олиш тажриба, маҳорат ва жиддий меҳнатга таянади. Асарни ҳижжалаб, сўзма-сўз таржима қилиш ҳам тақдим этилган нусха тили, услубиятида ўтириладиган тилнинг бошқа тиликкага ўхшамайдиган хусусиятларини ҳисобга олиш асносида бўлмоғи зарур. Бу, бир томондан, асар тилнинг жозибали чиқишини таъминласа, иккинчи томондан, муаллиф назарда тутган фикрнинг аниқ ифодасини бериш имконини яратади. Шу жиҳатдан қаралганда, «Адолат манзили»нинг туркчага таржима қилиш вазифаси меърига етказиб бажарилган, дейиш қийин. Зеро, юқорида келтирилган далиллар ушбу асар тили устида яна бир тер тўқниш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти
Туркийет кафедраси катта ўқитувчиси
Филология фанлари номзоди

МАЪНАВИЯТ ВА ЭКОЛОГИЯ

Атроф-муҳит мувозанати ва табиат ҳолатидаги мувофиқликлар инсон ҳаётининг маромини белгилайди, албатта. Бироқ “қўнғил экологияси”ни, маънавий таназуллари сира ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Балки энг асосий ва энг муҳими ҳам ўшадир. Негаки, бойлик ортидан қувган, очкўзлик хасталигига мубтало бўлган, фақат ўз нафси ва ҳузур-ҳаловатини ўйлаган кимса ўзига ҳам, бошқаларга ҳам, табиатга нисбатан ҳам бешафқат бўлади. Унинг табиат емирилиши, адои тамом бўлиши билан бир чақалик иши йўқ. У онгсизлик оламидаги инстинктив майл-қучлар даъвати ила иш қўриб, гафлат дунёсида телбаларча тентирайди, холос. Айтмайлик, ҳозирги вақтда ҳар йили минглаб ўсимликлар турлари, юзлаб тирик жонзотларнинг бутунлай қирилиб, йўқолиб бораётгани ҳам одамлар қалбини ларзага сололмайди. Улар ўз таъвишини, ўз турмуши, ҳузур-ҳаловати ҳамда тинчлигини ўйлайди ва бутун фаолиятини ана шу мақсадларга йўналтиради, холос. Инсониятнинг оқибатларини ўйламасдан қилинган баъзи фаолиятлари нималарга боғлиқ? Жамият тараққиётидаги ижтимоий шарт-шароитгами ёки у онгсизлик-моҳиятни тушунмаслик оқибатими? Хусусан, экологик муоммалар инсоннинг маънавий оламига қанчалик дахлдор?

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириши институти ректори, таниқли олим, техника фанлари доктори Абдуваҳоб Икромов ва файласуф Ибодулла Холлиев худди ана шу мавзуда мусоҳаба юритадилар.

АҚЛ ҲУРЛИГИ — МОҲИАТНИ ТУШУНИШ

Ибодулла Холлиев: Тараққиёт жараёни мураккаб вазиятларни юзага келтиради. Онгсизлик ҳам инсонга хосдир. Ҳамма нарсани бирданига билиш — тушунши имкони ҳам йўқ, имконият даражалари чеклидир. Бироқ инсонда билимни ўз вақтида амалиётга тадбиқ этиш имкони мавжуд. Бу имкониятни кўра билмаслик — моҳиятни тушунмасликдир.

Шароит мажбур қилган ҳолдагина инсон муаммо устидан бош қотира бошлайди. Масалан, ҳалигача инсоният ўзида атроф-муҳит, шахс, табиат, онг, фикр, ҳис туйғу, фаолиятнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги назарияга эҳтиёж сезганича йўқ. Қолбуки бунга зарурат бор. Қандай яшаи ҳақида ўйлаш муносабатлар ўлчови бўлолмайди. Онгдаги маҳдудлик имкониятлар ахтариш учун йўл бермайди. Инсон қўнғилнинг қоронғу гўшалари шуур нури ила ёритилмас экан, у ёлгон гоялар, алдовчи ишончлар оғушида яшаб ўтаверади. Ишонч ортидаги муаммони кўрмаслик-ақлнинг гафлат тузоғида банди эканидан далолат.

Ақлга назария йўл кўрсатса, амалиёт сабоқ беради. Оқибатда у олам бағридаги чексиз қудрат элчисига айланади, муаммоларни ҳал этиш имконидан хабар беради. Бунинг учун ақлга чекланиш эмас, кенг маънодаги ҳурлик зарур. Ҳўш, ақл ҳурлиги нима ўзи?

Абдуваҳоб Икромов: Англашсиз ҳурлик йўқ, Англашгани инсонни ўтмишининг анъанавий асоратлари занжирини халқасидан, ҳукуматдан кўркўв ҳиссидан халос эта олади. Ҳокимият жазосидан эмас, қонунга амал қилмасликдан, унга қарши бориндан кўрқиб керак. Ақл ҳурлиги фақат эркин фикрланишдан иборат эмас. Ақл ҳурлиги моҳиятни тушунмоқ, оқибат сабабларини кўра билиш ва унинг муоммеларини ҳал этиш имконияти ҳамдир.

Тўғри, эндиликда ижтимоий тузумда экологик муаммолар ва ахлоқий ҳолатларнинг замонавий, ўзига хос сифатлари ўзига келди. Инсон ўзини юксак ахлоқ соҳибиди

ҳисоблаган ушбу замонда ақл фаолияти натижасида об-ҳаво, атроф-муҳит шароитлари ёмонлашиб, уммонлар ифлосланиб, тупроқ унумдорлигининг тобора пасайиб боришини сайёрамизнинг тадрижий такомилли ва ривожланиши оқибати деб бўлади? Қаровсиз қолган ерлардан асраб-авайланмаган заминдан келажакда катта бойлик, иқтисодий фойда кутиш — ўзини алдаш ёки ақлий заифлик эмасми? “Ҳўш, нима қилмоқ керак”, дерсиз.

И. Х. : Бизнингча, ақл фаолияти натижасида пайдо бўлган мураккаб жараён муаммосини фақат ақл ва у юзага келтирган цивилизация ёхуд тараққиёти имкониятлари ёрдамида ҳал этиш мумкин холос. Ҳозирги замоннинг тараққиёти ва ҳолатидаги асосий зиддиятлар ана шулардан иборат. Гарчанд инсоннинг фаолияти оқибатида юзага келган ижтимоий ва табиий муаммолар бир оз фожевий туюлсада, бироқ уни ишонч ва умидлар туйғуси ҳам сира тарк этмайди. Илло, ақл-ақлий инсон тур сифатида турнинг табиат ва шароитга шунчаки мослашуви таянчигина эмас, у яратини воситаси ҳамдир. Унинг бошқа сифати ҳам бор, бу билиш қуролидир. Эндиликда инсон ақл туфайлигина ҳар қандай хавф-хатарни олдиндан кўра олади ва ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди, энг муҳими, масалани ҳал этишнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топиш заруратини англаб етади.

А. И. : Демак, бундан келиб чиқадики, дастлаб тараққиёт жараёнининг ўзини илмий тадқиқот этиш ва унинг зиддиятлари сабабини тушунмоқ лозим.

Буюк физик олим Нильс Бор атроф-муҳитда кечаётган жараёнларни ҳеч қачон фақат бир тил (яъни бир фанда тўпланган билимлар) билангина тўла тавсифлаб беришнинг имкони йўқ, деган эди. Бу гап ижтимоий, руҳий ҳодисаларга ҳам тегишлидир. Ҳақиқатан, ўрганилаётган ҳодиса-жараёнларнинг хусусиятлари турли фан тавсифи ва талқинларида чуқурроқ ойдинлашиб боради. Ахир, инсоннинг амалий фаолиятидаги энг зарур нарсаси тушунши эмасми? Бу эса ҳар қандай маъна, сабабият ва муаммони турли нуқтага назардан изоҳлаб ўрганишни тақозо этади. Экология ва инсоннинг ҳозирги замон маънавий олами, туйғу кечинма, майллари ҳам бундан мустасно эмас. Уларни бир томонлама ўрганиш, тушунши ва тушунтиришга ҳаракат қилиш-кишини ҳақиқат моҳиятидан йироқлаштиради.

И. Х. : Умуман олганда, тушунши муаммоси абадий муаммолардан биридир. Сабабини билмасдан туриб муаммони ҳал этиб бўлмайди. Сабаб асосида эса моҳият ётади. Демак, тараққиёт муаммоси ва у билан боғлиқ экологик ҳамда ахлоқий-маънавий масалаларни ўрганишда ҳам турлича талқин (интерпретация) ва умумий хулоса ҳаминша муҳимдир. Зеро, бу принцип масалага шахсий нуқтага назардан ёки фақат ташкилот-давлат манфаатларидагина келиб чиқиб эмас, билгачек, моҳиятни англамоқ учун теранроқ, янада кенгроқ ёндашишга олиб келади.

А. И. : Агар инсониятда сайёрамизнинг эркин энергияси ва бошқа табиий захиралардан тўғри ва оқиллона фойдалана олиш қобилияти тўла шаклланмаса, ижтимоий тузилмалар ўртасидаги муаммовий зиддиятларга ҳам яқун бўлмайди. Афтидан, келажакда ҳам шундай бўлади. Шу боис мувофиқлаштириш имкониятларини излаш жараёнидаги зиддиятнинг ҳолат ва принципларни ўрганиш жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида жуда муҳим аҳамият касб этади. Билишнинг худди ана шу соҳасида инсоннинг потенциал қобилияти намоён бўлса ажаб эмас. Зеро, инсон ўз имкониятларидан келиб чиққани ҳолда тараққиётнинг зарурий унсурларини мустақил ва мақсадга йўналтирилган тарзда шакллантира олади.



ТАФАККУР ФАОЛЛИГИ — ЗАРУРАТ

И. Х. : XX аср инсониятида янгича сиёсий дунёқараш ва экологик тафаккур шаклланди. Бу дунё олимларининг табиатни муҳофаза этиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатлирида катта аҳамият касб этмоқда.

Инсоният боши узра икки хавф-хатар зарбаси муаллақ турибди. Бу - ядровий ва экологик ҳалокатлардир. Янгича дунёқараш эса ана шу икки хавф-хатарни инсоният тарихидан бугунлай бартараф этишга йўналтирилган. Бу охири-оқибатда инсониятни ўз ўзини ҳалок этиш муаммосидан халос этиши лозим. Янги тафаккур-дунёқарашнинг фАОл-лиги, кучи ва амалий аҳамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам худди ана шунда кўринади.

Бу янгича ягона дунё қараш, энг аввало, бугунги дунё-нинг орасига нифоқ тушиши мумкин бўлган, зиддиятларга бой, майда бўлақларга бўлинган, ўзаро қарама-қарши тур-ли ижтимоий тизимлар, дунёқараш, этиқод-инсонч, диний ақидалар шакллангани ҳисобга олинса ўта муҳимдир. Зеро айни ҳолда дунёнинг ягона-яхлитлиги тушунилади. Бунда фақат инсониятнинг бир бугунлигига эмас, балки унинг табиат билан бирлиги ва уйғунлиги ҳам эътиборга олинади. Гап инсониятнинг ҳаёт ва мамоти ҳақида кетар экан, де-мак умуминсоний қадриятлар барча-барчасидан устун қўйилмоғи зарур.

А. И. : Бизнинг назаримизда ҳозирги ёшларимиз дунё қарашда терапик йўқдек.

Уларнинг экологик билимлари ҳам бизни унчалик қано-атлантirmайди.

Бошқача айтганда, экологик тафаккур ёшларимиз онгида, илмий дунёқарашда чуқур илдиэ отмоғи керак.

Одамлар ҳозир кундалик таъшишларига кўмилиб қол-ган. Уларнинг экологик муаммолари билан унчалик иши йўқ. Табиатнинг емирилиши, ҳалокатларга дучор бўлаётган-ни ҳақида айрим кишиларгина ўйлайди ҳолос. Бизда одам-лар, ижтимоий тузилмалар, ташкилот ва корхоналарнинг ерга, тупроққа, табиатга бўлган муносабатлари илмий-ама-лий жиҳатдан чуқур ўрганилиб, зарурий хулосалар чиқа-рилмаган.

Бу борада илмий башоратлар, асосий дастурлар ҳам етар-ли эмас. Чунки келажақдаги иқтисодий тараққиёт ва умуман, ўсиш чегараси, тупроқ ва муҳит ҳолатига, табиатнинг заҳиравий имкониятлари, инсоннинг табиат билан муно-сабатлари тарзи, фикрлаш услуби ва ўзаро мулоқот-муо-малаларига боғлиқдир. Булар ҳақида чуқур билимга, ахбор-мълумотга эга бўлмасдан туриб, экологик онгни қарор топтириш ва демак, экологик муаммони ҳал этиш бораси-да тапирмаса ҳам бўлади.

И. Х. : Инсоният учун Ер яккаю-ёлғиз, танҳо, яхлит-дир. Унинг Ердан бошқа таянган нуқтаси йўқ. Шу боис, Ер-сайёра муаммоси, инсон муаммоси, тинчлик ва қуролсиз-ланиш, экологик таназзул, демографик (аҳолининг кўпай-иши), озик овқат, қолақликка барҳам бериш, энергия ва хом ашё, уммонлардан фойдаланиш, космик фазони тин-члик мақсадларида ўзлаштириш каби дунёвий муаммолар ҳамиша олимлар, сиёсий арбоблар ҳамда жамоатчиликнинг диққат марказида турибди. Бироқ бугунги кунда бу борада-ги муаммоларни ҳал этишда олимларимиз дунёвий илмий башорат, дунёвий фарз, дунёвий лойиҳалар ва уларни тай-ёрлаш, яратишда катта ташаббуслар билан чиқаяпти, деб айта олмаимиз. Қолбуки, дунёвий муаммоларнинг барчаси ўзаро алоқадор. Демак, улар, энг аввало, инсониятнинг маънавий муаммосини ҳам белгилаб беради.

МАЪНАВИЙ ОЛАМ ҚОНУНИЯТЛАРИ

А. И. : Дунёвий муаммолар инсоният маънавиятини кем-тиклаштириб қўядими ёки маънавиятдаги нуқсонлар, но-мукамаллик дунёвий муаммоларни келтириб чиқаради-ми?

И. Х. : Бу саволлар ҳали инсониятнинг камол топмаган-нини, унинг ривожланиш босқичида эканини билдиради.

Ҳар қалай, юксак маънавият туғилган муаммоларни ҳал этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Шу боис бизда маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор бери-лаётганлиги бежиз эмас. Айнан шу борада барча соҳа олим-лари катта ташаббуслар билан чиқишлари лозим. Зеро, буюк гоъларини амалга оширишда шахсий субъектив омил аҳами-яти ҳамиша жуда беқийёс бўлган. Шунинг учун ҳам бизнинг тева-рак-агрофимиздаги табиатнинг ҳолати учун юксак масъ-уллиқ ҳисси — ҳозирги замон инсонининг ахлоқий ва ақлий даражасини характерловчи кўрсаткичлардан биридир.

А. И. : Маълумки, тараққиёт такомиллини чеклаб бўлмайд-ди. Бугунги кунда инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёж-лари жуда кўп ва тобора ортиб бормоқда. Ҳар қандай муам-мони, хусусан, экологик масалаларни ҳал этишда ҳам зид-диятлар туғилади. Муаммоларни зиддиятсиз ҳал этишнинг сира иложи борми?

И. Х. : Оламнинг асоси зиддиятдан иборат. Билим — инсоннинг ақлини кўпайтириверади, бироқ, афсуски, ҳами-ша ҳам унинг нуқсон-қусурларини камайтиравермайди. Яратил бузиш, емириш эвазига амалга оширилмаслиги керак. Инсон учун яшаш мазмуни атроф-муҳитни емирмақ эмас, табиатни, оламни ўрганмоқ, билмоқдир. Яшамоқ — фақат нафас олмақ, емоқ эмас, изланиш, камолот сари талпиниш, севиш, дунёни гўзал қилиш демакдир. Яшамоқ — жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун ривожланмоқ, гўзал-ликдан завқланмоқ, ҳайратланмоқ, уни асрамоқ, эъозла-моқ, дегани ҳамдир. Буни англамаган ва билмаган инсон қалбида ҳеч қачон гўзаллик туйғуси бўлмайдди. Ундайлар ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам, табиатга ҳам шифақат қилмайди. Бас, ўз ҳузур-ҳаловати йўлида очкўз ва бешафқат бўлган ўқувли инсонни ақлий инсон сиқиб чиқариши лозим. Мақ-сад сари онгли равишда йўналтирилмаган ва назоратсиз ри-вожланган маданиятнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ-дир.

Агар инсоният ўз эҳтиёжларини маълум даражада чек-ламаса, очкўзлиги ҳаддан ошса, табиат заҳираларидан оқилона фойдаланмаса, теран маънодаги уйғунлик қону-нига амал қилмаса, бир кунги охири вой бўлади.

А. И. : Бу борада бир ривоятни мисол қилиб келтирай-лик. Қадимги афсоналардан бирида ниҳоятда бой-бадавлат бўлишни орзу қилган киши ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг ҳаддан ортиқ очкўзлигини кўриб турган Оллоҳ унга атайин сирли бир фазилат ато этибди. Унинг қўли нимагадир тег-са, бас, у ўша заҳотиёқ олтинга айланиб қоладиган бўлиб-ди. Бундан қувончи ичига сиғмаган ҳалиги кимса, телба-ларча атрофидаги ҳамма нарса томон югуриб, қўлини те-гизиб чиқаверибди. Хуллас, буюмлар, дарахт, гул, қушлар-у ҳайвон, ер, ҳаммаси ўлик олтинга, ялғироқ маъданга ай-ланиб қолибди. У қаёққа қадам тапшамасин, олтинлар жа-ранглаб овоз чиқарибди. Аммо тезда унинг ҳадсиз шодлиги ўз ниҳоясига етибди. Чунки унинг кийимлари совуқ совут-га айланиб қолибди, овқат емоқчи бўлса, олтин ҳарсанг-лар тишларини синдирибди. У бадбахт қайғу-аламдан тел-бага айланиб, очликдан хору зор бўлиб дунёдан кўз юмган экан.

Бундан кўринадики, инсоннинг эҳтиёжи, истаги ниҳо-ятда чексиздир. Лекин унга ортиқча эрк бериб юбориш, муқаррар равишда инсонни ҳалокатга олиб келади. Инсо-ниятни, агар қўйиб берса, бутун оламни ўз шахсий мулки, деб ҳисоблайдиган жоҳил кимсалардан Худонинг ўзи асра-син! Демакки, олам ва Инсонни инсондан, яъни ёмон ким-саю бадиятчилардан асрамоқ ҳам фарздир. Бу маънавий оламнинг энг гўзал қонуниятидир.

И. Х. : Умуман, экология яқин вақтлардагина юзага келган муаммо эмас. Гарчанд “экос” (уй) ва “логос” (фан) сўзларининг бирикмасидан ташкил топган “экология” ис-тилоҳи-атамаси эндиликда матбуотга мустақкам сингиб кетган бўлса-да, радио ва жаҳонда тез-тез тилга олиниб турса-да, назаримизда, экология муаммоси инсоният пай-до бўлганидан буён мавжуддир. Чунки экология жуда тор маънода тириклик, жонзот, унинг аъзолари ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини ёки Инсон ҳамда табиат ўртасидаги ўзаро таъсир масалаларини ўрганибгина қолмайди. Бизнинг-ча, экологияга дахлдор бўлмаган бирор соҳанинг ўзи йўқ.

Экология, энг аввало инсоннинг маънавияти, руҳий дунёси билан чамбарчас боғланган. Инсоннинг турли-туман жисмоний ва руҳий жиҳатдан хасталикларга чалинишидан тортиб, то унинг хулқ-атворидаги ҳар хил иллатлар, айтайлик, гафлат, билимсизлик, жаҳолат, худбинлик, фақат ўз мақсад гоъларини яхши кўриш, очкўзлик, қизганчиқлик ва бошқалар, сўзсиз, инсон маънавияти оламнинг зиддиятли экологиясига бориб тақалади.

А. И. : Иллатлардан холи бўлиш имкониятини кишининг маънавияти белгилаб беради. Зеро, маънавиятсиз экологик муаммони ҳал этиш у ёқда турсин, инсон ҳаётини жаҳаннамга менгаш мумкин. Киши бирор соҳада иқтисодли, моҳир касб эгаси ёки катта раҳбар бўлиши мумкин, лекин бу унинг ҳали маънавий жиҳатдан камол тошгани дегани эмас. Маънавий камолотга тинимсиз меҳнат, руҳий изланиш, покланиш, қийинчилик, изтироб, алам, машаққат, муҳаббат орқали эришилади. Улар кишига сабоқ беради, табиатнинг ўзи ўргатади. Бироқ сабоққа нописандлик, уни тушунмаслик бор. Тайёр камолот, мукамаллик йўқ, бўлмайди ҳам. Атроф-муҳитга тарқаладиган, одамларга таъсир кўрсатадиган салбий қувват манбалари: нафрат, ҳақорат, бадсўзлик, газаб, хўрлаш, тавқи ланат, уруш-жанжал, зиддият ва бошқалар кишининг маънавий жиҳатдан ўта қашшоқлигини билдирмайдими? Агар таъбир жоиз бўлса, табиатнинг турли манбаалардан заҳарланишини инсон онгининг ҳасад, ёмон ният, ёвуз фикр, кўрқув, гумон тушқун кечинмалар таъсирида “ифлосланиши”га ўхшатиш мумкин. Маънавий жиҳатдан юз тубан кетиш эса инсон маънавий оламнинг даҳшатли руҳий-экологик инқирозидир.

ЯНГИЧА ЭКОЛОГИК ФИКРЛАШ ТАРЗИ ЁХУД “ТЕРАН” ЭКОЛОГИЯ

И. Х. : Инсоният цивилизациясини муҳофаза этиш ва ривожлантириш учун биоқатлам ёмонлашиши, унинг қимматли хосса ва сифатларининг йўқолишининг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ва уни сифат жиҳатдан янги ҳолат-ноосферага, яъни инсоннинг оқилона фаолияти соҳасига ўтказиш борасида дунёвий дастурлар зарур.

А. И. : Академик В.И.Вернадский биоқатламнинг сифатий янги, олий ҳолат-ноосфера (ақл қатлами)га ўтишининг муқаррарлиги ҳақидаги гоани илғари сурганди. Ноосфера деганда, у Ернинг биологик қатламини назарда тутган. Олим фикрича, биоқатлам ўз тикланиш механизмининг ижобий сифатий ўзгаришларига қонуний асосда ўтади. Бироқ бу қонуний асосида инсоннинг оқилона фаолияти ётади. Ноосферанинг юзага келиши ишлаб чиқарувчи кўчларнинг стихияли ривожланиши натижаси эмас. Ҳолбуки бундай натижалар биоқатламнинг салбий, деструктив ўзгаришларида яққол намоён бўлади. Биоқатламнинг ижобий ўзгариши экологик ҳолатнинг сайёравий миқёсида яхшиланишида сезилади.

И. Х. : Хўш, бундай ҳол қачон юз беради. Мақсад фақат қисқа муддатларда иқтисодий фойда олишдан иборат бўлмаслиги керак, халқ хўжалиги ва саноат ривожланишининг экологик йўналишларига катта аҳамият берилсагина ижобий силжншлар бўлади.

А. И. : Ноосфера шаклланиши инсониятнинг ҳозирги замон тараққиёти босқичидаги асосий дунёвий масалалардан биридир. Инсон – табиатнинг узвий бир бўлаги. Бу ҳақиқатни англаб этиш – инсонларга унинг аҳамиятини теранроқ тушуномоқ ва табиатнинг буюк бойликларини келажак авлодлар учун тежаб-терган ва асраш учун масъулликни ҳис этишга ёрдам беради. Ватанимиз бойликлари билан шунчаки фахрланиш ёки мақтаниш бу-асло ватанпарварлик эмас, аксинча, уларни келажак авлодлар учун асраш ва кўпайтириш борасидаги саъий ҳаракатлар – ҳақиқий ватанпарварлик кўринишидир.

И. Х. : Бу ва бошқа йўналишлардаги ватанпарварликлар учун мустақкам асос қай тарзда этилади?

А. И. : Ватанпарварлик инсоннинг ижтимоий-маиший манфаати ва ҳақиқатларидан жуда юқори туради. У – Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, руҳ ва Қалб кучидан камол тошган ҳис ва ақдан озиқ олади. Ақли гафлат соясида қолган инсон ватанпарварликни ҳис этолмайди. Бундайлар фақат маиший ҳаловати учун яшаб ўтади, холос. Ватанга бўлган муносабат баҳор ҳавосидек мусаффо бўлиши керак. Фақат муҳаббатгина инсонни гафлатдан қутқаради. Бироқ биз ўз табиатига сохтачилик, ёлгон ва алдовлар сингиб кетган коммунистлар жамияти таъсиридан ҳали бутунлай қутилиб, ҳур фикрликни расм қилиб олганимизча йўқ. Кўрқув, ҳадиксраш, кўнкмалар асоратидан онг ҳали бери озод бўлолмайди. Бунинг учун маънавий замин этилиши зарур. ҳурлик бор жойда эркин фикр алмашилади, билим олинади. Ҳурлик бор жойда ривожланиш, ўсиш, парвоз бор.

И. Х. : Онг – англаш воситаси, онг – сирлар оламнинг қалити, онг инсон учун энг сўнгги чегара. У онгдан нарига ўтишга қодир эмас. Инсон фақат онги ҳолатини ўзгариштиришига қодирдир. Андоза ичида қолган, ҳаддан ташқари ижтимоийлашган, бир хилликдан холос бўлолмаган онгнинг одатдаги ҳолатида инсон қобилияти, унинг ақли, жисмоний имкониятлари ҳаминша чекланиб қолади. Чекланиш эса узоқни кўришга имкон бермайди. Экологик муаммолар ҳам узоқни, фаолият оқибатини кўра билмаслик натижасидир. Экологик муаммолар ҳам инсоннинг муносабатлари ёхуд, маънавий оламидаги номувофиқлик ва но-мукамаллик натижасидир.

А. И. : Экологик тафаккур, бу – кишининг билими, маданияти, тарбияси даражасини белгилайди. Экологик маданияти юксак ҳар бир киши ўзининг касбий ва унга дахлдор бўлмаган фаолиятларида ҳам инсоннинг янада камол толиши, унинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустақамлаш борасида руҳий-ҳиссий, ижтимоий муҳитнинг энг яхши шарт-шароитларини ташкил этиш ва яратиш мақсадига қатъий амал қилиб яшайди.

Янги экологик фикрлаш тарзини шакллантириш ниҳоятда мураккаб ишдир. Бундан бир неча йил муқаддам “табиатни бўйсундириш”, “табиат устидан галаба қилиш” шиорлари остида худбинона ҳаёллар билан давру даврон сурдилар. Табиат устидан ҳеч ким ҳеч қачон галаба қила олмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадилар. Эндиликда бизга шундай таълим-тарбия зарурки, барча келажак авлодларимиз экологик ахлоқийлик фалсафасини тамомла ўзлаштириб олсинлар.

И. Х. : Тўғриси айтганда, бизда янги экологик фалсафа йўқ. ҳозирги вақтда Амрико ва бошқа мамлакатларда “теран экология” деган атам мавжуд. Теран экологияга мувофиқ инсонни Ердаги ҳаётнинг бошқа тур шакллари билан қиёслаб, кишилар онгини ўзгартириш ва охири оқибатда сайёрамиздаги экологик вазиятни яхшилаш мумкин.

А. И. : Она сайёра тақдир ва ҳар бир инсонун жонзотнинг тақдир ўзаро боғлиқдир. Ер – ягона узв. Унинг бирор жойидаги хасталик – экологик танг аҳвол сайёранинг умумий ҳолатига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ҳеч ким, ҳеч қайси жонзот ер-табиатсиз яшай олмайди, томирларимиз табиат билан туташган. Сайёрамизда содир бўлаётган ҳодиса-жараёнларни ўз ҳаётимизда юз бераётгандек тушунишимиз лозим.

И. Х. : Бу гапга бир мисол келтириб ўтайлик. Машҳур эколог олим Арне Наэсс ўз ҳис-кечинмаларини шундай тавсифлаб беради. “У шундоққина кўз олдимда жон берарди. Бояқшнинг жон талвасида титрашини кузатиб, юрагим увишиб кетди. Мен унинг азоб ва изтиробларини кўриб турдим. Уни сақлаб қолишининг иложи бўлмайди. У менин қўлимда жон берди. Мен даҳшатга тушдим...”

У кўз ўнгидан жон берган ҳашарот ўрнига ўзини қўйиб кўради. Уни ўзи билан таққослайди. Бу ҳодиса уни бефарқ қолдирмайди. Ўзини бошқа жонзотларга таққосламасдан туриб, инсон ҳеч қандай шафқат ва ҳамкорлик тўғрисида ўйлай олмайди.





ФУРҚАТ НЕГА ФУРҚАТ?

I

Шу пайтгача фурқатшуносликда яратилган деярли барча тадқиқотларда шоир тахаллуси бир хил - Ватандан айрилиқ маъносида изоҳланган. Бу - тўғри. Лекин, мазкур тадқиқотларда шоир она-юртдан йироқда яшашга мажбур бўлганлиги учун ушбу тахаллусни танлагани таъкидланади. Яъни, тахаллуснинг фақат биригина маъносига алоҳида урғу берилади. Савол туғилади: ахир Фурқат Ватанда эканлигидаёқ мазкур тахаллусни танлаган эди-ку, бунинг бошқа сабаблари йўқми-кан? Шоир, мутахассислар томонидан "Фурқатнома", "Саргузаштнома", "Аҳволот" каби турлича номланиб келаётган мемуар асариди шундай ёзади: "Жаноби асолатдастгоҳ Шарифхўжа эшонким, Тошканд вилоятининг аълам ул-уламосидурлар ва нечанд йил қазо маснадида жулус этмишларини ўзга мамлакатларга ҳам маълум ва машҳурлар, ул шариф ул-вуждунинг суҳбати файзбахшларига мушарраф ўлуб, насойихи пурфавондлари дурри лаолийсидин кўнглум ҳуққаси мамлу бўлди... Чун табъимда шеърдин асар кўруб, ҳатто бир-икки ғазал манзурлари ўлуб, тахаллусимдин бирмунча сўз ароға тушиди. Фурқат иборатким, маънисини жудолиғдур, хосият боисидин марғуб кўрунмоғини. Бу аснода дигар тахаллус илтимос айладим, эрса, "қоф" бори гаронини Фурқат белидан олиб, хурмат юзидин ҳарфи "қо" дохил айлаб, Фарҳатга таъдил қилдилар. Фақир бу тахаллусини ҳумоюн кўруб, фол қилдим. Алҳамдулиллаҳким, муборак нагжалар ҳосил бўлди. Баъдазон бу лақаб тоза ва жадид абётлар билан иштиҳор тошти".

Демак, Фурқат Тошкентга келганидан кейин маърифатпарвар дўсти, "Тошканд вилоятининг аълам ул-уламоси" Шарифхўжа қози тақлифи билан тахаллусини ўзгартирганини таъкидламоқда. Шоирнинг Фарҳат тахаллуси билан ёзган айрим шеърлари аниқланган бўлса-да, шундан кейин ҳам асосан Фурқат тахаллусини қўллади. Хўш, шоирнинг ўз тахаллусига бунчалик садоқатини қандай изоҳлаш мумкин? Нима учун у она-юртда яшаётган пайтгачаёқ, дастлабки шеърлариданоқ Фурқат тахаллусини танлади? Бунинг бош сабаби нимада?

Бизнингча, масаланинг илдизини шоирнинг эътиқодидан, дунёқарашидан ахтариш зарур. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фурқат тариқат аҳлидан бўлган. Саккиз ёшидан Фариқиддин Аторнинг "Мантиқ ут-тайр"ни мутолаа қилган, тасаввуф таълимотининг инсон камолот

тида туган муҳим аҳамиятини болалигиданоқ теран англаган, қалбдан ҳис этган. "Аҳволот"да шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: "...вақтим хомаси ҳаётим юзидан саккиз рақамни чекти, зехним тайри "Мантиқ ут-тайр" китобига нотик бўлди. Олти ой болулар уруб қушлар ҳикоятини хотима ошёнасига қўндурдум". Эътибор беринг: шунчаки мутолаа қилган эмас, "олти ой қушлар билан болулар урган". Ҳазрат Навоийнинг болалигиданоқ "Мантиқ ут-тайр"ни ёд олганлигини эсланг. Фурқат кейинчалик тасаввуф илмига оид "Аввали ҳол - аввали илм", "Мағлаъ ул-анвор" каби рисоаларни ўқийди. Қодирия тариқатидаги пири комилга қўл бериб, амалда тасаввуф ҳаётини яшайди. Маънавий камолотга интилади.

Илоҳо, ташлама Фурқатни ўтга,
Муриди ҳазрати Жийлон,
қулунигман.

Мазкур байт Фурқатнинг қодирия тариқатининг асосчиси, тасаввуф илмида улкан мактаб яратган Шайх Абдулқодир Жийлоний таълимоти асосида ҳаёт кечирганлигига далилдир.

Маълумки, тасаввуф таълимоти бўйича, инсон токи бу фоний дунёда экан, ҳақ таоло висолидан айрилиқда, фироқда яшайди. Аҳли Ҳақлар муроғи - Оллоҳ таолонинг жамолини кўриш. Табиийки, қодирия тариқатининг вакили сифатида Фурқат ҳам худди шу мақсад-муддао билан яшаган. Қуйидаги мисралар ҳам ушбу мулоҳазани исбот этади:

Сиддат чархини меҳри, асолат авжини моҳи,
Шоҳи мулки фано, курсию шамсу ари хиргоҳи,
Етушмас хоки қўйига Суқандар ҳашмати, жоҳи,
Тариқат мулкини шоҳи, ҳақиқат сиррин огоҳи,
Ҳшандоқ пири комил хонадонидин адашганман.

Бизнингча, Фурқат "тариқат мулкини шоҳи, ҳақиқат сиррин огоҳи" деганда "Ғавс

حەشшоур қор бик хەلق шаъри бурқат

نىڭ جەسىدى بو تگەپ دەفن قىلىندى

بۇ سىنتەمىر تۇمىن تەنتەنە
كەندە بە كەن شەھرىنىڭ تەب
شەپكى ئۆزى بە كىلەر زور كەنە
لەشبا ئۇيغۇر خەلقىنىڭ جا
نەچىن بوستى، مەشھۇر ئۆز
بەك خەلق شائىرى مەرموم
زاكىر جان خالىمۇ مەسەن ئوغ
لى بۇرقەتنىڭ جەسىدى بو
رۇتقى ئورنىدىن يوقكەنە كە
ئىسى دەفن قىلىندى. دەفن
قىلىش مۇراسىمىغا ئامبىلىك
پارتىيە خەلق كومىتېتىدە
نىڭ مەسئۇلىرى ۋە ئىدارە
جەمئىيەت خەلق تەشكىلاتى
رىنىڭ كادرلىرى ۋە مەسئۇل
مەسئۇلىرىدىن بولۇپ 1000
دەن ئىگەتلىك كىشى قاتناشتى.
مەرمومنىڭ جەسىدى قېش
دا سو ئېقى تۇرۇدىغان مەر
شىل داۋى. دەرەختلەر ئۈستى
رۇنلىكەن مەنزىرىنىڭ
بىر جەھەتتە ئالەمە ئۈستىسى
كەشى، ئەتراپىغا گۈللەرنى
ئويۇپ ياسىتىلغان كەسكە
گۈمبەزلىك ئەمەتكە قويۇل
ماتىدىن كىيىن، بىر كالا، 35
چارەك گۈرۈچ سېلىپ نەز
ارمۇ بولمىدى.

ни бартараф этади.

Кўришиб турибдики, Фурқат тахаллуси худди шундай эътиқод, дунёқарашдан келиб чиқиб танланган ва ҳақ васлидан айрилиқ маъносини ифодалайди. "Адашганман" мухаммасининг сўнгги банди ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

*Қадимни ҳам кўронлар ишқ бори меҳнати дерлар,
Танимда нотавонлиғ боиси ҳам касрати дерлар,
Қаёнда бўлса бир гурбатқашиди улфати дерлар,
Замон аҳли тахаллус'бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдурки ошуби замонидин адашганман.*

Ишқ меҳнатидин қадди ҳам, вужуди ададсиз гам ("гам касрати")дан нотавон, улфати ғариблар бўлганлиги боис замон аҳли шоирни Фурқат тахаллуси билан атайди. Шоир мухаммасидаги ушбу мисралар моҳияти ҳам унинг тахаллуси қай асосда танланганлигига ёрқин ишорadır.

II

"Ун тоифа одамнинг жасади ерда чиримас. Аввал - пайғамбарларнинг жасадлари. Иккинчи - шаҳидларнинг жасадлари. Учинчи - уламоларнинг жасадлари. Тўртинчи - ғозийларнинг жасадлари. Бешинчи - ҳофизи каломуллоҳларнинг жасадлари. Олтинчи - муаззинларнинг жасадлари. Еттинчи - одил подшоҳ ва одил қозиларнинг жасадлари. Саккизинчи - ни-фосдан хануз пок бўлмай ўлган хотинларнинг жасадлари. Тўққизинчи - зулм билан ўлдирилган кишиларнинг жасадлари. Ўнинчи - жума кун и жума кечаси ўлган мўминларнинг жасадлари".

Бу иқтибос "Хужжат ул-ислом" унвонининг соҳиби Имом Абу ҳомид Муҳаммад Фаззолийнинг "Дақойиқ ул-ахбор" асаридан олинди. Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло азиз қилган бандалар вафотларидан сўнг ҳам Парвардигорнинг иноятидан баҳраманд бўлаверадилар. Куръони каримнинг "Бақара" сураси 154-оятда бу ҳақда шундай марҳамат қилинади: "Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида "Булар ўликлар" демангиз! Йўқ, улар тирикдурлар, лекин сизлар сезмайсизлар".

Бундан бир йилга муқаддам мен айрича ҳурмат қиладиган адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддин "Фурқат ижоди билан шугуланиб юрасиз, унинг валийўлоҳ бўлганлигидан хабардормисиз?" - дея сўраб қолди. Мен шоир ижодида шунга далолат қиладиган жиҳатлар мавжуд эканлигини айтдим. Сайфиддин ака кўп йиллар Шарқий Туркистонда янаган Абдулазиз қори исмли мўътабар киниш унга 1957 йилда Фурқатнинг қабри очилганлиги, шоирнинг жасади шунча муддат давомда қаро ер бағрида ётган бўлишига қарамай, худди кеча қўйилгандек бутун чиққанлиги ҳақида сўзлаб берганлигини айтди. Қаттиқ таъсирландим. Сайфиддин акадан бу мўътабар инсон хузурига олиб боришини ўтгидим. У рози бўлди. Лекин, тақдир тақозоси билан бу зиёрат қарийб бир йилдан кейингина насиб этди.

Биз Абдулазиз қори Маҳмудов ҳонадонидамиз. Юзларидан нур ёғилиб турган 95 ёшли бу мўътабар инсон ўн беш ёшада мураттаб қори бўлган. Араб ва форс тилларини

мукамал билади. Мумтоз адабиётимиз мутолаасидан кўп баҳра тошган. ҳар бир сўзи ҳикмат билан йўғрилган. Бир сўз билан айтганда, чин маънодаги аллома.

- Кўп йиллар Қошғарда яшаганман, - дея ҳикоя қилади Абдулазиз қори, -1936 йили ҳазрат устозим билан ҳаж сафарига отландик. Куз фасли эди. Ёрқентнинг улуклари "Га-врарни тошга урган билан бўлмайд, бу лойғарчиликда йўл юриб қийналасизлар" деб қўймасдан олиб қолишди. Бир киш Ёрқентда қолдик. Бизга шаҳар ўртасидаги мадрасадан жой қилиб беришди. Мадрасанинг орқа томонидаги эшикдан мазористонга чиқилар экан. Қабристон шаҳар марказида бўлиб, тўлиб қолганлиги боис майит қўйилмас экан. Баъзан чиқиб, қабрларни зиёрат қилиб келардим. Қунлардан бирида эскириб, гишглари тушиб кетган сағанага кўзим тушди. Қабрга лавҳа ўрнатилган бўлиб, араб хатида "Мулла Зокиржон Фурқат" деб ёзилган экан. Шундан кейин ушбу қабрни тез-тез зиёрат қилиб турдим. Ўша қабристон, ўша манзара ҳозир ҳам кўз олдимда турибди.

Йиллар ўтди. 1958 йилда тақдир тақозоси билан Тошкентга келдим. Лекин ҳар доим Ёрқентдаги ёру дўстлар билан хатлашиб турдик, Абдура-

сул қори деган жуда олим бир кадрдонимиз бўларди. Асли андижонлик, замон зиёлаларининг пейволаридан эди. Акам билан кадрдон дўст бўлишган. У 1958 йили ёзган бир мактубида Шарқий Туркистондаги ахвол тўғрисида маълумот бергач, "Абдулазиз қори ука, - бир ажаб воқеа бўлди. Ёрқентда ўша сиз турган мадраса орқасидаги қабристондан йўл ўтадиган бўлди. Ҳар бир майитнинг эгасига халта беришиб, хокини кўчиришга рухсат беришди. Шунда бу ердаги ўзбеклар шоир Фурқатга бўлган ҳурматимиз боис унинг қабрини бош бўлиб очдик. Парвардигорнинг иноятини қарангки, вафотига қарийб эллик йил

مەشھور زوت بېك خەلق شائىرى بۇرۇن
نىڭ جەسىتى بولمىدى دەپ قېلىندى

مەشھور زوت بېك خەلق شائىرى بۇرۇن
نىڭ جەسىتى بولمىدى دەپ قېلىندى

بۇلغان بۇ улۇغ зот қандай қўйилган бўлса, шу ҳолда ётар, унинг муборак вужуди қаро ер бағрида чиримаган эди. Бу воқеага шохид бўлганлар ҳолатини сўз билан ифодалаш қийин... Уламоларнинг фатвоси билан шоирнинг жасади қайта қафанлиб, катта жомеда иккинчи жаноза ўқилиб, қайта дафн этилди", - деб ёзди.

1962 йили, йўл очилгандан кейин, Абдурасул қори Ўзбекистонга келди. Бизнинг уйимизда бир неча кун меҳмон бўлди. Мен унга: "Қори ака, шоир Фурқатнинг жасади қабрдан бутун чиққанлиги ҳақида ёзган эдингиз. Шу воқеани сўзлаб берсангиз" - десам, у киши ўз оғизлари билан ҳам гапириб бердилар. "Мен ўзим буюна шохидман, шоир Фурқат ҳақиқатан Худонинг назари тушган азизлардан экан" - деди Абдурасул қори.

Бутун вужудимиз қулוקқа айланиб муҳтарам Абдулазиз қорининг сўзларини тинглаймиз. "Мен Ёрқентда Фурқат алай-ҳир-раҳманнинг қабрини зиёрат қилганимда, - ҳикоясида давом этади у, - ўзим гувоҳ бўлганамки, бу мазористон ило-ну чаён, қургу қумурқаларга тўла эди. Худойи таоло ўзи азиз қилган бандасининг пок вужудини асрайман деса, бу жони-ворларнинг ҳам кўзини кўр қилиб қўяр экан. Абдурасул қори ака бу ҳақиқатни ҳам мактублари билан, ҳам ўз оғизлари билан тасдиқладилар".

- Кечирасиз, мабодо ўша хат сақланиб қолмаганми? - сўрайман умидворлик билан.

- Афсус, ўша вақтда бу мактубни сақлашга жиддий эътибор бермаган эканман, - жавоб беради оқсоқол хўрсиниб. Унинг товушларида титроқ сезаман. Парвардигорнинг бу улуг мўъжизаси ҳақида сўзлар экан, қалбдан йиғлаётгани сезилади. Кўзларида ёш ҳалқаланани...

1958 йил 18 августда "Гулхан" журнали таҳририятига Ёркент вилояти халқ комитетидан мактуб келади. Унда шундай ёзилган эди: "Шоир (яъни Фурқат - Н.А.Х.) 1909 йил куз фаслида 51 ёшида вилоятимизда томоқ оғриғи касали билан вафот этган. Уни эски шаҳардаги Донгдор деган маҳаллада бўлган Ўзбек Қардошлар қабристонига дафн қилган эканлар. Кейинчалик бу ер номувофиқ бўлиб, **жасадини** кўчиришга тўғри келди. Қайтадан дафн комиссияси уюштирилди. Шаҳарнинг шимол тарафида (дарвоза ташқарисида) баҳаво, яхши жойга чиройли гумбаз ясаб, **жасадини** кўчирдик". ("Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар". Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1958, 147-бет).

Мазкур мактубдан олинган ушбу кўчирма шоирнинг жасади ҳақиқатан иккинчи қайта дафн этилганига рад этиб бўлмайдиган ҳужжатдир. Таъкидлаш жоизки, 1958 йилда Шарқий Туркистонда ҳам коммунистик даҳрийлик тузуми ҳукмрон эди. Табиийки, ўша вазиятда шоирнинг жасади бутун чиққанлиги ҳақида ёзиб бўлмас, бу ҳақда сўзлаш даҳрийлик сиёсатида зид эди. Эътибор беринг, хатда шоирнинг хоқини эмас, жасадини кўчирганлик ҳақида сўз юритилмоқда. Шунинг ўзидаёқ унинг муборак вужуди чиримаганлигига ишора мавжуд.

Яқинда бахтли тасодиф туфайли Фурқатнинг қайта дафн этилиш санаси тўғрисида ҳам аниқ далилни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Шарқий Туркистонда уйғур тилида чоп этилган "Қашқар газети"нинг 1957 йил 11 сентябрь сониди Қодир Ёқуб исмли муаллифнинг "Машҳур ўзбек халқ шоири Пурқат*нинг жасади йуткап** дафн қилинди" сарлавҳали мақоласи эълон қилинади. Мақоладан шоирнинг жасади кўчирилган аниқ сана ва бу воқеанинг Ёркент халқида қолдирган таассуроти ҳақида маълумот олиш мумкин.

Жумладан, мақола муаллифи шундай ёзади: "4 сентябрь куни етганда Якан*** шахрининг ташидаги ўзбеклар зортоғлиғида**** уйғур халқининг жонажон дўсти, машҳур ўзбек халқ шоири марҳум Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Пурқатнинг жасади йуткап келиниб, дафн қилинди. Дафн қилиш маросимида ноҳиялик партия, халқ кўмитетларининг масъуллари ва идора, жамият, халқ ташкилотларининг кадрлари ва диний соҳадагилардан бўлб 1000 (минг)дан ортуқ киши қатнашти. Марҳумнинг жасади қишда сув оқиб турадиган ҳар хил дови-дарахтлар ўстурулган хушманзаралик бир жойга алоҳида устуни қоший атропида гуллар ўстуруб ясалган кўк гумбазлик лаҳатга қўйилгондин кейин бир коло***** 15 чорак гуруч сепиб назриму берилди".

Мақолада, шунингдек, Фурқатнинг таржимаи ҳоли, асарларининг мавзу кўлами ва бадиияти хусусида қисқача маълумот берилган. Унинг тарих, физика, химия ва астрономия фанлари билан ҳам шугулланганлиги таъкидланган.

Шунинг баробарида, мақолада "шоир ўз ҳаётида меҳнаткашларнинг пикр (фикр) - туйғуларини эзгувчи золимларга қарата габ-напратларини акс этгуруп халққа танулгон"и қайд этилади. Аёнки, бу сўзлар коммунистик мафкура талаби билан ёзилган.

Эътибор берилса, мақола муаллифи Қодир Ёқуб ҳам Фурқатнинг хоқи эмас, жасади дафн этилганлигини таъкидламоқда. Камина юртимиздаги уйғур миллатига мансуб

зиёлилардан ҳам жасад ва хок тушунчаларини уйғурлар қандай тушунишини сўрадим. Улар бу борада уйғурлар ва бизнинг тушунчаларимиз ўртасида мутлақо фарқ йўқлигини айтдилар.

Табиийки, коммунистик даҳрийлик заҳарли қиличини қайраб турган бир замонда миллатнинг улуг бир шоир жасадининг 48 йилдан кейин ҳам худди ҳозиргина қўйилгандек чиққанлиги ҳақида матбуотда бонг уриш имконсиз эди. Бу коммунистик мафкура илдиизига болта уриш билан баробар эди.

Мазкур мақола яна бир фикрга ойдинлик киритади. Биз "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 2000 йил 1 декабрь сониди берилган "Аҳли ҳақлар ўлмагай ёки шоир Фурқат билан боғлиқ мўъжиза" номли мақоламизда шоирнинг жасади бир кам эллик йилда кўчирилгани ҳақида ёзган эдик. Қодир Ёқуб мақоласидан бу сананинг 49 йил эмас, 48 йил эканлиги маълум бўлади.

Шоир меросида ҳам унинг аҳли ҳақлардан эканлигини далиллайдиган намуналар кўп:

**Жаҳон аҳли ҳама бегонадур роҳи ҳақиқатда
Ўзундин ўзга йўқдур қўл тутарга ошно, ё раб.**

Бундай мисраларни ёзиш учун шоир қалби чин маънода ҳақ таоло муқаббатига ошно бўлиши лозим. Фурқат ана шундай ҳақ ошиқларидан эди. Бинобарин, у одамларни икки тоифага бўлади: аҳли ҳақ ва аҳли дунё.

Шоирнинг фикрича, "сориг олтин касрати", яъни дунё матоҳини кўпайтиришга бўлган интилиш кўнгилни қорайтиради:

**Сориг олтин касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса гўлиб, ўзга савдо тортадур.**

Аҳли дунё - дунё матоҳига кўнгил қўйганлар ўз манфатлари йўлида қар қандай муқаддас туйғуни қурбон қилишлари мумкин. Чунки, дунё сарватига эришмоқ - уларнинг бош муддаолари. Шу боис бундайлардан йироқ бўлмоқ кечар:

**Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин
Ит ялоқи ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.**

Ит - вафо тимсоли. Аҳли дунёдан кўра ит ҳам афзалроқ. Чунки у вафо аҳлидан. Аҳли дунёни шунчалик маломат қилган Фурқат муҳаббат аҳлини улуглайди. Уларга ёр бўлиш саодат калити эканлигини таъкидлайди:

**Бир нафас ҳам бўлмағил бедардларга ҳамнишин,
Қайда бир аҳли муҳаббат бўлса анга ёр бўл.**

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат мана шундай аҳли ҳақ зумрасидан, муҳаббат аҳлидан эди. Ишқ аҳлининг пок вужудлари ҳаракатдан тўхтаса-да, қалбларидидаги муҳаббат алангаси сўнмагай. Шу боис илону чаён, қургу кумурсқалар улар жисмига зиён етказмоқчи бўлса, ишқ оловида куйиб кул бўлғай.

Нақд қилишларича, аҳли ҳақлар тирик пайтларида қиндаги қилич бўлсалар, вафотларидан сўнг қинидан чиққан қилич кабидирлар. Шу боис вафотларидан кейин уларнинг тасарруфлари янада кенгайди. Имом Абу Мансур Мотуридий таъбири билан айтганда, "Авлиёуллоҳларнинг каромати вафотидан сўнг ҳам давом этади". Шоир Фурқатнинг қаро ер бағридаги пок вужуди чиримаганлиги бунинг ёрқин далили. Иншаоллоҳ, ҳақ таолонинг бу мўъжизаси бекилиб қолган қалб кўзларимизни очажак.

**Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари номзоди**

* Мақола муаллифи шоир тахаллусини «П» билан, Пурқат деб ёзади

** Йуткап — кўчириб

*** Якан — Ёркентнинг бошқача номланиши

**** Зортоғлиғ — қабристон

***** Коло — новвос

Фарҳод ШАРАПОВ, Тошкент Молия
Институтини Магистранти.

СОЛИҚ

— ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган янги жамият қуриш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Республикамизда 1991 йилдан бошланган солиқ ислохотлари аста-секинлик билан ҳаётимизга сингиб бормоқда. Яъни бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган корхоналар ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини солиқ тизими орқали белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва бу ҳужжатлар амалиётга муваффақиятли жорий қилинди.

Маълумки, давлатнинг энг муҳим даромад манбаи солиқлардир. Солиқлар бюджетни тўлдириб туришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ҳар қандай давлатда маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳофаза ва ҳуқуқ-тартибот соҳаси бюджет ҳисобидан таъминланади. Бюджетнинг даромад қисми эса асосан солиқлар орқали ҳосил қилинади. Мустақилликни қўлга киритгач, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқди. Барча соҳаларда бўлгани каби, солиқ тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан бюджетни шакллантиришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усуллари ўрнига иқтисодий усуллар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети пул ресурсларининг марказлашган фондлари бўлиб, улар асосан солиқлар ёрдамида жамланади ҳамда давлат томонидан ўз функция ва вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланилади. Бу эса солиқларнинг моҳияти жамиятнинг туб ўзгариши даврида сезиларли даражада ўзгариб боришини кўрсатади. Солиқ тизимининг қурилиши жамият барча ижтимоий қатламларининг манфаатларига мос бўлиб, республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур мувозанат сақланиб туришини таъминлашни кўзда тутаяди. Давлат бюджетининг даромад қисмини энг муҳим умумдавлат халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шакллантириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирги вақтда солиқ тушумлари умумий ҳажмининг 70 фоиздан ортиғи юридик шахслардан ундириладиган солиқларга тўғри келади. Уларнинг энг катта сал-

моғи — 50 фоизгача қисми бевосита солиқларга тўғри келадики, унда фойда солиғининг улуши қарийб 12 фоизни ташкил этади. Солиқларнинг қолган қисми жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларга, турли тўлов ва йиғимларга тўғри келади. Солиқ тушумларининг 28 фоиздан ортиғи акциз солиғига тўғри келади.

Қўшилган қиймат солиғи эса даромадлар таркибида 20,5 фоизни ташкил этади. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида айнан солиқлар иқтисодиётга таъсир ўтказишда асосий воситалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат солиқларининг иқтисодий функцияси орқали халқ хўжалигининг ривожланишини рағбатлантиради. Турли мулкчилик шакллари кўпайиб, иқтисод бозорга мослашиб борар экан, ўзига хос солиқ тизими ҳам шаклланмоқда. Яъни давлат тури-мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолиятига фақат солиқлар орқали таъсир этиши мумкин. Солиқлар даромаднинг бир қисмигагина солиниши ва айни вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулотларни кўпроқ ва сифатлироқ ишлаб чиқаришга рағбатлантириши лозим. Иқтисодни бир томонлама ривожлантириб бўлмайди. Республикаимизда юқори рентабелли тармоқлар билан биргаликда паст рентабелли тармоқлар ҳам мавжуддир. Бозор иқтисоди шароитида бу тармоқлар бозор қонуниятларига, иқтисодий қонунлар таъсирига дош бера олмайди. Бу тармоқлар давлат томонидан молиялаштирилиб турилади. Маблағлар давлат бюджетидан ажратилади. Бу маблағлар солиқ тўловчиларнинг даромадларини қайта тақсимлаб, бюджетга ўтказиш йўли билан ҳосил қилинади. Солиқ ставкасининг шундай даражаси бўладики, бу миқдордан кўтарилиши корхонанинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир этади, иқтисодий ўсиш самарадорлиги пасаяди, бюджет дефицити ошиб боради.

Солиқлар даражасини мумкин даражада пасайтириш, инвестицияни жалб қилиш иқтисодни ривожлантиришга олиб келади. Солиқ имтиёзлари хўжалик тижорат фаолиятининг фаоллашувида ижобий таъсир қилади. Ҳар иккала томон, яъни бюджет ва солиқ тўловчилар манфаатларига мувофиқ келувчи солиқларни ундириб олиш чегарасини ўрнатиш ҳамда имтиёзлардан фақатгина мақсадли йўналишда фойдаланиш ҳисобига иқтисодий ўсишни таъминлаш мумкин. Шу билан бир вақтда бюджет тақчиллиги муаммосини ҳал қилишга эришилади.



С. МОЭМ

ИЖОД АЛАНГАСИ

Ҳикоя

Миссис Форестернинг “Ахиллес ҳайкали” номли илк детектив асари чоп этилганда у 57 ёшни қоралаган, бир қатор асарлари билан кўзга кўриниб қолганди. Авваллари унинг ўзига хос истеъдоди ўқувчилар назарига тушмаган, бу эса унинг китоблари сотилмаслиги сабабли эди. Лекин танқидчилар Форестернинг янги асарини мақтаб кўкларга кўтаришди.

Ижод билан бирга бу аёл сиёсатда ҳам кучини синаш ва ҳатто парламентга чиқиш фикридан ҳам ҳоли эмасди. У ҳар шанба кунги зиёфатида кўпчилик қатнашишини истарди. Базмларга фақат бир киши, яъни эри Алберт Форестернинг ҳуши бўлмасди, холос. Кўпчилик уни зикналик боис зиёфатларга иштиёқи йўқ деб ҳисобларди. Форестер хонимнинг унга қандай турмушга чиққани ҳам жумбоқ эди. Албертнинг марка йиғишга мойиллигини сезган таниш-билишлар унга “Филателист” деб лақаб қўйишганди. Алберт каттагина бойликка эга бизнесмен эди. Ўзи ғамгин, маъжус юрсада, гоҳо ҳудабехуда сўзлаб қолар, эгидан оҳори тўқилган кийимлар тушмасди. Бироқ хотини бунга мутлақо зътибор бермас, аксинча унга меҳрибон, ўрни келганда эрини менсиманларни изза қиларди. Миссис Форестернинг ҳаётини тубдан ўзгартирган воқеа йил охиридаги зиёфатда содир бўлди. Ўша кунги стол атрофида бу аёл барчани оғзига қаратган эди, бутун вужуди билан тинглаётган меҳмонлар фақатгина савол бериш мавруди келгандагина нотикнинг сўзини бўлишарди. Зиёфат қизигандан қизиб борарди. Кутилмаганда шовқин-сурон кўтарилди.

— Нима бўлди, Картер? — деб сўради миссис Форестер оқсоч аёлдан. — Уй қулаб тушмадими мабодо?

— Кечирасиз, хоним, янги ошпаз жомадони билан кирайтиб қоқилиб кетди.

— Янги ошпаз деганинг нимаси?

— Миссис Булфинч бугун ишга чиққани йўқ.

— Жаноб Форестернинг хабари борми? — сўради хоним гўёки бу ишга эри масъулият билан қараши лозимдек.

— Жаноб Форестер чиқиб кетганлар. Мана бу хатни етказишимни айтди, — дея букланган қоғозни узатди оқсоч.

Хат мазмуни миссис Форестер кайфиятини аста-секинлик билан ўзгартира бошлади. Унинг юз ифодасидан Албертдан бутунлай ажралганлигини уқиб олиш мушкул эмасди.

Форестер хоним ўқиб бўлгач, хатни гижимлаганча йиғлаб йоборди:

— Қандай ноҳақлик! Қандай даҳшхат!

— Нима бўлди? Тинчликми? — сўради ҳамкасби жаноб Симмонс.

— Олиб ўқинг, — деди хоним гижимланган қоғозни

узатаркан.

Жаноб Симмонс кўзойнагини тақиб ўқишга киришди: “Азизим, миссис Булфинч ишини ўзгартирганлиги ва усиз ёлғиз қололмаслигим боис бирга кетишга қарор қилдим. Бундай ҳаётдан сабр-косам тўлган. Миссис Булфинчни никоҳ қизиқтирмайди, ажрашишни истасанг, қайтадан оила қилишга қарши эмас. Унинг жойига янги ошпаз ёлладим. У билан тил топишасан деган умиддаман. Биз Кенингтон — роуддаги 41-уйдамиз.

Алберт”

Узоқ давом этган сукунатни жавоб Симмонс бузди:

— Бу нима қилиқ?

— Бу қандай хўрлик! Чидасилмайман, — бақирди Форестер хоним қўллари билан юзини яширганча. Вазиятни тушуниб турган жаноб Симмонс вазминлик билан насихат қилди:

— Агар осуда ҳаётни маъқул кўрсангиз, унинг олдига боришдан ўзга чорангиз йўқ.

— Уни деб мен ошпаз билан уриша олмайман, ахир, — жаҳл билан гапирди Форестер хоним.

— Аслзода аёллари сизга зиён етказмайди. Бироқ бундай аёллар адои тамом қилади сизни, — тушунтиришга ҳаракат қилди Симмонс.

— Бугунги ишни эртага қўймасдан боришингиз керак, — қуллаб-қувватлади меҳмонлардан бири.

— Хўш, бир қарорга келдингизми?

Миссис Форестер бироз ўйланиб турди, қўллари мушт бўлиб тугилди, сўнгра жавоб берди:

— Хону монимдан кечаманми, обрўсиз бўламани, барибир, унинг олдига бормасдан қўймайман.

Миссис Форестер эртасига йўлга чиққанида кун чошгоҳдан ошганди. Жаноб Симмонснинг саёй-ҳаракати зое кетмади, у тез фурсатда манзилни топиб берди. Кўнги-роқ чалингиндан сўнг пешвоз чиққан аёлни у таниган эди.

— Салом, Булфинч. Аҳволларингиз тузукми? — ҳолаҳвол сўради ўзини бардам ва мардона тутган миссис Форестер. — Хўжайинингиз уйдаими?

Бекасини кўриб, гаранг аҳволда туриб қолган Булфинч саломлашгандан кейингина ўзига келиб, меҳмонни ичкарига таклиф қилди:

— Келинг, хоним, кираверинг... Алберт, миссис Форестер келдилар, — хабар берди у кенг хонага бош суқиб.

Форестер хоним уйга кирганда Алберт камин олдида, курсида газета ўқиш билан банд эди.

— Аҳволлар қандай, азизим, — сўрашди у эски қадрдонларча газетани четта иргитиб.

— Афт-ангорингдан чакки эмас, — кўзини узмай хулоса чиқарди жаноб Форестер жавобни ҳам кутмасдан.

— Марҳамат ўтиринг, хоним, — жой кўрсатди Булфинч.

— Мен холи гаплашсак дегандим, Алберт, — дея мақсадини баён қилди меҳмон.

— Бунинг иложи йўқ, — деди Алберт бош чайқаб.

— Начора, унда шундай таплашаверамиз, — розилик билдирди миссис Форестер.

— Хўш, азизим, қулоғим сенда.

Форестер хоним вазминлик билан гап бошлади:

— Алберт, бу одатдаги ҳазилларингдан бири бўлса керак. Уйга қайтсанг дегандим.

— Вақтни бекорга сарфляяпсан. Мени энди ҳеч нарса сен билан яшашга мажбур қила олмайди.

— Мен билан бахтли эмасмидинг? — сўради миссис Форестер юраги қалқиб.

— 33 йил дурустгина яшадик. Маълум маънода сен ўзинга хос эдинг, аммо менга эмас. Сен ижодкорсан, мен эса йўқ.

— Лекин мен ҳар доим иш билан овунмаганман, сени ҳам қизиқтиришга ҳаракат қилганман. Бир зум ҳам эйтиборимдан четда қолмагансан.

— Тўғри. Ҳаётимнинг бир текислигига балки ўзим айбдорман. Бироқ бундай ҳаёт, умуман барчаси жонимга теккан. Мени бир нарса қизиқтиради. Шу меҳмонларингнинг еб-ичишдан бўлак қўлларидан бирор иш келармикан?

— Бу нима деганинг, Алберт? — суҳбатга аралашди Булфинч.

— Булфинч ишдан бўшашимни илтимос қилаяпти, — давом этди Алберт авзойини бузмай. — Ҳамкасбларим билан маслаҳатлашдим. Ҳал қиламиз дейишди. Даромадим 900 паунд бўлса, учаламизга йилига 300 паунддан тушади, — дея ҳисоб-китоб қилди у.

— Бу пулга қанда яшаб бўлади? — сўради лаблари титраган миссис Форестер.

— Сенинг қаламинг бор, — эслатди Форестер мулойимлик билан.

— Китобларим даромад келтирмаётгани аён-ку сенга, — қошларини чимирди аёл.

— Детектив ҳикоялар яратиб кўринг-чи, — таклиф киритди ошпаз аёл тўсатдан. Форестер хоним бехосдан айтилган гапни кулгига олди ва хитоб билан деди:

— Менми? Бу ақлга сигмайди. Бундай ҳикоялар билан одамлар талабини қондириб бўларканми? Ўзи детективга қарамаган инсонман.

— Ёмон фикрмас, — тасдиқлади Алберт.

— Детективлар жону-дилим. Кутубхонада тунги қўйлақда хушдан кетган аёл ҳақидаги сюжетни ўқисам ҳикояни қандай тугатганимни сезмай қоламан, — энтикиб гапирди Булфинч хоним вужудида ажиб бир енгиллик ҳис этиб.

— Мен эса Хайд-паркда тилло соатли жентельманинг ўлик ётишини афзал кўраман. Бундай воқеа жиддий эйтибор уйғотади, — деди Алберт қизишиб.

— У муҳим сирни билган. Қотиллар унга оғзидан гулламаслик шарти билан омон қолдиришни ваъда берганлар.

— У душманларидан қочиб улгурмаган, — лўнда қилиб яқун ясади Форестер хоним.

— Сен яхшигина детективлар яратишинг мумкин,

— далда берди Алберт уни ижодга чорлаб. — Қўлимдан ўтмаган детективлар бўлмаса керак.

— Сенинг-а? — кўзлари чақнаб, ҳайратда сўради Форестер хоним.

— Мана шу нарса миссис Булфинч билан иккимизни боғлади. Ўқиб бўлган китобларни унга бермадим. Бир-бирига ўхшашларини тополмайсан. Солиштирсанг, ўзига хос бўлган фазилатни топасан, — паст, осуда товушда гапирди жаноб Форестер.

— Орамиздаги тафовутни энди англадим, — деди миссис Форестер овози қалтираб ва изтироб билан бош чайқаб. — 30 йилдан буён адабиётдан наноҳ излаган экансан-да.

— Тўғри англабсан. Детектив ҳақида ўйлаб кўр.

Булфинч хоним меҳмонни кузатаркан, ундан таксида кетиш-кетмаслигини сўради.

— Траввайга чиқаман, — жавоб берди хоним.

— Миссис Форестер, сиз жанобдан ҳавотирланманг. Рўзгорни бинойидай эплайман. Ўзингиз биласиз, ойдай ошпазман...

Миссис Форестер оғиз очишга чоғланганда, бекатга трамвай келиб тўхтади ва у чиқиб олди.

Вақтни сўраш учун у ёнига ўтирилди-ю, тилло соатли, салобатли кишига кўзи тушди. Бу Хайд-паркда ўлиб ётган, Алберт тасвирлаган киши эди. У кондуктордан тўхташни илтимос қилди ва тушиб, кичик, қоронғу кўчага кириб кетди. Нима учун? Хайд-паркда тушиш фикри Форестер хонимнинг миясига яшиндек бир куч билан урилди. У Ахиллес ҳайкалидан бироз ўтгач, тўхтади, ҳайкалга разм солди.

Юраги ҳаддан зиёд тез урарди.

Эдгар Аллан По детективлари мана шу тариқа дунёга келгандир.

Уйга келгач, залдаги бир неча шляпаларга кўзи тушди. Ҳамма жамулжам эди. Хоним кўксини тўлдириб нафас олди ва меҳмонхонага аста кирди.

— Анча куттирганам учун узр. Чой ичдиларингизми?

— Биздан ташвишланманг.

— Мен муҳим бир янгилик айтмоқчиман. Энди детектив ҳикоялар ёзишга киришмоқчиман.

Меҳмонлар бу гапдан ҳангу-манг бўлиб қолишди.

— Детективни адабиёт чўққисига кўтараман. Илк ҳикоямни “Ахиллес ҳайкали” деб номлайман.

— Алберт нима бўлди?

— Уми? У бутунлай ёдимдан кўтарилибди.

— Уни кўрдингизми?

— Келинлар, Албертни ўз ҳолига қўяйлик. Ҳозир уни ўйлайдиган вақт эмас. Мен детектив ҳикоя ёзмоқчиман, — такрорлади баланд руҳда яна Форестер хоним.

— Сиз жудаям ажойиб аёлсиз! — мақташди меҳмонлар унинг саз кайфиятидан мамнун бўлиб.

**Инглиз тилидан, Жаҳон тиллари
университетининг 1-босқич талабаси
Хулкар МУҲАММЕДОВА
таржимаси.**



Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Достондан парча



ҚАРО КУНААР КЕЧМИШИ

Юз элик йил кетмади булут,
Чиммат тўсди куёш юзини.
Ёруғ кунлар бўлганди унут,
Очолмади эл-юрт кўзини.

Осмон ғамдан қадди букилган,
Кўздан ёши селдай тўкилган.
Қора рўмол кўкнинг бошида,
Идраб-идраб чоки сўкилган.

Юлдузларнинг нурсиз нигоҳи,
Мазлум элнинг етмайди оҳи.
Фарёдидан титрайди замин,
Аммо қайда унинг паноҳи?

Гуноҳ эмиш ҳатто жаноза,
Тарқалди-ку, шундай овоза.
Фарзанд бормаи ота дафнига,
Тутиб юрар пинҳона аза.

Жойнамозга бош урган чоллар,
Сибирларда берар саволлар.
Ким ҳам тинглар улар оҳини,
Илтижоси бўлмаи уволлар.

* * *

Табиат чўнг хаёл суради,
Эл бошида азоб кўради.
Бошин сергак тутолмас ҳеч зот,
Аждарҳо ўт пуркаб туради.

Пахтакордир, гарчи ўн ёшда,
Тегирмон тош айланар бошда.
Мункиллаган чоллар далада,
Заҳар-заққум кезади ошда.

Бунёд бўлар оқ момиқ тоғлар,
Кўз тикади қайларда зоглар.
Карвонларин йўлларга шайлаб,
Шу тоғларни ортмоққа чоғлар.

Неки бўлса инкор этмадик,
Ҳар қадамда чулғарди ҳадик.
Тупроқларга қоришиб кетган,
Ялангоёқ бизнинг болалик.

Олисларга бориб келардик,
Ярим тунда ҳориб келардик.
Очилмасдан сўлган гунчадай,
Аламларни қориб келардик.

Онам бир зум келмас даладан,
Кўрқмас иссиқ, совуқ, жаладан.
Йиғлар фақат хабар ололмай,
Қорни оч ва юпун боладан.

* * *

Совуқ юртга бериб мрамрни,
Биз уй қурдик ўйиб чимларни.
Номусу ор қайларда қолиб,
Она, дедик ахир кимларни?

Қуллик замон авжи билинди,
Бош кўтарган зиндон қилинди.
Деворда ҳам қулоқ бор экан,
Ҳар қатра сўз зимдан илинди.

Энди тўхтаб, қотганди ёши,
Тоғларнинг ҳам тугаб бардоши.
Ўз-ўзига разм солиб эл,
Сергак тортиди эгилган боши.

Асабий куч йиғилди қўлда,
Тўғонларни парчалаб йўлда.
Ёлғиз эмас эди, хайрият,
Ишонч топди ўнгда-ю сўлда.

АССАЛОМ, МУЗАФФАР ТОНГ!

Тонг отмоқда, порлоқ куёшим,
Кўтарайди оҳиста бошин.
Елкасидан ағдарди элим,
Босиб турган тегирмон тошин.

Офтоб олтин сочин таради,
Туронимга қулиб қаради.
Вужудига кўкдан нур эниб,
Бутун борлиқ гулдек яйрайди.

Ой юзидан доғлари кетган,
Боши юксак кўкларга етган.
Улуғ элнинг бахти қулибди,
Истиқлолни тараннум этган.

Зарафшондан зарлар оқади,
Жимирлаши дилга ёқади.
Тошлоқ ерни ёриб гунчалар,
Чор атрофга қувнаб боқади.

Тонг юлдузим порлаб турибди,
Толеимдан сўзлаб турибди.
Энди хурлик, порлоқ келажак,
Бахт-иқболга чорлаб турибди.

Ҳар қадамда асрий ютуқлар,
Буюк Турон қурмоқда элим.
Аждодларнинг йўлини тутиб,
Тулпорларини сурмоқда элим.

Зафарларга маёқдек чорлаб,
Сен бамисли сўлмас доласан.
Умри боқий куёшдек порлаб,
Истиқлолим, мангу қоласан.

Пастдаргом

Нилуфар МҶМИНОВА

МАНСУРАЛАР

Мен меҳрга ташна эдим. Оч эдим. Сен менга қон бердинг. Йўқ, йўқ, ахир, қон мавжудлик озиғи-қу! Сен менга ҳаво бердинг. Йўқ, йўқ, ахир, қон мавжудлик манбаи-қу! Топдим, сен менга зардоб инъом этдинг ва мен шу денгизда чўкиб ўлдим.

Мағрурлик дарахтини кесиб ташладим. Ўрнига тубанлик дарахтини ўтқиздим. Сув деб қонимни ичгиздим, оғзимда нафас бердим. Унга қараб қувончгами-ей, шодликками-ей, нимагадир тўлиб боравердим. Аммо бу ҳис ичимга кириб боргани сайин мен...

Ниҳол ўсаверарди.

Мен эса пастга қараб ўсардим.

Кун сайин бўйнимдаги маржон оғирлашиб борарди. Дақиқа сайин гуноҳ мунчоқлари бирин-кетин тизимга қўшилиб бораверди. Бошим ерга қадар етганида улар сочилиб кетди. Мен оғир юкдан халос бўлдим. ОЗОДЛИК! ҲУРРИЯТ! Аммо бўйнимдаги маржон излари яққол кўзга ташланиб турарди. Мен маржонсиз ҳам бошимни кўтара олмай қолдим.

Ичимда сенга тўхтамай гапираман, сенсиз куним ўтмаслигини изхор қиламан. Муҳаббатимни қўш қўллаб тутаман. Ичимда кўзларингга термулиб, ботиб кетгим ва қутқарувчи излаб дунёни ҳайқариққа тўлдиргим келади. Шунда гўё сен кўмакка етиб келасан. Бу инжа туйгуларнинг барини ташқарига чиқармоқчи бўламан. АЖАБО, улар нафратга айланиб ташқарига чиқади.

Дўстим, сен мендан БАХТнинг рангини сўра. Кечирган йилларим бўйича хулосаларимни айтмай. Сен қайдан биласан, балки мен уни бу дунёда бўлмаган рангга кўрарман. Демак, мен ҳеч кимга насиб бўлмаган бахтга эришган бўламан. Агар сен бахтнинг ранги оқ бўлади дейишса ишонма. Зинҳор-базинҳор ишонма. Бахтнинг ранги қора бўлади, қоп-қора бўлади. Чунки унда эришолмаганларнинг армони мавжуд. Армонда эса оқ рангдан ҳеч бир асар йўқ. Бахт гадир-будир бўлади. Ушлаган заҳоти қўлларингга ботади. Ёмон ботади. Сен азобларга чидайолмай уни ташлаб юборасан. Хотира сифатида ундан шилимшиқ қон қолади. Чилпиллаган қон сира ҳам кетишни истамайди. Сен унга қараб яна бахтни кўмсайверасан. У ҳаттоки мудҳиш таассуротлар билан ҳам миянгга ин қуриб олади. Қаттиқ ўрнашади. Сен азобдан кейинги роҳатнинг қандай бўлиши ҳақида ширин тасаввурларга бериласан. Аммо у яқинлашганинг сари узоқлашиб бораверади. Сен юрагинг ёниб уни ахтарасан. Кўзларинг ёниб уни ахтарасан. Уни топгунча сенга етти ковуш камлик қилади. Етти ҳасса чидай беролмайди. Соғинчдан киприкларинг тўкилиб адо бўлади. Ҳасратинг юкидан ер ботиб кетади. Сен эса қайсарлик билан, балки девоналарча бетиним уни қидираверсан, ўша қўлларингга қўшиб юрагингни қонатиб кетган бахтни қидираверасан. Сенга вафо қилмаслигини билиб туриб ҳам қўлларинг тимирскиланаверади.

Лекин, дўстим, уни тезроқ топишинг учун сен мендан БАХТнинг қаердалигини сўра. У қора бўлади, худди тундай қоп-қора бўлади.

Кунлар келадики, гамлар кўплигидан ёрилиб, бўлақларга бўлиниб кетган юрагимни йиғиштириб, ўз томонимга, ўз юртимга кетаман. Гуллару қўшиқларинг ўзинга бу-

юрсин! Менингсиз ҳам яшай оласан, демак бу видолашувдан кейин ҳам армон сенинг тош юрагингга рахна сололмайди. Сен ҳатто уларни ҳам армон деб аталмиш ботқоққа ботирасан. Орзуларинг қулф уриб, гуллаб-яшнайверади. Аммо улар ҳам рўёбга чиқавермаса, сен уларга ҳам бемалол қўл силтаб, кўзингни юмиб яшайверасан.

Ҳа, бу кўзлар чинакам жаллод эди. Унинг кундасига не-не тилаклар бош қўйди. Не-не ўтинчлар нариги дунёга рихлат қилди. Кунда қип-қизил қон билан тўла-тўкис ювилдию, аммо унинг даҳшати юз ифодасида акс этмади. Тўғрироғи, акс этиш ҳаёлда ҳам йўқ эди. Балки ... балки... Бир шоир ушбу сўзни пўкакка ўхшатган эди. Унинг ҳақлигини энди англаб етдим. Сенинг лугатингга фақат мен билан бошланувчи сўзлар мавжуд. Демак, бошқалар билан боғлиқ тушунчалар лугатдан чиқариб ташланган.

Мен эса... мен эса аламлардан тиканларни жон-жаҳдим билан симираман. Токи унинг охириги томчи суви тугаб, тилларимнинг қони яраларим устидан қотиб қолсин. Севги азобидан минг марта афзалроқ бу!!!

БАРДОШ охириги марта бу эшикни чертди-ю, жавоб келмагач, сочларини юла-юла жўнаб қолди. ГУНОҲ ҳам судралиб келиб, остонага қўрқа-писа оёқ қўйди-ю, эшикни қоқди. Эшикнинг зулфлари бир шақирлади, аммо бошича бирор ун чиқмади. У узоқ кутди. Фижимланганича кутди. Ғайритабиий бу сукутдан юраги ёрилган ГУНОҲ бошига болға билан урилган одамдай бироз гангиб турди-да, дунёни тўлдириб инграб юборди.

Бир пайт ўтда қоврилгандай жизғинаги чиқиб кетган ЮРАК бошини ҳам қилиб келди-да, зўрға овозини чиқарди:

—Кечир, мен келдим!

Ундан чак-чак этиб қон томиб турарди, Оғир хўрсиниш жимлики бузиб юборди ва эшик унсизгина очилиб, унга бағрини очди. Остонада, остона пойида тўхтовсиз йиғидан кўзлари қизарган, сочлари оқарган МУҲАББАТ турарди.

Рухсат беринг. Пойингизни қоплаб олган, миллион бўлақларга бўлиниб тўкилган кўнгили синиқларини териб олай. Жингиртоб бўлиб қуйган юракнинг нолаларини четга ирғитинг. Бугундан бошлаб мен ҳам ҳиссиёт салтанатининг қули эмас, ақл мамлакатининг тожига даъвогарман. Ҳол-буки...

Кўннинг энг чиройли вақти куёш ботишидир. Билсангиз, у эркаланиб ботади, кўнгли тўқ ботади. Чунки унинг эркаликларини кўтаргувчи бағир бор — осмон бор. Менинг ҳам уфқ бўлгим келарди, ястаниб ботгим келарди. Қонгаш бўлиб ботгим келарди. Агар шундай ором заҳар воситасида берилса, уни ҳам ичардим.

Кўзларингизга қараб, у ерда жойлашган куёшларнинг кўплигидан ҳайратланаман. “Куёш битта бўлади, у танҳо бўлади” дея бақираман, афсус, бу нидо ўз мамлакатимдан ташқарига чиқмайди. Фурурим юзимга тарсаки туширди. “Ҳамиша хавфдаур кўнглим бу муҳаббат интиҳосидан” — шоир сўзларини тўтиқушдай телбавор такрорлайвераман. Кўнгиладан бир нима кирт этиб узилди. Кўз ёшларинг югургилаб келди. У бир синди, ёмон синди. Ижозат беринг, унинг синиқларини териб олай. Битта қўймай териб олай.

Кутиш занжирлари... унинг ниҳоясига етганимизда, умр ҳам поёнига бош қўйгай.

АЛПОМИШЛАР ЮРТИ БУ...



9-13 август кунлари Тошкентнинг «Ўзкўргазмасавдо» марказида эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда дунёнинг 52 мамлакатидан 500 нафар ёш полвонлар иштирок этишди.

Жаҳон чемпионатининг юртимизда ўтказилаётгани бежиз эмас, албатта.

Сўнги йилларда мамлакатимизда спортга, хусусан курашга бўлган эътибор ўз самарасини бермасдан қолмади. Мустақил Ўзбекистон жаҳон спорти саҳнасида тобора ўзига хос ва мос ўринни эгаллаб бормоқда.

Ушбу нуфузли мусобақа яқунлари ҳам фикримизни исботлаб турибди. Ўзбекистон полвонлари ажойиб натижа кўрсатишди ва умумкоманда ҳисобида Россия, Эрон, Грузия жамоаларидан кейин фахрли тўртинчи ўринни олишди.

Жаҳон чемпионатининг олтин медали учун бўлган бир кураш ҳамюртларимиз ва кўп сонли спорт мухлислари ёдида узоқ вақт сақланиб қолса керак. Чунки бу курашда эркин курашчимиз, 18 ёшли Дилшод Мансуров грузиялик рақиби Бесарион Гошашвили устидан 10-0 ҳисобида соф ғалабага эришди.

Ушбу мусобақаларда яна уч спортчимиз совринли ўринларни эгаллашди. Музаффар Абдурахмонов ва Магомед Ибрагимовлар кумуш, Жаҳонгир Турдиев эса бронза медалига сазовор бўлишди.

Ўзбекистон халқаро спорт мусобақалари ўтказишда катта тажрибага эга бўлиб бормоқда. Мазкур мусобақа ҳам ўз кўлами, ташқилий жиҳатларига кўра кўпчилик мухлисларнинг, мутахассисларнинг ва курашчиларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Ушбу мусобақада ҳакамлик вазифасида биз аёл кишини кўриб, тўғриси, анча-мунча ҳайратландик. Бу аёл АҚШлик Марша хоним экан.

Мусобақанинг фахрий меҳмони, афсонавий полвон Александр Медведь ҳам мусобақа хусусида ўз ижобий мулоҳазаларини билдирди.

Умуман, Алпомишлар юрти Ўзбекистонда кураш тобора ривожланиб бормоқда.

А. ЖУМАЕВ



**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШКЕРАК!**

Муассислар:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Камолот"
ёшлар ижтимоий ҳаракати

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмат ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
Масъул котиб
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Одил ЁҚУБОВ
Собир ЎНАР
Абдусайд КЎЧИМОВ
Абдул Фани ЖУМАЕВ
Тўхтамурод РУСТАМОВ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Ғаффор ХОТАМОВ
Шодиқул ҲАМРОЕВ
Луқмон БЎРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали 1982
йилдан чиқа бошлаган.

© "Ёшлик" № 5-6 (181-182) 2001 й.

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТЎЛАГАНОВА

Муқоламизда:

1-2-бетлар: Алпомишлар юрти бу...
(47-бетдаги шу номли мақолага қаранг).
3-бет: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов.
4-бет: 2001 йил — Оналар ва болалар йили.

(А. Жумаев фотолари)

МУНДАРИЖА

АНГЛАШ

Ғайрат МАЖИДОВ. Озодлик қайғуси1

НАСР

Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ.
Асранган олтин.Романдан боблар5
Нилуфар МЎМИНОВА. Мансуралар46

НАЗМ

Озода ТЎРАҚУЛОВА. Болалигим ёмғирларда қолган
гиёҳ3
ДУРПОШША. Сўнги гулнинг маъсум овози31
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ. Истиклол кўшиғи45

ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР

Хуррам РАИМОВ. Чанқовуз18
Абдулла АЙИЗОВ. Йўл18

МУМТОЗ БАДИЯТ САНЪАТЛАРИ

Ваҳоб РАҲМОНОВ. Ийҳом санъати4

ТАДҚИКОТ

Алимардон ҲАЙИТОВ. Ижодий таъсир кўчкиси ...19
Отабек ЖЎРАБОЕВ. Ўзбекона наср устаси33
Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА. Таржима маҳорати ..34
Нурбой АБДУЛҲАКИМ. Фурқат нега Фурқат39

АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА

С. Моэм.Ижод алангаси. Ҳикоя43

БАҲС

Абдуваҳоб ИКРОМОВ, Ибодулло ХОЛЛИЕВ.
Маънавият ва экология36

БОЗОР ИЛМИДАН САБОҚЛАР

Фарҳод ШАРАПОВ.
Солиқ — иқтисодийтимиз таянчи 42

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Эргаш ОЧИЛ. Туйғулардан яралган олам27

ТЕРМИЗНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ

Абдулла УЛУФОВ. Табаррук Термиз21

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Раъно ШАРАФИЕВА. Сенга, сен ҳақингда...30

МУҚОВАМИЗДА

Алпомишлар юрти бу47

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру,
1-уй, Телефон: 133-40-83
Босишга 15. 10. 2001йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,0.
Индекс 822 ISSN 0207-9137 Буюртма № 233

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди
деб изоҳланиши шарт.

"Янги аср авлоди" нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-
тол кўчаси, 60-уй.